


АЛИЖОН ТУРДАЛИЕВ

КОМПОЗИЦИЯ

Олий ўқув юртларининг «Бадиий-графика» факультетлари
талабалари учун ўқув қўлланма



Тошкент - 2003

Турдалиев А.

Композиция. Олий ўқув юртларининг 5140700 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавр таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Т., 2003. - бет. Илл.

Уибу қўлланма тасвирий ижоднинг асоси бўлган ва рассом-педагог тайёрлашида муҳим ўқув предмети ҳисобланган композицияга бағишиланган. Қўлланмада муаллиф предметнинг ривожланиши тарихини, тасвирий санъатнинг барча тур ва жсанрларида композициянинг асосий қонунларини қўлланилишини ҳар томонлама ва тушинарли ёритиб беради. Шунингдек, ҳар бир боб якунида уибу фаннинг ўқув дастурига мос ҳолда амалий-аудиториявий машқлар ва уй вазифалари бажарии режаланади, уларни бажарии юзасидан услубий маслаҳатлар берилади. Қўлланмада таниқли ва машҳур рассомларнинг етук асарлари репродукциялари ва талабаларнинг ижодий ишларидан намуналар берилган.

Кўлланмадан академик лицей, коллежларнинг тасвирий санъат йўналиши талабалари ва ўрта мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Данное пособие содержит теоретический материал о композиции, который составляет основу художественного творчества, и который играет важную роль в подготовке художников-преподавателей. В нем более подробно освещаются материал по истории развития предмета, представлен также большой материал об основных законах, правилах и видах композиции по различным жанрам изобразительного искусства, раскрывая закономерности их использования на практике.

Пособие снабжено целенаправленным материалом для практической работы в аудитории и самостоятельной работе. Иллюстративный, наглядный материал представлен репродукциями картин вдохновившихся художников и творческих работ студентов.

Пособие рассчитано для учащихся академических лицеев и колледжей по направлению "Изобразительное искусство". Он может быть использован и учителями изобразительного искусства средней общеобразовательной школы.

The given grant contains a theoretical material about a composition, which makes a basis of art creativity, and which plays the important role in preparation of the artists - teachers. In him the materials on a history of development of a subject are more in detail covered, the large material about the basic laws, rules and kinds of a composition on various genres of fine arts is submitted also, the laws of their use in practice are opened.

The grant is supplied with a purposeful material for practical job in an audience and independent job. The illustrative, evident material is submitted by reproduction of pictures of the outstanding artists and creative jobs of the students.

The grant is designed for learning academic Lyceums and colleges on a direction "Fine arts". He can be used and teachers of fine arts of an average comprehensive school.

Тақризчилар: 1. Пфд, профессор Р.Ҳасанов
2. Пфн, доцент Б.Орипов

Ўқув қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашрга тавсия қилинган (баённома № 2003 йил)

**НамДУ доценти, пфн А.Турдалиев томонидан ёзилган,
«Композиция» номли ўқув қўлланмасига**

ТАҚРИЗ

Ушбу ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг 5140700 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиш талаблари учун ёзилган бўлиб, у кириш, 10 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва таянч иборалар изоҳидан, иловалардан иборат. Ўқув қўлланма мазкур фан дастури бўйича барча назарий ва Амалий мавзуларни тўлиқ қамраб олган. Ҳар бир бобда тарихий, археологик ва санъатшуносликка оид илмий манбаалардан ўринли ойдаланилган. Кўлланмага Амалий аудитория ғоявий ва мустақил ишласи учун мавзулар берилган ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Кўлланмада ижодий дараён моҳияти, композициянинг асосий қонунлари, қоидалари, усул ва воситалари, турлари тависланади. Шунингдек, натюриорт, манзара, потрет, бир фигурали ва мавзули воқеабанд композиция, граика ва монументал санъатдаги композиция масалари Аниқ ва равон баён этиб берилади. Ўқув қўлланмада кўплаб Таниқли рассомларининг машхур асарларидан, замонавий санъат асарларидан ва талабарининг ижодий ишларидан ойдаланилган.

Бироқ китобнинг айрим қисмлари хажмли талабаларнинг мустақил ишлаши учун ажратилган вақт меёрига роса мос эмас ва мустақил ишлаш учун йўл-йириқлар ва кўрсатмалар камроқ берилган.

Умуман олган ушбу ўқув қўлланма шу йўналишда талабалари учунгина эмас, балки бадиий таълимда илк бор яратилаётганли боис ва бу ўқув адабиётлар эҳтиёж. Нуқтаи-назардан олганда ниҳоятда қимматли ва аҳамиятли ҳисобланади.

Бизнингча ушбу қўлланмани баъзи бир материаллар билан бойитилган холда, дарслик сиатилда нашр этиши мАқсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва ушбу ўқув адабиёти лойиҳасини УОУМТВнинг мувофиқла турувчи кенгаши мухокамасига тавсия этамиз.

**Тақризчи НамДУ доценти, пфн,
Ўзбекистон ижодкорлар уюшмаси аъзоси:**

Б.Н.Орипов

**Наманган давлат университети доценти, пфн. Алижон Турдалиевнинг Олий
ўқув юртларининг Бадиий-графика факультети талабалари учун ёзилган
«Композиция» номли ўқув қўлланмаси лойиҳаси**

ТАҚРИЗ

Мазкур ўқув қўлланма кўп йиллиб қилинган меҳнат маҳсум сифатида олий ўқув юртларининг бадиий таълим йўналишларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасидаги саъети-ҳаракатлардан бири бўлиб, у муқаддима, 10-боб, хулоса, асосий таянч иболралар оизоҳи, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг хажми ўртacha 8 босма табоқни ташкил қиласди.

Қўлланмада ўқув предметининг мақсади ва вазифалари, ривожланиш тарихи, ижодий жараён моҳияти, композициянинг асосий қонунлари, қоидалари, усул ва воситалари, шунингдек дастгоҳи рангтасвир, графика, монументал-декоратив санъатдаги композиция масалалари баёнг этилади. Қўлланмада аввал назарий материаллар, сўнг Амалий-аудиториявий машқлар ва мустақил уй вазифалари берилади ва ижодий иш мавзулари ва уларни бажариш юзасидн йўйириклар кўрсатиб ўтилади.

Қўлланма материаллари билимларни ўзлаштиришнининг падагогик ва психологик қонунларини ҳисобга олиб тузилган. Айнан шу аниннинг хусусиятиданг келиб чиқиб, талабаларни иждодий қобилиятларининг ўстиришга ҳизмат қилувчи тразда, мустақил ижодий ишлашга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўлланма бой тасвирий материаллари билар ажralиб туради, улар, машхур рассомлик асарлари репродукциялари, талабаларни амалий ишлари, муалли томонидан тайёрланган иллюстрациялардир.

Шу Билан бирга археологик ва санъатшуносликка оид тарихий манбаалар Билан бир қаторда. Мустақил Ўзбекситон санъатининг энг Янги материалларини киритилишишининг илмийлиги ва ижтимоий аҳамиятини юқори даражага олиб чиқади.

Қўлланмада шу фанинг асосий манбаалари асосида назорат саволлари ва энг асосий таянч иблралари изоҳи берилганлиги, дарслидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳизмат қилган. Бироқ, жуда айрим камчиликлар ҳам учрайди: 1. Қўлланма материалридан ўзбек рассомлари ижодий аолиятининг жараёнларига кўпроқ ўрин берилгани маъқул; 2. Қўшимча маълумотнома тарзидағи қизиқарли материаллр киритилиши керак; 3. Тушунча ва таъриларни баъзи жойларда арқлироқ қўлланнилган жойлари мавжуд.

Умуман олганда, Ушбу адабиёти лойиҳаси жуда зарурий ва эҳтиётий ката бўлган соҳага оид биринчи ва қимматли ишdir. Шу боис, юқоридаги кўзда тутилган камчиликларни бартата этган холда, ишни бойитиб, бизнингча ўқув қўлланма тарзида эмас, балки дарслик сиатида нашр этилиши мАқсадга мувофиқдир.

Тақризчи:

пфд., проф. Р.Ҳасанов

КИРИШ

Композиция олий ўқув юртларининг Бадиий-графика факультетларида асосий мутахассислик фанларидан бири сифатида ўқитилади. У талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда ўқитувчилик фаолиятини шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Композиция фанининг асосий вазифалари талабаларда:

- ижодий тасаввурни ўстириш;
- ҳаётдаги воқеликни кўра билиш;
- бадиий дид ва маданиятни тарбиялаш;
- олган билим ва маҳоратларини ўқитувчилик фаолиятида қўллай олишга ўргатиш ҳисобланади.

Композиция бошқа мутахассислик фанлари: қаламтасвир, рангтасвир, санъат тарихи, перспектива, ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат, тасвирий санъатни ўқитиши методикаси каби фанлар билан чамбарчас алоқада бўлади.

Композиция ўқув предмети талабаларни фаннинг ҳам назарий, ҳам амалий асослари билан таништириб боради. Жумладан, назарий асос сифатида талабаларга композициянинг ривожланиш тарихини ва назариясини, тасвирий санъатнинг турлари ва жанрларини, ижодий жараён босқичларини ўргатилади, хусусан, композиция қонунларининг тавсифи, уларни келиб чиқиши тарихи, машҳур рассомларнинг ижодий асарлар яратиш тажрибалари ва ижод жараёнидан лавҳалар, ҳар бир санъат турининг ўзига ҳослиги ва унга қўйиладиган бадиий талаблар, машҳур рассомлик асарларини яратилиши, композицияси ҳақида тушунчалар берилади.

Композициядан амалий машғулотлар жараёнида эса, талабаларни ижодкорликка йўналтириш ва мустақил ижодий ишлашни шакллантириш назарда тутилади ва бунда композициянинг зарурий элемент: соя-ёруғ нисбатлари, ранг муносабатлари, чизиқ ва тусларнинг кетма-кет тақрорланиб узвийлик ҳосил қилиши кабилар амалий машқларда мустахкамлаб борилади. Шунингдек, асардаги катта ва кичик ўлчамларнинг ўзаро нисбати, перспектив ўзгариш муносабатлари, кўриш бурчаги биргаликда асар мазмунини очиб берувчи восита эканлиги синаб кўрилади.

Талабалар композиция машғулотларида нафақат реалистик рангтасвир, балки монументал асарлар композициясини, амалий санъат турлари композицияси устида ҳам ишлайдилар.

Амалий вазифаларни аудиторияда ва уйда бажарадилар. Бериладиган ижодий топшириклар оддийдан мураккабга, ўзаро боғлиқ холда изчил мураккаблашиб боради.

Композиция машғулотларида талабаларни нафақат назарий ва амалий билимлар, балки композицияни ўқитиши методлари билан ҳам таништириб борилади, натижада уларнинг композиция бўйича назарий фикр юритувчи, амалий ижод қила оловчи ва ёш авлодни эстетик руҳда тарбияловчи, ҳар томонлама ривожланган мутахассис бўлиб етишишлари назарда тутилади.

Ушбу ўқув қўлланма композиция курси бўйича тузилган намунавий дастур асосида ёзилган бўлиб, у олий ўқув юртларининг «Бадиий-графика»

факультетлари учун мүлжалланган. Ундан тасвирий санъат ўқитувчилари, ўрта маҳсус ва касб-хунар колледжларининг рассомлик йўналиши талабалари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

I-боб. КОМПОЗИЦИЯ ЎҚУВ ПРЕДМЕТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсон ҳар бир нарсани албатта табиатдан ўрганади. Лекин, табиатчи? У биз билганчалик оддий эмас, балки мураккаб, кўпобразли, чексиз-чегарасиз, қайсики инсон абсолют даражада ҳаммасини била олмайди, факат билишга интилади. Бу интилишнинг натижаси эса фанда, санъатда янгиликлар яратилишига олиб келади.

Инсон табиатнинг инъикосини кўрар экан, органик ва неорганик табиатнинг тузилиши принципларини қўллаб-кувватлайди, ижодий фикрлаш орқали эса предмет ва унинг қўринишларини энг яққол тасвирий ҳолатида ифодалайди. Ана шу танланган ҳолат «композициядир», у эса инсонларнинг хиссиётларини қўзғатади, маълум ғоя ва тасаввурларга йўналтиради.

Композиция-лотинча «compositio» сўзидан олинган бўлиб, «тузмоқ», «жойламоқ», «яратмоқ» деган маънони билдиради. Композиция санъатининг барча турларига ҳосдир.

Масалан, рангтасвир композицияси деганда, картина текислигига тасвир элементларини кўзланган гоянинг энг мақбул, энг кучли ифодалаш имконини берадиган қилиб жойлаштириш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, композиция - алоҳида олинган қисмларни мантиқан бир бутунликка келтириш демакдир. Композицияни тўлиқроқ англамоқ учун табиатдаги буюк бир «композиция» - мўъжизавий табиийликни кўз олдимизга келтирайлик. Алоҳида-алоҳида олинган элементларнинг маълум бир тартибда жойлашганлиги, ўзаро боғланганлиги ва яхлит гармонияни ҳосил қилганлигини ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ҳам кузатишими мумкин. Ҳар қандай оддий ўсимлик ҳам кичкина бўлаклардан ташкил топади. Улар биргалишиб маълум шакл ҳосил қиласиди ва яхлит холда кўринган тасаввурга олиб келади (1-расм).

Композиция санъатнинг барча турларига мансубдир. Композиция элементлари архитектура қурилишларида, бадиий асарларда, ҳайкал ва картиналарда, кино ва театр постановкаларида ҳам амал қиласиди. Яхлитлик ва бўлиниш, симметрия ва ритм принциплари санъатнинг турли хил турларида турлича намоён бўлади. Бу принципларни ўзаро мослашуви эса синтез санъатларни келтириб чиқаради. Драматургия, кино, телевидение, цирк санъатлари бунга мисолдир.

«Композиция» тушунчасини жиҳатлари ҳақида гапирганда шуни айтиш мумкини, у турли санъатларнинг ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳар бирида унинг мазмуни ва ишлатилиш даражаси ҳам турлича бўлади. Масалан, мусиқа санъатида композиция масалалари анча чекланган, улар

умумий планда тасвир этилади, фақат аралаш ҳоллардагина деталлар ўзаро бирлаштирилади. Адабиётда эса элементлар тўлиқ бир мазмун асосида қўлланилади ва маълум бир материалнинг матнда аниқ жойлашуви тақозо этилади ёки мазмунни кетма-кет тўлдириб борилиши назарда тутилади.

Композиция тушунчасини тасвирий санъатдаги ҳолатига келсак, ҳали бу соҳада анча ноаниқликлар мавжуд. Сабаби, композиция назарияси ҳали тартибга солиниши зарур. Гарчи, бу соҳада турли ҳил қарашлар мавжуд бўлсада композиция чуқур ва маҳсус суратда санъат назарияси, ёки эстетика шуғулланмайдиган алоҳида бир назария сифатида яратилиши зарур бўлмоқда. Бу назария санъатшунослик назариясининг бир бўлими бўлиб «композиция назарияси» бўлиб яратилиши керак ва у тасвирий санъат композицияси, муаммолари, терминларини жуда аниқ, тарзда ифодалаш лозим.

Композициянинг дастлабки тушунчаларини биз Брокгауз ва Ерон луғатида учратамиз. Бунда энг яхши санъат асарлари таҳлили асосида фақат айрим қонун-қоидаларгина кўрсатиб ўтилган. Унда композициянинг асосий жиҳатлари сифатида яхлитликка катта эътибор берилади. Яъни, «яхлитлик - рассом ғоясини ифодалашга хизмат қиласи» - дея таъкидланади.

В.А.Фаворскийнинг ёзишича: «Композициянинг сифатларидан бири қўйидагича бўлиши мумкин: санъатда композиционликка интилиш дегани бу турли фазовийликни, турли вақтлиликни яхлит идрок этиш, қўриш ва тасвирлаш демакдир. Образни яхлит ҳолидаги қўришга олиб келиш-бу композициядир».

К.Ф.Юон эса, «Рангтасвир композицияда конструкция бўлиши керак, қайсики у қисмлари билан текисликларига бўлинниб кетади, шунингдек, текислик факторларидан келиб чиқувчи структурага ҳам бўлинади»-деб ҳисоблайди.

Санъатшунослар Л.Ф.Жегин ва Б.А.Успенский «...композ-ициянинг марказий масаласи қўриш нуқтаси деб» ва «...рангтасвирда қўриш нуқтаси масаласи аввало перспектива масаласи сифатида юзага чиқади» деб ҳисоблайдилар.

Е.А.Кибрикнинг фикрича эса «Яхлитлик фақатгина композициянинг зарурий сифати эмас, балки композициянинг асосий қонунларидан биридир, у эса «конструктив ғоя» орқали топилади» дея масалага анча аниқлик киритади.

Н.Н.Вольков композицияни шундай ҳисоблайди:

«Тасвирий санъат асарлари композицияси-тасвирий санъатнинг асосий бадиий формасидир, у ўзида яхлит ҳолда бошқа шаклларни бирлаштиради, алоҳида элементлар бирлашиб яхлитлика эга бўлади, қайсики, хеч нарсани олиб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди, бадиий образга зарар етказмасдан унга қўшиб ҳам бўлмайди ва бу яхлитлик асарнинг ғоявий-мақсади билан ажралмас бир бутунликда ётади».

Н.Н.Вольков «структур-бу анча умумий, конструкция эса структуранинг бир типи сифатида қўринади»-деб ҳисоблайди.

Композиция ўқув предмети ўз олдига: тасвирий санъат композицияси бўйича билим бериш, ижодкорликни тарбиялаш, ижодий қобилиятларини ўстириш, билиш активлигини оширишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсадни муваффақиятли амалга ошириш йўлида талалабалар билан ўқитувчи раҳбарлигига бир қатор ўқув-тарбиявий ишларни олиб бориш кўзда тутилади.

Композиция ўқув предметининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Талабаларда кенг, умуминсоний дунёкараш, жамият тараққиёти ғояси учун курашишни шакллантириш.
2. Талабаларда бадиий дид, бадиий эстетик маданиятни тарбиялаш.
3. Талабаларда: а) образли тафаккур; б) ижодий фикрлаш; в) кўриш хотираси каби бадиий қобилиятларни ўстириш.
4. Асарларни композицион қурилишни тахлил қилиш билан бирга асарни яратилиш тарихи, уни яратиш жараёни ва босқичларини ўрганиш.
5. Санъат асарларини композицион масалалар аспектида тахлил этиш бўйича билим ва малакаларни эгаллаш, ҳамда ундан ўз мустақил ижодларида фойдаланиш.
6. Талабалар томонидан ўқув предмети сифатида композициянинг назарий асослари ва уни ўқитиш услубларини ўрганиш.
7. Талабалар билан композициянинг назарий асосларини санъат асарининг тарихий ривожи ва амалий яратилиши билан ўзаро боғлиқлиқда ўрганиш.
8. Талабаларда бадиий кузатувчанликни ривожлантириш мақсадида:
 - а) талабаларни рассом нуқтаи-назари билан теварак атрофни маҳсус бир мақсадга қаратилган ғоявий-бадиий кузатишга ўргатиш;
 - б) ҳаётий таассуротларга ижодий ҳолда ёндошишга ўргатиш, хотирани бойитиш ва бу таассуротларни хаққоний, образли ҳолда ижодда тасвирилаш;
 - в) талабаларни бадиий кузатиш асосида қоралама, этюд, ҳомаки тасвиirlар чизиш, натурадан хар хил машқ ва изланишлар олиб бориш, натурадан образлилик ҳолатларини топиш, композицион ишлар бажариш.
9. Мазмунида образли ҳулоса бўлган композиция яратишга ўргатиш.
10. Композицион маҳоратни эгаллаш, ана шу билим ва малакаларни ўқув ва мустақил ишларида ўринли ишлата олиш.
11. Композиция соҳасида бўлғуси рассом-педагогларни мустақил ижодий ва педагогик фаолиятга тайёрлаш.

Амалий-аудиториявий ишлар қўйидаги тартибда олиб борилади:

- а) кириш суҳбати ва топшириқлар олиш;
- б) амалий машқ бажариш;
- в) бажарилган иш муҳокамаси ва ҳулоса чиқариш.

Ўқиши давомида талабалар композиция бўйича мустақил уй вазифалари ҳам бажариб борадилар. Уй вазифалари бажаришнинг турли кўринишлари мавжуд, улардан:

- а) композиция эскизи бўйича ишлаш;

- б) амалий топшириқ мавзусига боғлиқ бўлган ҳолда теварак-атрофни, хаётни кузатиш;
- в) мавзу бўйича этюд, қоралама ва ҳомаки расмлар бажариш;
- г) композицион фикрлашни ўстириш машқларини (ранглар колоритини ҳис қилиш, композицион яхлитликни топиш) бажариш;
- д) композицион вазифаларга оид янги материаллар билан танишиб бориш;
- е) адабиёт ва музей материаллари асосида майший хаёт ва давр қаҳрамони характеристерини ўрганиш кабилар бўлиши мумкин.

Композиция алоҳида предмет бўлибгина қолмасдан, балки, кўплаб фанларни ўзаро бирлаштиради ҳам. Бундан ташқари композиция предмети эстетика, этика, санъат тарихи билан жипс алоқада бўлади. Умуминсоний гўзаллик тушунчаси композициянинг методологик асосини ташкил этади.

Санъат тарихи орқали эса буюк санъат усталарининг ижодлари билан танишадилар. Шу билан бирга композиция предмети Тасвирий санъат ўқитиши методикаси фани билан ҳам узвий алоқада бўлади. Сабаб, ижодкор рассомлар албатта композиция ўқитиши методларини билишлари шарт ҳисобланади.

Композиция бўйича машғулотларда талабаларни Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихий ва замонавий асарларида композиция ютуқларидан ҳам кенг фойдаланиш назарда тутилади.

Назорат саволлари

1. Композиция нима?
2. «Инсон – ижодкор» сўзини изоҳланг.
3. Брокгауз ва Ефрон луғатларида композициянинг қайси жиҳатларига эътибор қаратилган?
4. Композиция қайси фанлар билан алоқада бўлади?
5. «Образли тафаккур», «ижодий фикрлаш», «кўриш хотираси» сўзларини изоҳланг.
6. Композиция ўқув предметининг вазифаларини санаб беринг.

П-боб. КОМПОЗИЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Композициянинг тарихий ривожланиши ва унинг ўқитиши методларини ўрганиш композицияни маълум бир социал даврлардаги ўрни, ҳолати, конкрет объектив қонуниятларини очилиши ва техник услублар, қадимий усталар эгаллаган маҳоратлари хусусидаги маълумотларни аниқлаб олиш имконини беради.

Тасвирий санъатда композициянинг қонун-қоидалардан фойдаланиш ибтидоий жамоа тузуми давридан шаклланган. Ибтидоий одам ўзининг тушунча ва тасаввурларини илк қадимий тасвиirlарида ифода этган (2-расм).

Ибтидоий давр одамлари ҳаётни анча зийраклик билан билан кузатсаларда, уларда композицион хис қилиш анчайин бўш ривожланганини кўрамиз. Бу нарса улар томонидан тош қоя ва ғорлар ичига ишланган қадимий тасвирларда кўринади. Турли ҳайвонлар, ов манзаралари, подалар тасвирлари қадимий аждодларимизнинг ижодлари намуналаририд.

Қадимги давр рассомлари табиатга сергаклик билан эътибор бериб, барглар, шоҳлар, гулларни тузилишини кузатганлар, йил фаслларини такрорланиб келиши, тун ва кунни фарқларини англаб етиб, улардан ўз ижодий композицияларида фойдаланганлар. Табиатдаги ритм ва симметрияни тушуниб етганлар, масалан, қадимги грекларни рельефларида ритм аниқ сезилиб туради. Бу эса айнан қадимий грек санъатига ҳаётийлик олиб кирган. Одамларнинг фигуralари оддий ва мураккаб харакатларда табиий ҳолда тасвирлана бошлади.

Қадимий Шарқ композициялари ибтидоий тасвирлардан аҳамиятли равишда фарқ қиласди. Агар, ибтидоий тасвирларда предметлар тарқоқ, тартибга солинмаган ҳолда бўлса, Қадимий Шарқ композицияларида қатъий қонун-қоидаларга амал қилинган. Рассом ижодини архитектура билан боғланган ҳолда, қулдорчилик тузуми маданий, майший урфлар ва чеклашлар билан тасвирланган.

Қадимги Миср санъатида композициянинг янги усллари пайдо бўлади. Бу умумхалқ тафаккурининг ўсганлиги, ҳаётни анча фаол билиш, англаш билан боғлиқдир. Санъат ҳам ўз имконитларини кенгайтирди. Янги воситалар ва қонун-қоидалар очилдики, улар бадиий асарларнинг хаққоний тасвирлашдаги ютуқларига олиб келади. Чизиқли тасвир анчайин ифодавий, яъни тасвирланувчининг қисмлари пропорцияси анча аниқлаб олинган ҳолда тасвирланади. Ранг ва тус муносабатлари ҳам катта аҳамият касб этиб борди.

Қадимги Греция рангтасвирида мазмунли-композицион марказ аниқ ва ёрқин ифодаланганигини кузатиш мумкин. Масалан, бунга «Ахилл Ликомед қизлари орасида» номли помпей фрескаси мисол бўла олади. Ахилл билан Одиссейнинг бошлари худди ба-ландда пирамида тепасида жойлашган, бунда яхлит ҳолда композициянинг пирамидавий қурилишини гувоҳи бўламиз. Бундан ташқари мазмунли-композицион марказ бир қадар ёрқин доғлар билан (қизил қалқон, Ахилл ва Одиссейнинг боши) эътибор билан ишланган.

Биз ўша давр рассомларининг трактат, хат, ёзишма, хотира, кундаликларида композиция ҳақидаги қимматли фикрларни учратамиз. Гарчи эрта уйғониш даврини йирик усталари Джотто, aka-укалар Губерт, Ян ван Эйк, Ганс Мемлинг, Лука дела Роббиа, Гирландайо, Мазачко кабиларнинг фикр-мулоҳазалари бизга маълум бўлса-да, бироқ уларнинг ижоди тасвирий санъат қонунлари ҳақида чукур билимга эга эканликларини намоён этади. Ва албатта, уларнинг баённомалари - «холст ва тахтадаги рангларида» композицион қонун-қоидаларига амал қилганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

М.В.Алпатовнинг гувоҳлик беришича, композиция билан боғлиқ бўлган, биринчи вазифалар эрта уйғониш даври рассомларнинг маҳоратли

фрескаларда асосланган. Бунга мисол бўлиб Джоттонинг «Исони чўқинтириш», «Иудани бўсаси», «Иоакимни чўпонлар билан учрашуви» кабиларни келтириш мумкин. Композиция вазифаларини ўзининг асарларида очиб берган Джотто орқасидан Мазаччо ҳам кетма-кет ишлаб борди. Унинг «Динари ҳақида афсона» фрескасида, хажмларнинг ритмик боғланишларини, катта фазовийлик, тасвирланган фигуralарнинг хажмдорлигини ифодалаш билан бирга композициянинг бир бутун яхлитлигига эришди. Джотто ва Мазаччонинг ижоди шубҳасиз пластик анатомия, перс-пектива, геометрия каби фанлар асосидаги тасвирий санъатда композицион қонун-қоидаларни амалий равишда қўлланишининг муҳим намунаси бўлиб хизмат қиласди.

Леонардо да Винчининг «Сирли оқшом»и эса, янги композицион формуулани ўз ичига олувчи, борлик харакатни кўриш идроки қонунига жавоб берувчи кенг қамровли идеал асар ҳисобланади. Перспектив чизиқларни чиқиши нуқтасига бош персонаж жойлаштирилган, худди Альберти трактатларида асослангандек композиция маркази кўриш пирамидасини энг уч қисмида жойлашган (3-расм).

Кўриш пирамидаси назарияси, горизонт чизиги таъсири билан боғланган ва картинани чукур фазовий кўппланлилига айлантирган. Перспектива ёрдами билан уйғониш даври рассомлари текисликда чукурликни кўриш иллюзиясига эришдилар. Айнан перспектива қонунлари композициянинг асослари қаторига киритилди. Шу давр рангтасвири гўё театр сахнаси принциплари асосида ва унинг зан-жири Билан композицияларда бир неча фазовий планлар ҳосил қилдилар.

Леонардо да Винчи ўз мақолаларида худди Альберти сингари бадиий асардаги статика ва динимикани ифодалашга катта эътибор қаратди.

Кўп йиллаб кузатиш ва ўз мушоҳада тахлиллари асосида, йирик рассомларнинг асарларини ғоявий тизимлари, рангли ечим, амалий қоидаларини умумлаштириб Альберти «Рангтасвир ҳақида уч китоб» номли илмий асар яратиб қолдиради.

XVIII-XIX аср рассомлари, санъат тарихчи ва назариётчилари ўзларининг ёзишмаларида композиция масалалари ҳақида фикрларини билдирадилар. Хусусан, француз рассоми Э.Делакруанинг «Кундалик»даги фикрлари чукур ва кенг қамрови билан Леонардо да Винчи, А.Дюрер, П.Рубенс, Н.Пуссен каби усталарнинг машхур трактатлари ва қимматли меросларидан қолишмайди.

Э.Делакруанинг фикрича, асарнинг самарадорлиги кучли даражада эксессуарларга боғлиқ. Эксессуарлар деб у нафақат иккинчи даражалилар ва майда деталлар, балки матолар ва ҳатто алоҳида ҳолда олганда қўлларни ҳам ҳисобга киритади. Масалан, Э. Делакруа ҳисобича қўлни эксессуар деб аталса, бу ҳолда қўл ҳам кийим ёки фонга нисбатан тамошабин эътиборини камроқ ўзига тортмоғи керак деб ҳисобланади.

Э.Делакруа кўплаб мақолалар ва бадиий-танқидчилик руҳидаги фикрларни ҳам ёзади. Машхур рассомларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзар экан, Э.Делакруа уларнинг асарларини қурилиши ва улар қўллаган баъзи бир композиция қонун-қоидаларини таъкидлаб ўтади. Масалан, унинг ёзишича

Рубенс воқеани моҳирона жойлаштира оларди, айнан шу билан унинг ижодини кучи ёрқинроқ намоён бўларди. Э.Делакруанинг фикрича улуғ усталарининг улкан картиналарининг вазифаси ва қимматини баҳолаш қийин. Лекин, композицион кўринишида уларасарларида ҳам етишмовчиликлар бор. Бу етишмовчиликлар шу билан хулосаланадики, рассомнинг фикри кўриниши керак бўлган жойда у билан ҳеч қандай алоқаси йўқ деталлар айнан ҳолда эксессуар қисмларга бўлиниб кетади. Биз тез-тез фигуralар мавҳум, ҳар қандай ифодавийликдан бегона, биринчи пландаёқ гурухларга ажраган ёки бир-бирига қарама-қарши қўйилган ёки чуқурлиқда ва гўё асосий қисмни бўлакларга ажратиш учун белгилангандек холатларни учратиб турамиз. Биз уларда мевасиз боғ, қурук ер, ҳеч нарсани гапирмайдиган белгиларни кўрамиз, қайсики Рейнольдс ҳазил-мутойиба билан бундай фигуralарни «ижарага олинган» деб атаган эди. Шунинг учунки, улар бир ҳилда ҳар қандай мазмунга мос тушаверадилар* (А.Т.).

XVIII асрга келиб Композиция расм ўқув предметининг бир бўлими сифатида ҳаракатда бўлди. Францияда расм дарси дастурларда композицияга алоҳида ўрин ажратилди. Хусусан, ўша даврдаги дастурлардан бирида, асосан, ўқувчилар мазмунли жойлаштириш билан машғул бўлардилар.

Энг аввал яратилган, методик ишларни ўз ичига олган, тасвирий санъатда композиция масалаларига эътибор қаратилган китоб америкалик А.Доу томонидан 1898 йилда «Композиция» номи билан босилиб чиқди. А.Доуadolатли равишда «Композицияни ўрганиш бутун бир халқни бадиий тарбиялайди, шунинг учун ҳар қайси бола расм чизишни ўрганиши мумкин ва уларни ҳар бири гўзалликни хис қилиши ва уни оддийгина усуллар билан ифодалай билиши мумкин» деб ёзган эди.

Импрессионистлар рассомнинг рангларга бой политрасини бойитишига улгурдилар, уларни академик рангтасвир асалари билан таққослаганда, академик рангтасвир, худди бўялган чизиқли тасвирларга ўхшаб қолди.

XX аср бошларида Гарбий Европа мамлакатлари ва Россияда турли-туман янги оқимлар келиб чиқди: футуризм, кубизм, экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм ва бошқ. Фоявий тартибсиз қуашлар шу даврларда яна кенг авж олиб, бадиий ўқув фанларининг ўқитиши методикасида янада катта, тарқоқ ва адашувчанликлар ҳам келтириб чиқарди, шу жумладан композицияда ҳам. Антиреалистик эстетика вакиллари бадиий мактабларда, хатто рангтасвир, чизматасвир, композиция асосларини ўқитишига қарши чиқдилар. Натижада, шундай қуашларни хукмронлиги остида мактаблар ўзгара бошлади. Бундай оқим тарғиботчилари ижод эркинлигига овоз бердилар, қайсики, гўёки рассомларга профессионал малакалар берилса ўзларининг бетакрор белгиларини йўқотиб қўяди. Санъатнинг янги оқим тарафдорлари кўргазмаларда хатто элементар тасвирий саводҳонлик ҳам етишмайдиган композицияларни намойиш этдилар.

* Э.Делакруа. Мысли об искусстве. О знаменитых художниках М., 1960. 171- бет

ХХ асрнинг биринчи чорагида Фарбий Европа ва Америка бадиий мактаблари боши берк кўчага кириб қолдилар. Композициянинг таълимий мақсади ва вазифаларида аниқ услубий тўхтам қолмади. Педагоглар ўқувчиларни предметларнинг нисбатларини тўғри тасвирилашдан четга чиқишига рухсат бердилар, гарчи бу билан ёш рассомларнинг композицион қобилияtlарини ривожланишида актив методни кўрсаларда, шаклларни чалкаштириш ва йўқотишга харакат қилдилар.

Шу ўринда, бундай методни барча рассом педагоглар ҳам қабул қилдилар десак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Ўша даврда ҳам алоҳида рассомлар ва мактаблар бор эди, улар реалистик санъатнинг принциплари ва композиция назариясини ўрганиш зарурлиги тушуниб, давом эттирилар. Ҳозир ҳам ривожланган мамлакатларда тасвирий санъатни ўқитишининг илмий методларига таянувчи курашувчилар мавжуд.

Айни 1980 йилардан сўнг Германия, Польша, Чехословакия, Болгария ва бошқа мамлакатларда тасвирий санъат ўқитиши методикаси, айнан композицияни ўқитиши янгиланди, қайта қурилди, бутунлай янги асос ларга таянила бошланди дейиш мумкин.

XVIII аср рус тасвирий санъатини ривожланиши иконатасвири билан биргаликда ривож топди. Композиция асослари иконада одамлар фигураси хисобланади. Қобилияtlи рус иконачиларидан бири Андрей Рублевнинг машхур «Учлик» асари классик икона жанрида яратилган қадимги рус икона санъати намунасидир. У тушунарли ва ифодавийлиги жиҳатидан абсолют яхлитликка эгадир. Рассом бунга ғоят пухта чизиқли тасвири, фигуralарни гармоник жойлаштириш, композицияда рангларни ниҳоятда монандлигини топиш орқали эришган.

1757 йилда Петербург бадиий академиясининг ташкил этилиши ва унда мутахассислик фанларининг ўқитилишини системали йўлга қўйилиши тасвирий санъат ривожига катта таъсирини ўтказди.

Рус бадиий Академиясида буюк расм чизиш устаси, рангтасвиричи ва педагог А.П.Лосенко машхурлик ва шон-шуҳратга эришган эди. У ўз изланишларида нафақат рус, балки Европа рангтасвири тажрибаларига ҳам мурожаат этди. Шундай қилиб у бир вақтлар инглиз рассоми Вильям Хогарт илгари сурган яхлит образлилик принципини сақлаб қолди. Унинг принципича «рассом томонидан қўлланилган барча воситалар картинани гоясига бўйсундирилиши» зарур эди. Унинг ўқитиши системаси XIX асрнинг ўрталаригача қўлланилиб келинди. Лосенконинг «Одам пропорциясига қисқача тушунтириш» номли асаридаги назарий фикрлари ҳозирга қадар катта бойлик сифатида қадрланади.

Лосенко композициянинг биринчи даражали устаси эди. Бу хақда унинг «Гекторни Андромаха билан ҳайрлашуви» номли машҳур асари гувоҳлик беради. Унинг картинасидаги антик персонажлари инсоний кечинмалар билан тирик. Бу асар ўз даврида XIX аср бошлари рус санъатининг бошловчи намунавий картинаси хисобланади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, рассом-педагог, тарихий жанрнинг машхур устаси Г.И.Угрюмов ҳам композицияни такомиллаштириш

йўлларини излади. Унинг шогирдлари машхур рассом-педагоглар А.И.Иванов, А.Е.Егоров, В.К.Шебуевлар композиция назариясини ишлаб чиқишида устозлари изидан бордилар.

Машхур рассом-педагог А.П.Сапожников эса «Расм чизиш курси» номли кўлланмасининг «композициянинг яратилиши» бўлимида перспектива композиция бўйича энг зарурий аҳамиятли фикрларини беради.

Шундай қилиб, XVIII-XIX аср бошларидаги рассом-педагоглар ва мотодистлар ўкув предмети сифатида тасвирий санъат билан композицияни амалиётга боғлашга ҳаракат қилдилар. Бу анъана рангтасвир композицияси устаси К.П.Брюлов томонидан кўллаб-куватланди.

Замона зайли билан XIX асрнинг иккинчи ярмида тасвирий санъатда реалистик йўналиш пайдо бўлди. Яъни борлиқни танқидий ўрганишга асосланган жанрли рангтасвир муваффақиятли ривожлана бошлади. Бу йўналишнинг бошловчиси П.А.Федотов бўлди. Бизни айнан қизиқтирган масала бўйича эса М.В.Алпатовнинг «Рангтасвирда композиция» (М., 1940) асарида турли даврлардаги рангтасвир тарихи мисолида муаллиф машхур усталар фойдаланган композицион усулларни келтиради.

Композиция назариясини яратишида катта хисса қўшган, тажрибали акварелчи рассом, профессор Н.Н.Вольков ижоди ва илмий фаолиятини кўшиб олиб борган, ҳар икки соҳада ҳам катта тажриба орттирганлиги, уни композициянинг кўплаб масалаларини, жумладан, фазо ва вақт композиция факторлари сифатида, композициянинг умумий масалалари, мазмунли предметли қуриш, шунингдек, композиция тушунчасига ўз сифатларини бериш масалаларини тадқиқ қилишига тўғри келди. Унинг қаттиқ туриб қилган машақкатли меҳнатлари тасвирий санъатга оид тушунча ва терминларини, композициянинг бошқа масалаларини тартибга келтириш, системага солиш билан унинг «Предметни ва чизиқли тасвирни идрок этиш» (1950), «Рангтасвирда ранг» (1965), «Рангтасвирда композиция» (1977) асарларида акс этди. Айниқса, унинг охирги номи келтирилган китоби ҳар томонлама кенг қамровли, анча мукаммал асар ҳисобланади. Унда айтилишича «Рангтасвир асари мазмунининг тушунарлилиги биринчи навбатда композициянинг тушунарлилигидан келиб чиқади» дейилади (А.Т.)*

Шубҳасиз Н.Н.Вольковнинг китоблари ва мақолалари, назариётчи ва рассомнинг тасвирий санъатда композиция назарияси соҳасида келажакдаги илмий тадқиқотларда ҳам аҳамиятли ёрдам кўрсатади.

П.А.Федотов ҳаётни ўта синчковлик билан кузатди, унинг барча картиналари – нозик кузатилган таъсуротлар натижасида дунёга келди. Унинг биринчи ишлари композицион қуришлари мураккаблиги ва деталларнинг майдалиги билан ажралиб турса («Янги хўжайин») кейинги ишларида у ўзгача усул қўллайди, композицияга эксессуарларни кўп юкламайди, шундайларини қолдирадики, улар асарнинг мазмунини чуқур очиб беришга

* Вольков Н.Н. Композиция в живописи. М., 1977 7-бет

ёрдам беради. Мисол тариқасида «Майорнинг уйланиши» картинасини келтириш мумкин (4-расм).

XIX асрнинг иккинчи ярмида прогрессив рус рассомлари теварак атрофни хаққоний акс этириш учун қурашдилар. Реалистик санъатни ривожланишига И.Н.Крамской бошчилигидаги «кўчманчи рассомлар» улкан хисса қўшдилар. Улар ҳаётдан узоқ бўлган концерватив, академик талаблари билан фарқ қилувчи реалистик композициянинг янги приципларини илгари сурдилар.

Кўплаб рус рассомларининг устози бўлган П.П.Чистяков чизиқли тасвир, рангтасвир, композиция бўйича таълимнинг тартибли системасини яратди. Унингча, натурага нисбатан чизувчининг ижодий муносабати асар устида ишлаш характеристини белгилайди.

Композиция назарияси ва амалиёти ривожида танқидий реализмнинг атоқли намоёндалардан бири, чизиқтасвир, рангтасвир ва композициянинг ўзаро алоқасининг жуда яхши тушунган И.Е.Репиннинг ҳам улкан хиссаси бор.

Тарихий композиция устаси И.В.Суриковнинг «...ҳеч нарсанинг ўзгартириб бўлмасин. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир предметнинг ўз ўлчамларини топиш керак. Картинада фондаги битта нуқта ҳам керак. Асосийси, зарури барчасини бирлаштирувчи қонунни топиш керак. Бу математикадир»-деган фикрлари унинг санъати «ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслиги»ни ўзининг мураккаб композицияларида тасдиқлади, «барча қисмларни бирлаштирувчи қонун»ни топишни ҳам билди.

Сўнги йилларда композиция назарияси ва амалиёти учун В.А.Фаворский, А.А.Дейнека, Б.В.Иогансан, К.Ф.Юон, Е.А.Кибрик, А.М.Лаптев, Г.Т.Нисский, Ф.П.Решетников, Д.А.Шмаринов ва бошқа рассомлар ҳисса қўшдилар:

Графика санъати устаси В.А.Фаворский «Санъатда композиционликка интилиш дегани бу, турли хил фазовийликни ва турли вақтлиликни бир бутун идрок этиш, кўриш ва тасвирлашга интилиш демакдир» - деб ёзади

Юон композицияни ўқитиши методикасини керакли юқори жойга қўйишни зарур деб ҳисоблайди: «Бизга ўзимизники керак, бизнинг мақсад-гояларимизга жавоб берувчи композициянинг замонавий мактаби керак» дея К.Ф.Юон рассомнинг композицион тафаккурини ўстириш мақсадида турли машқларни таклиф қиласди. У одам фигуralарининг группасини қуриш бўйича машқ қилиш энг зарурий-фойдали ишdir, деб ҳисоблайди. Предметни ва танланган мавзууни ҳар томонлама чуқур билиш мазмунни реалистик ечишнинг кафолатидир, дейди.

А.А.Дейнеканинг ижодида (мазмун ва бадиий тил) замон билан жипс ҳамнафаслик, композицион ечиларининг новаторлиги билан характерланади. Булар композициянинг бетасодифий муваффакияти, узоқ вақтли тафаккурнинг дасгоҳли ва монументал рангтасвирда ўз аксини топган натижасидир. А.А.Дейнека композициянинг кучли қоидаларини қўллашда қатъий қарорли эди. Бу ҳақда мулоҳазаларини ўзининг «Менинг иш тажрибамдан» ва «Расм чизишни ўрганинг» каби китобларида айтиб ўтади.

Е.А.Кибрик графикани энг гуркираган даражага олиб борган рассомлардан хисобланади. У бундай масалаларни тўлалигича ўз мақолаларида таҳлил қиласди: «Композиция ҳақида» (1961) ва «Тасвирий санъатда композициянинг объектив қонунлари» (1966). Уларда кибрик композиция ўқитишдаги камчиликлар, шу жумладан шу йилларгача композиция бўйича методик қўлланма ҳам йўқлигини, ва хатто «бу масалада» инқилобгача бўлган реалистик мактаб ҳам хеч нарса қолдирмаганлигини ёзади.

Йирик санъат назариётчиси, академик М.В.Алпатовнинг «Ғарбий Европа санъати тарихидан этюдлар» (М., 1963) китобида у XIII асрдан бошлаб усталар ижодини таҳлилини беради. Алпатов композицион ечим, картина қурилишига эътиборни қаратади. Шу ўринда Питер Брейгел Мужицкийнинг «Кўрлар», Тицианнинг «Коронавание Терновом венцом», Давиднинг «Маратнинг ўлими» ва бошқа машҳур асарлар ҳақидаги қимматли фикрлари ўрин олган.

Назорат саволлари

1. Энг қадимий тасвиirlар ҳақида гапириб беринг.
2. Уйғойиш даври фрескаларида композицион масалалари қандай ечиб берилган?
3. Перспектив чизиқларни чизиш нуқтасига бош персонаж жойланган қайси рассомнинг қандай картинасини биласиз?
4. Уйғониш даври рассомлари қайси хусусиятни композициянинг асослари қаторига киритдилар?
5. Рассом Э.Делакруанинг буюк усталар ижоди ҳақидаги фикрларини айтиб беринг?
6. XX аср бошларида келиб чиқсан, футуризм, кубизм, экспрессионизм, дадаизм сюрреализм ва бошқа оқимларнинг асосий ғоявий, бадиий йўналишлари нималардан иборат эди?
7. А.П.Лосенко ўқитиш системаси ҳақида гапириб беринг?
8. Композициянинг назарияси яратилишида сўнгги йилларда кимлар катта ҳисса қўшдилар?

III-боб. ИЖОДИЙ ЖАРАЁН МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Кўпинча рассомлар «композиция» тушунчасини «ижодий жараён тушунчаси» билан аралаштириб юборадилар. Кайсики, у асар яратилишини бошидан бошлаб охиригача, барча тайёрлов босқичларидан тортиб якунловчи босқичигача ўз ичига олади. Бу икки тушунчани бир деб ўйлаш

тўлиқ табиий ва тўғридир, сабаби «композиция» устида ишлаш ижодий жараённинг ўзидир.

Шу сабабли, композициянинг тоза назарий масалалари, асосий ва универсал композиция қонуниятлари ҳақида гапиришдан аввал, санъатдаги ижодий жараён тўғрисида маълум бмр тушунчаларга эга бўлиш зарур, яъни ижоднинг моҳияти ва асосий босқичларини билиш зарур бўлади.

Ижод - бу онгнинг олий даражаси, фаолиятнинг юқори ва анча мураккаб шакли бўлиб, у инсонга ҳосдир. Ижод инсоннинг барча психик жараёнларни, барча билим, малака, барча ҳаётий тажриба, аҳлоқий, жисмоний кучини мобилизацияси натижасида оригинал ва тарихий-ижтимоий, бетакрор сифат янгиликлари бўлиб туғилувчи мўъжизадир. Санъатда, шу жумладан тасвирий санъатда ҳам ижоднинг натижаси бадиий асар яратишдан иборат бўлади. Яъни, объектив борлиқни маҳсус шаклдаги хусусиятларини бадиий образлар тарзида акс эттиришдир. Ҳақиқий санъат асари - ўзиди бадиий образ шаклида ҳали бунгача бўлмаган янгиликни яратилиши ҳисобланади.

Бадиий ижод эса ижодий жараён орқали амалга оширилади. Бунда рассом ғоявий-бадиий мазмунни жам этган ҳолда тугал бадиий асар яратади. Ижод ва ижодий жараёнлар худди фандагидек санъатда ҳам ўзининг мураккаб кўринишлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, хар қандай ижодий жараёндагидек умумий, объектив қонуниятларга эгадир.

Шундай бўлсада, ижодий иш усули ва йўлларини умумлаштириш ва тавсифлаштириш мумкин.

Бадиий ижоднинг моҳиятини очиб бериш, хусусан, ижод фаолиятининг структуравий факторларга бўлиниши масаласида қизиқарли ғоялар илгари сурилган, улар «ижоднинг кучи», «ижоднинг компонентлари» ва бошқалар бўлиб, у Г.Л.Ермаш томонидан ўтказилган «Санъатнинг ижодий табиати» тадқиқотида берилган.

Бадиий ижоднинг кучи ва компонентлари Г.Л.Ермашнинг фикрича гносеологик маънода бир эмас. Ижоднинг кучи бу шахснинг субъектив, руҳий ва амалий қобилияти, бадиий ижод жараённинг «механизми» ҳисобланади, ижод компоненти эса бу рассом руҳий оламининг мазмунли элементлари, яъни, ижоднинг «қурилиш материали» ҳисобланади.

Ижоднинг кучи Г.Л.Ермашнинг баёнича «Руҳий ва амалий қобилиятлар» (мехнат, ҳохиш, илҳом, ҳиссиёт, хотира, тафаккур, сезигирлик, ҳаёл, бадиий талант) инсоннинг руҳий ҳаётини психик жараёнлари шаклида; (ҳохиш, сезги, эрк); билиш жараёнлари (шахс психологияси, фаолият, эътибор) ва инсоннинг индивидуал-психик хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият) психик ҳаётини намоён этади. Шунингдек билиш жараёнлари – (идрок, хотира, тасаввур, ҳаёл, сезги, тафаккур ва нутқ) кабилар ёрдамида ҳам амалга ошиб боради.

Қобилиятлар - деб шахснинг фаолиятини конкрет турининг юқори даражада бажаришнинг шарти бўлган психик ва сифат хусусиятлари тушунилади. Қобилиятлар шахснинг индивидуал-психик хусусиятларига

киритилади. Қобилиятлар умумий у ёки бу даражада фаолиятнинг барча турларида намоён бўлувчи инсоннинг маҳсус фаолиятининг алоҳида турларида намоён бўлувчи (бадиий, мусиқавий, математик, техникавий, муомилавий) турларига ажратилади.

Қобилиятлар билим, кўникма, малакалар билан бир бўлмаслиги мумкин, у фаолиятнинг тезда, чукур ва мустаҳкам эгаллашнинг усул ва методларини ўзлаштириб олишда намоён бўлади.

Талант - қобилиятнинг олий ривожланганлик даражаси ҳисобланади.

Бадиий ижоднинг таркибий қисмлари хақида фикр юритамиз.

Мехнат – инсоннинг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Бу фаолият туфайли инсон моддий ва маънавий бойликлар яратади. Ижод эса, меҳнатнинг тури, унинг маҳсус ва олий шакли ҳисобланади.

Ижод шундай меҳнатки, у маънавий бойликлар яратишга қаратилади. Ижодий меҳнат ҳажми бўйича катта, характеристи жиҳатидан рангбарангдир. Меҳнат натижасида санъат асари яратилади. Рассом меҳнати турли-тумандир. Улар адабиётлар ўқиши, муассасаларга бориш, жамоаларга бориш, табиатни кузатиш, қоралама ва хомаки расм, этюдлар бажариш, кўрилганлар хақида фикрлаш, композиция эскизлари устида ишлаш ва хоказолар.

Рассом ижодий меҳнатини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, турли ҳил кузатишлар ва ҳаётни ўрганиш, билим, дид ва дунёқараашнинг ўсиши, маҳорат, кўникма, малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – бу асар яратиш билан боғлиқ бўлган, қисқа ёки узоқ муддатли бўлиб, бу ғоянинг характеристи, рассомнинг индивидуал ҳусусиятларидан келиб чиқади.

Рассомнинг кенг кўламдаги меҳнати, ижодий жараёнининг мураккаблиги - булар барчаси санъатда профессионаллик мажбуриятини юклайди, тасвирий санъатда янада алоҳида маҳсус ҳолатлари талаб этилади.

Меҳнат ижоднинг ичида бошқа фаолиятлар қатори (анча яширин, «ички» сезги, хотира, тафаккур ва бошк.) фаолият бўлсада, унда ижоднинг натижалари яққол кўринади.

Хиссиёт – ижод кучлари орасида алоҳида ўринни эгаллайди, бу репродуктив кучи деб айтилади, қайсики унинг ёрдами билан инсон ташки олам билан алоқада бўлади ва ўзининг ақл-идроқи билан акс эттиради.

Хиссиёт идрок, сезги, хотира асосида, шунингдек тафаккур ва бошқалар билан инсонга ҳаётдан олган таассуротлар запасига эга бўлишни тақозо этадива бу соҳада турли фаолиятларни амалга оширади, жумладан, меҳнатнинг энг олий даражаси ҳисобланган ижод билан ҳам.

Шундай қилиб, меҳнатнинг олий шакли ижоддир. Ҳар бир инсон дунёни идрок қиласи, тасаввур қиласи, яққолроқ ҳис этиб боради. Кузатишлар асосида кўпдан-кўп таассуротлар олиб, эшишиб, ўқиб хотирада анча ёрқин сақлаб қолишга ҳаракат қиласи. Булар асар яратишда жуда ҳам зарур, қайсики, хотирада факат ўз мазмунида борлиқка эстетик, хиссий муносабат акс этиб турувчи воқеалар акс этади.

Эмоционал тўлқинланиш – ижоднинг кучлардан бири сифатида рассом учун жуда зарур ҳисоблади. У шунинг учун зарурки, улар орқали

ҳаётдан анча ёрқин таасурот олишнигина эмас, балки рассом ўзида бу тўлқинланишни ўтказади.

Шундай қилиб ҳиссиёт репродуктив ижод кучи сифатида оламни акс эттирувчи, айни бир вақтда ҳаётда янгилик яратишга ёрдам берувчи сифатида санъатга индивидуал муносабат пайдо қиласи ва борлиқнинг образини шоироналаштиради.

Хотира – худди ҳиссиёт каби бадий ижоднинг репродуктив кучи ҳисобланиб, у ўз навбатида ўзида энг зарурий психик жараённи – одамнинг ўтган тажрибасини намоён этади. Жумладан, ёдга олиш, ёдда сақлаш ва сўнгра шундай нарса яратиладики, уни ўтмиш тажриба мазмуни билан боғламасдан хотиранинг аралашувисиз борлиқни, жумладан, бадийликни ҳам идроқ этиб бўлмайди. Хотира бадийликни акс эттиришда хизмат қиласи. Инсон ҳаётида ва ҳар қандай фаолиятида хотирани четлаб ўтолмай қолади, хусусан у ўша таассуротлар билангина яшаб юради. У ўтган, кўрганларини, англаганларини ва таасурот материалларини тахлилига кўра, тафаккурнинг натижаларидан фойдаланиши зарур бўлади. Ўтмиш тажриба фақат хотира эвазигагина сақланиб қолиши мумкин.

Рассомнинг хотираси етарли таассуротлар захирасига эга бўлганда гина у натурасиз ишлай олади. Тасвирий ижод хотиравий образларсиз бемақсад ва бефойдадир.

Натурадан ишлашда олинган тасаввурлари йиғиндиси ва кўриш таасуротлари (тўлиқ образли) асарни қамраб олувчи қимматли образлар яратишга имкон беради. Рассом чизишни, ёзишни, ясашни ва хоказоларни тасаввур ва хотира асосида бажариши, у натурадан қандай ишласа, «ўзидан» ҳам шундай ишлай олиши шарт. Хотира бой бўлмоғи учун рассом уни доимо ривожлантироғи, машқ этиб бормоғи зарурдир.

Жуда кўп машқ қилган ва ўзининг кўриш хотирасини ривожлантирган буюк рус рассоми В.А.Серов кичик ёшиданоқ сурат чизишни бошлагандан хотирадан чизишни ёқтиради. Ундан буни устози (кейинроқ) И.Е.Репин ҳам талаб қилган эди. И.К.Айвазовский эса ҳайрон қоларли даражада кўриш хотирасини эгаллаган эди. Рус рассомлари – манзарачилари Ф.А.Васильев, И.И.Левитанларнинг кўриш хотиралари ривожланганлигини изохлашга хожат йўқ.

Ирода – ижод кучининг самарасини белгиловчи, ижод учун энг зарурий психик жараёнлардан бири ҳисобланади. Ирода меҳнат фаолиятиниг асосий тури сифатида амалга ошсада, лекин меҳнатнинг самараси иродавий хусусиятларнинг намоён бўлишига боғлиқ. Иродасизлик маънавиятнинг кучсизланишига олиб келиши, сўнгра жисмоний куч ва инсонда дангасалик ва хатто онгизлика олиб келиши мумкин. Бу ҳолда инсоннинг бирор аҳамиятли нарса яратиши хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ирода психологик нуқтаи-назаридан ўзида шахснинг онгли равища ўз харакатларини бошқарадиган психик жараён бўлиб, мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги кўникмасини эгаллашдаги уринишларида намоён бўлади. Ирода мақсадга этиш учун ақлий ва жисмоний куч-куватини онгли равища бошқара олиш ёки аксинча

қандайдир воқеани амалга оширмоқлиkdir. У фақат инсонга ҳосдир. Ирода оддий ва мураккаб харакатлар орқали амалга ошади. Мураккаб иродавий харакатлар аввало, англаш ва масалани қўйиш, масалани қўйиш ва режалаштириш, режалаштириш ва мақсадни амалга оширишни назарда тутади.

Ирода маълум хусусиятлари билан характерланади: харакатчанлик, мустақиллик, кескирлик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилик ва ўз-ўзини бошқара олиш. Иродавий хусусиятларнинг намоён бўлиши, иродавий имкониятларни сўзсиз, қўйидаги психик жараёнлар – ҳаёл, сезги, хотира, тасаввур кабилар билан боғлайди.

Шундай қилиб, ирода катта куч сифатида ижодни активлаштиради, юқори натижаларга эришиши ва яна рассомнинг шахс сифатида шаклланишида юзага чиқади.

Тафаккур – ижод кучларидан бири бўлиб, борлиқ материаллари ҳақида фикрлашда, тахлил қилишда идрок, сезги, ҳиссиёт ва эсда қолдиришда асосий рол ўйнайди. Хотира воситасида, яъни, бадиий асар яратиш мақсадида, тафаккур иштирокида борлиқни чуқур ва ҳар томонлама билишнинг олий жараёни ҳисобланади, предмет ва воқеаларнинг белгилари ва ўзаро бир бирига қонуний боғланганлиги билан, умумий ва ички хусусиятларини очишга йўналтирилган ҳолда намоён бўлади.

Бадиий асар инсон фаолиятининг бошқа соҳаларидаги каби, тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади.

Санъат асари фақат тасвирий материални ўз ичига олибина қолмай, балки ғоявий-эстетик мазмун, дунёқараш, фалсафий тушунишни ҳам қамраб олади.

Рассомнинг тафаккури ижодий характеристери билан ажralиб туради, у ижодий ҳаёл билан бирга харакатланади ва санъат спецификаси хусусиятлари билан боғлиқ равишда ишлайди.

Ҳаёл – ижодда асосий ва ўзига хос натижа кўрсатувчи ижодий кучdir. Бадиий ижодда унинг ихтиёрий, ихтиёrsиз, яратувчи ижодий ҳаёл каби турларининг барчаси иштирок этади. Булар ичida албатта ижодий фаолиятда ижодий ҳаёл катта ўрин тутади.

Илҳомланиш – инсоннинг меҳнат жараёnidаги энг кўтаринки руҳий ҳолатидар. Рассомнинг ижодий меҳнатида илҳомланиш, актив ижод кучларидан бири сифатида аҳамиятли рол ўйнайди. Илҳомланиш – гўё ижодий, маънавий, жисмоний жиҳатдан қаттиқ босим бергандай туюлса-да, лекин амалий жиҳатдан рассом учун бу вазият жуда енгил кечган, унда ҳамма нарсага осон эришилган, ижодий топшириқлар жуда тез ечилган бўлади. Бу енгиллик шу нарса билан боғлиқ бдики, бунда рассом катта ҳаётий таассуротлар захирасига эга эди ва катта қизиқиш ва қувонч билан ишлаган эди. Бунда унинг ижодий ҳаёли ва образли тафаккури фаол ишлаган эди. Буларнинг барчаси соннинг сифат даражасига ўтишига – натижада, қаттиқ илҳом билан ишланган меҳнат бадиий асарни дунёга келтирган эди.

Интуиция – сезирлик, бу инсон ҳаётида алоҳида феноменал ва мураккаб фаолият бўлиб, инсон руҳий фаолиятида – яъни ижодий меҳнатда,

хусусан бадий ижодда катта рол ўйнайди. Шу билан бирга сўзсиз интуиция хотира, тафаккур ва образли тасаввур билан жипс алоқада бўлади.

Интуиция объектив борлиқни акс эттирувчи сифатида бўлсада, уни ривожлантириш йўллари ҳам бордир. Улардан асосийси - организмнинг биологик сифатларини тарбиялашdir (рассомнинг кўзи, кўшиқчининг овози, мусиқачининг қулоғи ва бармоқлари, раққосанинг қомати) кузатувчиликни ўстириш, хотиранинг хажми ва ишчанлигини қўтариш, тафаккурни ривожлантириш (жумладан, образлиликни), ҳаёл, ҳиссиётни тушуниш, бирмаромлилик, узлуксиз меҳнат ва янги ечимларни ҳар томонлама излаш кабилардир.

Бадий талант - шахсни индивидуал-психологик хусусиятларидан бири бўлиб, у асосан бадий ижодда энг катта куч сифатида фаол иштирок этади. Талант туғма эмас у туғилганда тайёр холда берилмайди, авлоддан-авлодга ўтадиган мерос ҳам эмас.

«Инсон шундай асос билан туғиладики (ривожлантириш мумкин бўлган қобилятларнинг табиий белгилари), қайсики инсоннинг ўзида туғма анатомик ва психофизиологик ўзига хосликлар билан мавжуд бўлади».*

Қобилятлар маълум шарт-шароитлардагина шаклланади ўсади: улар - атроф муҳит, актив фаолият, одам саломатлиги кабилардир.

Бадий талант албатта санъатга меҳр-муҳаббатни талаб этади, яъни баъзи шароитларда болаликдаёқ санъатга қизиқиш шаклида қўринади ва ижод қилиш иштиёқи тинчлик бермайди. Бунга мисол тариқасида И.Е.Репин, В.И.Суриков, В.А.Серов ва бошқаларнинг анча барвақт юзага чиқкан талантларини эслашимиз мумкин.

Инсоннинг бадий иқтидорининг энг юксак жаражали сифати бу гениалликдир. Бадий ижодда гениаллик тушунчаси талантнинг изохсиз юқори даражада намоён бўлувчи сифати бўлиб, қайсики у рассомни ўз замонаси, маълум тарихий давр санъатидан юқори турувчи ва дунёвий аҳамиятга эга бўлган санъат асарлари яратишга олиб келади.

Ижод компонентларига - билим, дунёқарашиб, бадий услуб, эстетик ва бадий дид, маҳорат киритилади.

Билим ижоднинг асосий бош компоненти, объектив реалликни билишнинг асосий материали ҳисобланиб, уни эгаллаш орқали сезги, эстетик ҳис қилиш, идрок, тафаккур, хотира, ҳаёл, Дунё-қарашиб, кўникма, малака, ижодий иш услуби, маҳорат ривожланиб боради. Рассом учун билим - бу ҳаётний материал, ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўлиб, усиз санъат асари яратиб бўлмайди. Ҳаётни билиш рассомда унинг ҳиссиётлари орқали ўтади. Аввало мантиқий ва хиссий билишнинг органик мос келиш билан ўрганмасдан туриб образли тафаккурни ривожлантириб бўлмайди, усиз эса, ўз навбатида бадий образларни ҳам яратиб бўлмайди.

Рассом ҳар томонлама ҳаётни яхши билган, билимли, зиёли инсон бўлмоғи лозим. Ундан ташқари, у билимини ўзининг ҳиссиётлари орқали

* Кузин В.С. Психология. М., 1982. 246-бет

ўтказиши ва умумлашган шаклда бадий образ шаклида акс эттиromoғи лозим.

Дунёқарааш - объектив борлиқни бадий характерда фаолиятнинг ғоявий йўналишга мос холда аниқлашдан иборатдир. Дунёқарааш фанлардан олинган билимлар асосига суюнади.

Бадий услуг ҳам ижоднинг алоҳида компоненти сифатида акс этади.

Эстетик ва бадий дид - ҳам дунёқарааш, ҳам бадий услуг бўлиб, рассомнинг маълум алоҳида ғоявий эстетик ижодий йўналишини кўрсатади.

Эстетик ва бадий дид инсонга туғилганда берилмайди, худди қобилиятга ўхшаш, у инсоннинг ўсиши билан ривожланиб боради, инсоннинг сезги органларини, психикасини ҳётни билишдаги тажрибаси билан ривожланиб боради. Эстетик дид тушунчаси санъатга бўлган муносабатдаги бадий дидга нисбатан кенгроқдир.

Маҳорат - ижоднинг етиб бўлмас ва ўзгача бир компонентларидан биридир. Баъзан маҳоратни қобилият, ижод ва талант билан тенглаштирилади. Бу тўғри эмас. Шубҳасиз, ваҳолангки тасвирий санъатнинг зарурий шароитида намоён бўлувчи шахснинг бадий қобилияtlари, индивидуал рухий хусусияти ва сифатлари.

Талант - қобилиятнинг тасвирий фаолиятга муносабатларда алоҳида кўзга ташланади, қайсики, таълим ва тарбия жараёнида олинган юқори ривожланган ва бадий ижоднинг энг юқори даражасини таъминлайдиган ҳолатидир.

Маҳорат эса тасвирий фаолиятда тасвирий техника, билим, кўникма, малакани мукаммал эгалламоқдир.

Юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларсиз талантнинг ривожи бўлиши мумкин эмас.

Назорат саволлари

1. «Ижодий жараён» деганда нималар тушинилади?
2. «Ижоднинг кучи»га қайси нарсалар киритилади?
3. «Ижод компонентлари» нималар?
4. Қобилият ва талантнинг ўзаро фарқини айтиб беринг.
5. «Ижод - меҳнатнинг олий шакли» эканлигига мисоллар келтиринг.
6. Иродани ижод кучи сифатидаги ролини айтиб беринг.

ИЖОДИЙ ЖАРАЁН ДИНАМИКАСИ

Рассом ижодий жараёнининг биринчи поғонаси (Манизер фикрича - «тасвирий пластик мотивни топиш») бошланғич бадий изланишлар даври ҳисобланади. Унда асар ҳакида ҳозирча ғоянинг ҳаммаси ҳали аниқланмаган, ғоянинг умумий, эстетик мақсад ва вазифаси нуқтаи-назаридангина тасаввур этилади холос. Бу даврда рассом гоҳ онгли, гоҳ тарқоқ ҳолда асар материалларини бир қисмини «тирноқлаб жойлаётган» бўлади, ва бу манбааларни қачон зарур бўлишини хатто билмайди ҳам.

Хақиқий санъат асарлари борлиқни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш натижаси ўлароқ у бадиий образларда яралади. Бунга ўзбек рассомлари П.Бенъков, Ш.Ҳасанова, Р.Аҳмедов, А.Абдуллаев, Ч.Аҳмаров, Ф.Абдурахмонов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, Р.Чориев ва бошқа рассомлар асарлари мисол бўла олади (6-расм).

Ғоя - бу ижодий жараён динамикасининг яна бир босқичи хисобланади. Одатда ғоя қўп ёки оз микдорда аникланган, рассомни тўлқинлантирган мазмуний шаклидаги тасвирий пластик мотивнинг конкретлашувиdir.

Шу ўринда интуиция - бу ижодий фаолиятда зарурий аҳамият касб этади ва айниқса, ғоянинг туғилиши ва уни мукаммаллаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Мазмунни якуний қайта ишлаш даври - ижодий жараённинг учинчи босқичи хисобланади.

Ижодий жараённинг якуний босқичи санъат асарини яратилиши билан тугалланади.

Санъат усталари ҳаётида ижодий жараён билан боғлиқ қизиқарли воқеалар учрайди. Масалан, «Боярина Морозова» картинасининг ғоявий ечимини топишда В.И.Суриковга қордаги қора қарға образи ёрдам берган. Қарға унга Морозова қиёфаси билан кўриш аналогиясини кўрсатиб берган, аникроғи, бу бутунлай кутилмаган йўл - рассомни қўпдан бери тўлқинтириб келган мавзуни тонал-ранг ечимини топишда калит вазифасини ўтаган.

Шу ўринда Суриковнинг яна бир «Меншиков Берёзовда» картинаси ғоясининг пайдо бўлишини тахлил этиш ҳам қизиқарли. Рассом хотирлайди: «Мана, бу менда қандай бўлган, мен Москва яқинидаги бир дачада, дехқон уйида яшар эдим. Ёз жуда ёмғирли ўтди. Изба*тор, шифт пакана. Ёмғир ёғаяпти, ишлашни иложи йўқ. Зерикарли. Ва мен эслай бошладим. Ким шундай бўлиб избада ўтирган? Ва тасодифдан эсладим - Меншиков!... дарҳол композицияни тўлиқ кўрдим, фақатгина Князни қандай ўтқазишни билмасдим».*

Дастлабки ғоя бўлғуси асарнинг асосини ташкил этувчи эскизда ифодаланади, у қўйидагилар билан ажralиб туради:

а) Мазмуний талабнома қисмларини мантиқий боғланганлигини етарли ёрқин белгилари, б) образнинг асослари, в) талаб этилган ифода воситалари.

Ғоянинг юзага чиқишида айниқса, идроқ, фантазия, тафаккур фаол ишлай бошлайди, маълум бир йўналишда бадиий воситаларни танлайди, натижада мазмун ривожланади, конкретлашади, қисман ўзгаради ҳам.

Рассом ғоясини туғилишидан тортиб, то тугал шаклланиб олишгacha баъзан узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтади. Ғоянинг туғилиши билан тугал варианти ўртасида аниқ чегаралар қўйиш ярамайди, умуман эса ижодий жараённи алоҳида ҳолда ажратиб ҳам бўлмайди. Тугалланган асар дастлабки эскиздан доим ҳам фарқ қиласкермайди.

* Изба – ё\очдан =илинган кичик уйча

* Волошин М. Материалы для биографии Сурикова. Апполон. 1916. №6-7. 41-бет

Рассом ғояни юзага чиқариш босқичида (стадия) катта ва хилма-хил ишларни амалга оширишига түгри келади. Бўлғуси асарнинг моҳияти ва таркибий қисмлари таҳлил қилинади, варианatlари таққосланади, ҳаммаси кўриб чиқилади, энг мақбуллари танланади ва ғояни аниқлаштириш мақсади билан баҳоланади.

Ғояни онгли тушуниб етиш билан ортиқчаликлар тузатилади, қисқартирилади, уни тасодифий, ноифодавий деталлардан тозаланади ва булар бўлғуси композиция сифати учун ижобий таъсир этади.

Эскизлар, варианtlар, хомаки расмларда мазмунни тўлиқ очиб бериш ёки алоҳида элементларини мазмундан четга чиқиш холатлари учрайдиган ўринлар ҳам бор. Бу вазият ижодий жараёнга хос, мунозараталаб, лекин кўзда тутилган мақсаддан четга чиқувчи- ўзгартирувчи кўринган кўринишдаги ижодий ишлар учраб туради. Бундай бетакрор асарлар албатта, буюк усталарда учрайди. Бу ўринда Леонардо да Винчи, Домье, Суриков ва бошқаларнинг қлам тасвир ишларини мисол келтириш мумкин (7-расм).

Ва ниҳоят, аввалги ўтган жараёнлардан сўнг якуловчи - сюжетни мукаммал ишлаб чиқиш даври бошланади.

Ижодий жараённинг якуний босқичи (стадияси) - бу асарни бир бошдан синчиклаб кўриб чиқишдан иборат, бунда кўп жойлар ўзгартириши, нимадир ёрдамчи материал бўлиб қолиши, нимадир чиқариб ташланиши мумкин. Бу босқич учун рассом асарни тўлалигича яхлит ҳолда кўра олиши характерлидир. У композицияни якуний ишлаб тугатиш учун нималар қилишни, деталларни аҳамияти қандайлигини билади.

Бу босқичда асарни тугаллаш учун алоҳида деталларни тўғрилаш, жилвирлаш олиб борилади. Баъзан композицион тузатиш ва қайта ишлаш шундай асосли олиб бориладики, бу ҳолатни ҳақли равишда картина ёки ҳайкалнинг қайта туғилиши деб ҳам айтилади.

Хуллас, барча босқич (стадия) бир-бири билан чамбарчас боғланган, улар орасида қатъий кетма-кетлик ёки чегара ҳам йўқ. Баъзан бир вақтни ўзида икки ёки уч фаза бир бўлиши ҳам мумкин. Баъзан айrim қисм қатнашмаслиги ҳам мумкин. Ижодий жараённинг узун-қисқалигига картина нинг ғоявий мазмуни билан бирга, хилма-хил ташқи шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади.

Назорат саволлари

1. Ижодий жараён босқичларини санаб беринг.
2. «Тасвирий пластик ечим» деганда нималар тушунилади?
3. Дастрлабки ғояда нималар акс этиши лозим?
4. Ижодий жараённинг якуловчи босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
5. Ижодий жараён босқичларини чегара билан ажратиш мумкинми?
6. Ижодий жараённинг узун-қисқалиги нималарга боғлиқ?

IY-боб. КОМПОЗИЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ

Композициянинг асосий қонунлари объектив характерга эга бўлиб, улар санъатнинг барча турлари ва жанрларига мансубдир. Композициянинг асосий қонунларини билган талаба, ҳар қандай бадиий асарни умумий-ижодий тахлил қилиши мумкин.

Композициянинг асосий қонунлари деб қуидагиларни айтиш мумкин: яхлитлик қонуни, контрастлар қонуни, типиклик (янгилик яратиш) қонуни, композициянинг барча воситаларини ғоявий мазмунга бўйсуниши қонуни.

Яхлитлик қонуни. Бу қонун барча элемент (унсур) ва бўлакларни бир бутунликка бирлаштирувчи кўриниш бўлиб, табиатда ва жамиятда, ҳар жойда намоён бўлади ва диалектик қонун сифатига юзага чиқади. Композициянинг мазкур биринчи қонуни-яхлитлик қонунига кўра санъат асари яхлит, бир бутун бўлинмас деб идрок этилади.

Мазкур қонуннинг моҳиятини унинг асосий белгилари ва хусусиятларини тахлил қилиш билан очиб бериш мумкин. Яхлитлик қонунининг асосий белгиси-композициянинг бўлинмаслиги (бир бутунлиги) - у кичик даражада алоҳида бўлаклардан иборат бўлсада, хеч қачон бир неча деб идрок этилмаслиги тушунилади. Бўлинмаслик композицияда рассом томонидан топилган бўлғуси асарнинг барча компонентларини бир бутун, яхлитликка бирлаштира оловчи конструктив ғоя орқали ўз ўрнини топади.

Бу қонун асосан оламнинг бир бутун ва моддийлиги нуқтаи-назаридан келиб чиқади. У асарнинг барча элемент ва бўлакларини ягона ғоявий мазмунга бўйсунишини талаб этади. Акс ҳолда композиция бўлакларга бўлиниб кетади.

Агар битта мазмунли-композицион марказ ўрнига икки ёки ундан ортиқ бўйсунмовчи бўлса, гарчи алоҳида деталлар тўғри тасвирланса ҳам асар яхлит бўла олмайди.

Таъсирли эмоционал ҳиссиёт уйғотиш учун рассомдан албатта иккинчи даражалини асосийга бўйсундириш, яъни ягона бир организмга жойлаш қобилияти талаб этилади.

Яхлитлик қонунида мазмун марказдаги персонажларни бошқаларни ва атроф-муҳит билан ҳаётий, аниқ топилган ифодавийлигидаги кўринади.

Шунингдек, яхлитлик қонуни мазмунни мантиқан ва эмоционал қуриш, тасвирда персонажларнинг психологик ҳолати, фигуранларнинг поза (туриши) ва ҳаракатларидаги фарқлари ва боғлиқликни тасвирлашда намоён бўлади.

Мазкур қонун асосида муваффақиятли композицион ечими топилган асарлар қаторига И.Е.Репиннинг «Кутмаган эдилар» (1984-1884 ДТГ), П.П.Беньковнинг «Дугоналар» (УзДСМ), Б.Жалоловнинг «Рақснинг туғилиши», Ж.Умарбековнинг «Мен, инсонман» асарларини киритиш мумкин (8-9 расмлар).

Контрастлар қонуни. Табиат ва жамият хаётида объектив қонуният сифатида қарама-қаршилик мавжуддир. Предметларнинг таркиби, сифати тузилишидаги кескин фарқланишни қарама-қаршилик муносабатлари деб тушунилади. Табиатда ранг контрастлари (қизил ва яшил), тонал контрастлар

(очлик ва тўқлик), шакл контрастлари (ингичка ва йўғон), ўлчамдаги контрастлар (кatta ва кичик) ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Тасвирий санъатда эса, контрастлар композиция қонуни сифатида намоён бўлади, ва улар ҳар доим ҳам ифодавийлик воситаси ҳисобланиб, асарнинг тузилиши ва қурилиши, композициясига алоқадордир. Шакл, ҳолат, рангларни кескин қарама-қарши қўйиш билан мазмун теранроқ идрок этилади.

XIX асрларгача портрет санъатида, гўё фигуralар тўқ фонда очик доғ сифатида тасвирланган. (мас., Караважо. «Лютначи»(1595, ДЭ, Ленинград). XIX асрда эса очик фонда тўқ силуэтли картиналар пайдо бўлди. Масалан, В.А. Серовнинг «Қиз ва шафтоли» асари (1887, ДТГ), И.Н.Крамскойнинг «Нотаниш аёл» (1883, ДТГ).

Н.А.Ярошенконинг «Ҳар ерда ҳаёт» картинаси вазият контрас-тига курилган. Вагоннинг панжара-деразаси ортидаги қўлга олинганлар ва платформада дон чўқилаётган эркин, озод кабутарлар қарама-қарши восита сифатида қўлланилади.

Рассом Н.Н.Генинг «Пётр I шахзода Алексейни сўроқ қилмоқда «картинасида психологик контраст ва ғоялар контрастидан фойдаланилган».

Шундай қилиб, тасвирий санъатнинг барча асарларида алоҳида ёки бир варакайига бир неча хил контрастлардан фойдаланилади. Контрастлар ўз ўрнида асарнинг мазмунини теранроқ очиб беришга бадиий ифодавийлигини қучайтиришга ҳизмат қиласи ва композицион бирлик ва ҳаракат яхлитлигини вужудга келтиради.

Типиклик қонуни. Ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, бадиий образ яратиш билан боғлиқ бўлган аҳамиятли қонунлардан бири бу типикликдир.

Борлиқнинг кўринишларини айнан ўзича тахлил қилиш билан рассом унинг моҳиятини акс эттиради, конкрет бадиий образлар кўринишида табиий белгиларини ифодалайди.

Характерлардаги ва воқеа бўлиб ўтаётган вазиятдаги типиклик, мазкур қонунининг белгиларидан биридир.

Санъат асарини яратиш жараёнида рассом композиция қонунларини билгани ҳолда асарнинг харакатлантирувчи шахсини ривожлантиради, умумлаштиради ва типиклаштиради, натижада бадиий образлар таъсиранлиги ва ифодавийлигини энг юқори даражага олиб чиқади.

Қуйидаги асарлар типиклик қонунига мос келади: Леонардо да Винчи «Мона Лиза» (Лувр. Париж), Караважо «Лютначи» (1595, Д.Эрмитажи. Ленинград), И.Е.Репин «Руҳоний» (ДТГ), А.Абдуллаев «Назарали Ниёзов» (Ўзб. ДСМ), Р.Чориев «Келин» (Ўзб.ДСМ), Ж.Умарбеков «Руҳият наққоши» ва бошқалар.

Бу асарларда турли синф ва табақа вакилларининг типик образлари яратилган. Бу образлар асарда конкрет шахслар эмас, балки, умумлашган йиғма образ сифатида, томошабин кўзи ўнгидага ўз асли, замонаси характерини очиб беради.

Ёки П.П.Беньковнинг «Қаҳрамоннинг онаси», Н.Кашинанинг «Доирачи қиз» портретларида ҳам типик образлар ифода этилади.

Рассом А. Абдуллаевнинг «Назарали Ниёзов портрети» асарида ҳам ўзбек дехқони, оддий сувчининг тимсоли билан типик бўлган ўзбек пахтакорининг умумлашма образини яратиб берган (10-расм).

Композициянинг барча қонун-қоидалари ва воситаларини ғоявий мазмунга бўйсимиши қонуни. Бу қонун рассомга яхлит идрок этиладиган, ифодали, юксак ғоявий мазмунли, асар яратиш мажбуриятини юклайди. Яъни, ундан асарнинг барча детал ва қисмларини шаклларда ифодаланган қуруқ схема асосида эмас, балки ғоявий мазмун асосида қурулган композиция талаб этилади.

Рассом асар устида ишлар экан, композиция орқали у ўзини қизиқтирган ва ўзига жалб этган обьектни тасвирга олади, унга ўзини муносабатини билдиради, унга маънавий ва эстетик баҳосини беради. Шундай қилиб, рассом нимани, қандай нарсани тасвирламасин у ғоявий мазмун билан суғорилгандагина бадиий санъат асари кўринишига эга бўлади.

Бу қонунни муваффақиятли қўлланилган деб Д.Веласкеснинг «Бреди шаҳрини топширилиши» (1634-1635, Прадо.Мадрид), Э.Делакруанинг «Озодлик халқни эргаштироқда» (1830. Лувр. Париж), М.Б.Грековнинг «Тачанка», А.Дейнеканинг «Севастополь мудофааси» (1942. ДРМ.Ленинград), П.П. Беньковнинг «Дугоналар» (19..., Уз ДСМ) Б.Жалоловнинг «Абадият гумбази остида» (1995, Тошкент) каби асарларини санаб ўтиш мумкин (11-12 расмлар).

«Озодлик халқни етакламоқда» картинасида ҳамма нарса асарнинг мазмунига бўйсиндирилган. Озодлик қучли харакат билан тасвирланган аллегорик образ-аёл образида ифодаланган. Озодлик энг зарурий ва қимматли холда энг асосий бадиий образ (у мазмунли композицион марказ ҳисобланади) қилиб жойланган, ранг ва тус жиҳатдан ҳам ёрқин кўринишида акс этирилган. Картинада ҳаётийлик (типиклик), контрастлар, яхлитлик қонунларини мазмунли-композицион марказ қоидасини, ранг, тус, ёруғлик ва бошқаларни ғоявий мазмунга бўйсиндирилганлиги яққол кўриниб турибди.

Демак, рассом учун дунёқарашиб жуда катта рол ўйнайди. Дунёқарашибни юксак, тўла бўлиши учун эса, рассомни билими, ҳаётга ва жамиятга муносабатлар, орзу-ниятларигина эмас, балки оламни ҳис этиши билан уни ўзгача кўришга олиб келади, бу эса бадиий ижоднинг чинакам мазмунини шакллантиради. Шу ўринда, композициянинг яна икки умумий бўлмаган, яъни тасвирий санъатнинг барча турларига мансуб ҳам эмас, хусусий қонунларини кўриб чиқамиз.

V-боб. КОМПОЗИЦИЯНИНГ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Композициянинг қонун-қоидалари, усул ва воситалари асар мазмунинг тасвирий «мағзи»ни ташкил этади, композицияни қуришга ёрдам беради, пластикни ечимини ишлаб чиқишида зарурий аҳамиятга касб этади.

Композициянинг қонун-қоидалари. Композициянинг қонун-қоидалари: ритм, мазмунли-композицион марказ, симметрия ва асимметрия, асосийни иккинчи планда кўрсатиш кабилардан иборат.

Ритм. Агар симметрия элементларни тинч мувозанатини таъминласа, ритм ҳаракатни назарда тутади, қайсики бу ҳаракат тўхтамайди, чексизликкача давом этади. Ритм ҳаётда ва санъатда катта ёки кичик бир маромда даврий такрорланишдир. Қандайдир ўхшаш элементни, тимсолий вазият, шарт-шароитни, маълум интервалда алмашиниб туришидир. Ритм энг аввало табиатда мўъжизавий композицион бошланма сифатида мавжуд. У борлиқнинг жуда кўплаб жабҳаларида иштирок этади: коинот тузилишида органик ва неорганик табиатда, йилнинг фаслий ва таркибий қайтарилишларида, хайвонот оламида, ўсимликлар дунёсида, одам организмида (нарсалар алмашувида, нафас олишда, юрак уришида) ўзига хос маром билан ҳаракатда бўлади. Ваҳоланки, санъатдаги ритм билан табиатдаги ритм бир нарса эмас. Санъатдаги ритм органик табиатдаги ритмга яқинроқ, чунки у техник хусусиятлари билан анчайин пластикдир.

Ритмни баъзи рассомлар қоида сифатида айтишади, (мас. А.Дейнека) бошқалари эса қонуният деб ҳисобласа, учинчи ҳил қараш ҳам бор, уларнинг фикрича ритм-восита, композициянинг ташкилий бошловчиси деб ҳисоблайдилар.

Ритмнинг ташкилий бошланиш эканлигини тан олган ҳолда Е.А.Кибрик ёзади: «Композициянинг ритмик асоси рассомнинг ғоявий мақсадини ички қонуниятини ифодалайди. Бу асосий қонуният ҳар бир ғоявий мақсадда иштирок этади ва у бадиий асарнинг композицион қурилиши ва бир маромини топа олишнинг, улдалашнинг гаровидир. Ритм-композициянинг ташкилий бошланишигина эмас, балки нафосати ҳамдир, айнан шу орқалигина асарга шоироналиқ, бадиийликдан ажralмаган ҳолдаги мусиқавий жиҳатлар кириб келади».* (А.Т)

Ритм рассомлар ижодида композициянинг қонун-қоидаси сифатида ўзининг хусусиятларига ва кенг ҳаракат диапазонига эга. У композицияда ташкилий ва эстетик аҳамият касб этади. У композиция қонунларига асосланади, Чизик, ранг, тус контрастларида ифода этилади (хайкалтарошлиқда хажм контрастлари).

Ритм муваффақиятли топилган композицияда бир варакайига асарнинг контрастлар қонунини қўллаш билан асарнинг компонентларига айланади ва уларни бирлаштиради ҳам.

Композицияда маълум бир детал ёки элементларни такрорланиши томошабинда мазмун ва уни ўсиб боришини мушоҳада қилиш ва ҳис қилишга олиб келади. Ритмнинг бу хусусияти композициянинг ҳаётийлик қонуни билан ўзаро алоқасини аниқлаб беради, қайсики бу билан рассом ташқи ҳаракатларни кўрсатиш билан чегараланиб қолмасдан балки, ички ҳаракатларни юзага чиқаради.

* Е.А.Кибрик. Об искусстве и художниках. М., 1961. 215-216 бет.

Ритм барча давларда, барча санъат турларида мавжуд ва бор бўлган. Қадимий Шарқ санъатида ритмни қўллаш қаттиқ талаб этилган. Қадимги Миср санъатида ритм тасвиirlари бўлган фриз композициянинг асосий шакли ҳисобланган.

Қадимги Греция санъати эса, ритм ва симметрияни яхши ўзлаштириб олинганилиги сабабли Миср санъатидан бир қадам олдинга ўтиб кетган эди. Одамнинг анчайин табиий позаларда ва анча фаол ҳаракатларини ритмда ранг-баранг тасвиirlаш билан қадимги грек усталари ифодавий композициялар яратишган. Ритмнинг маҳсус холларини грекларнинг вазаларида кўрамиз. Грециянинг классик давридаги рангтасвир композициялари ҳам ритмик асосга қурилган.

Ўйғониш даври санъатда ритмдан фойдаланиш композициянинг асосий уч талабидан бири бўлган. Композициянинг бу уч вазифаси: переспектива, текисликни ритмик бўлакларга ажратиш, қуриш нуқтаси ҳисобланган ва илк ўйғониш даври рассомлари томонидан асосланган. Бу ҳақда монументал фрескалар гувоҳлик беради. Фикримиз далили сифатида Джотто композицияларидан масалан, «Христосни чўқинтириш» ва «Мариянинг тўй воқеалари» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, XV асрда композициянинг қонун-қоидалари ва услубларини изчил в муваффақиятли равишда Мазачко, Ботичелли, Мантаньелар қўллайдилар. Мазачко «Динари ҳақида афсона» асарида омманинг ритмик ўйғунлиги, катта фазо, тасвирий фигуralарнинг хажмилигини тасвиirlagan ва фресканинг тўлалигича композицион яхлитликка эришган.

Ўйғониш даври усталари ишлаб чиқсан композиция қоидалари XVI-XVIII асрларда ҳам санъат марказида қолади, бунда ритмга алоҳида ўрин берилади. Рангтасвир асарларидаги ритмик жойлашувда мураккаб боғламли ёруғ-соялар ва ранг гармонияси пайдо бўлади. Масалан, Тинтореттонинг «Сирли оқшом» картинасида мураккаб ритмни кўрамиз, композициянинг диагонал қурилишида эканлиги тасвиirlangan фигуralарнинг ҳаракатини кучайтириб юборган.

XVII асрга келиб асосий ролни композицион ёнимда ёруғ-соялар ва ранг ўйнаш бошлайди. Бунга ёрқин бўлиб Рембрандт асарлари, хусусан «Тунги назорат», «Оқпадар ўғилнинг қайтиши» кабиларни кетириш мумкин. Композицияда ёруғлик ва соя эффекти асосий рол ўйнасада, ритмнинг роли ҳам пасаймайди, аксинча, у асарнинг эмоционал таъсирини кучайтиради ва томошибинг маълум предмет ва воқеаларни янгича кўришни юзага келтиради (13-расм).

XIX юз йилликда Рус санъатида картина текислигини ташкил этишда ритмни актив қўлланилишига ҳаракат қилинади. Жумладан, К.П.Брюлловнинг «Помпейнинг сўнгги куни»да ёрқин ва тўқ доғлар ўз навбатида маълум бир ритмни ҳосил қиласида ва картинани мувозанатли, яхлит холга кўришга олиб келади. Куинджининг «Берёза ўрмони» эса бизга манзарадаги ритмни классик намунасини намоён этади (14-расм). А.А.Дейнеканинг «Чангичилар», «Эстафета», «Даралар. Спортчи қизлар» асарлари ритмни аниқ ўрнини кўрсатиб беради. Бу асарларда ритм мураккаб

қўлланилганлиги билан ажралиб туради. «Эстафета»да ҳаракат диоганал бўйича кетса, «Спортчи қизлар»да ҳаракат пасдан бошланиб, дарё қирғоқларида бурилиш аввал томошабинга, сўнг картинага параллел кетади.

Мазмунли-композицион марказ. Композициянинг ғоявий мазмунини, энг асосийни етарли ва аниқ ифода этиб берувчи картинанинг маълум бир қисмини *мазмунли-композицион марказ* деб аталади. Композицион марказ композициянинг асосий қонунларига мос холда хажми, ёритилганлиги ва бошқа воситалари билан ажралиб туради. Композицион марказ биринчи навбатда, албатта томошабин диққатини ўзига жалб этиши лозим.

Композиция маркази факат рангтасвирдагина эмас, балки хайкалтарошлиқ, графика, декоратив санъат ва меъморликда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Композицияни албатта инсонни кўриш хусусиятларини ҳисобга олиб куриш керак. Мазмунли-композицион марказни ташкил этиш ҳам худди шу нуқтаи-назар билан боғланади ва шундагина ёрқинроқ ифодалаш билан бадиий асар мазмунидаги асосий нарса кўзга ташланади. Шу сабабдан, композициянинг бош талабларидан бири - ўзида мазмунни конструктив ғоясини мужассам этган мазмунли-композицион марказни тўғри жойлаштириш ҳисобланади. Яхлитлик қонунига кўра, рассом мантиқан композиция марказини бошқа қисмлари билан боғлаганлигини асослаш керак. Агарки, марказ бирор томонга ўйланмай сурилиб кетса, ҳисобда йўқ бўш жой пайдо бўлиб қолади, бу эса асар ғоясини сустлантирувчи тасаввур ўйғотади.

Мазмунли композицион марказ айнан геометрик марказда бўлиши жуда кам ҳолларда учратилади. Композицияда яна шу нарса жуда қимматлидир, яъни композиция шундай тузилсинки, ундан ҳеч бир нарсани олиб бўлмасин, ҳеч бир нарса қўшиб ҳам бўлмасин.

Шундай бўлса мисол тариқасида композицион марказни геометрик жойлаштиришга классик мисол, Леонардо да Винчининг «Сирли оқшом», В.И.Васнецовнинг «Паҳлавонлар» асарларини келтириш мумкин. Шунингдек, Рембрандтнинг «Оқпадар ўғилнинг қайтиши», В.Г.Перовнинг «Гувернант қизини савдогар уйига келиши» асарларини келтирса бўлади. В.Г.Перовнинг «Учовлон» асарида мазмунли копозицион марказни олдинги фазовий планда турган болалар ташкил этади. Бу ҳолда рассом асарнинг ғоявий мақсадидан келиб чиқиб, фигуralарнинг ҳаракат йўналишини (ёки пластик хажмни) мазмунли копозицион марказга муносабатида беради.

«Гувернант қизини савдогар уйига келиши»да гувернант қиз биринчи планда томошабинга ёндан тасвирланган, унинг орқасида иккинчи планда воқеалар бўлиб ўтмоқда. Унга қадалган савдогар ва уйидагиларни қарашларида асосий маъно берилади, у эса гўё кечирим сўраётгандек турибди (14-расм). Фигуralарни бундай жойланиши ва фазовий планлар рассомнинг ғоявий мақсадига тўла жавоб беради.

Мазмунли композицион марказни иккинчи планда жойлаштириш, гўёёки яқиндагидан узоқликка кетишгага олиб келади ва картина қисмларини

жойлаштиришда, марказ билан уларни бирлаштиришнинг бой имкониятларидан фойдаланишида қўл келади.*

И.Е.Репининг «Кутмаган эдилар» полотносида мазмунли марказ иккинчи планда кўрсатилади. Унда хибсдан қайтган инқилобчи фигураси туради. А.А.Ивановнинг «Исонинг элга кўриниши» асарида мазмунли марказ, бу улкан полотонинг номига мос ҳолда иккинчи планга узоқлаштирилган ва мазмунга мос ҳолда бош персонажнинг фигураси кичиклаштирилган ҳамда унинг якка ҳолда умумий фонда берилиши билан оммага нисбатан ажралиб туради (15-расм).

Симметрия. Симметрия умуман санъатда, хусусан тасвирий санъатда ўзининг асосини реал борлиқдан олади. Композицияни симметрик ташкил қилиш учун характерлилиги унинг мувозанатини хажмий қисмларга, тусга, ранг ва хатто шаклларга нисбатан олиннишидир. Бундай ҳолда одатда бир қисм иккинчиси билан худди кўзгудагидек ўхшайди. Симметрик композициялар ҳаммасидан аввал ёрқин ифодаланган марказга эга бўлади. Одатда у картина текислигининг геометрик марказига мос келади. Агарки чиқиш нуқтаси марказ билан аралаш бўлса, хажмий ҳолда бирор қисм оғироқ бўлса, ёки бу тасвир диагонал бўйича қурилса бу композициянинг ҳаракатчанлигидан дарак беради ва қандайдир маънода ғоявий мазмунни бузуб тургандек бўлади.

Симметрия қоидаларини Қадимги Гречия хайкалтарошлари алақачоноқ қўллаганлар. Симметрик композициялар грек усталаринг эрадан аввал IV-III асрларда кўлланилганлиги фрескалардан олинган нусхалардан билиб олинади. Илк Ўйғониш даврида Джоттонинг фрескаларида, Юқори Ўйғониш даврида эса Леонардо да Винчининг «Авлиё Анна, Мария ва чақалоқ Христос билан» асарида учта фигура ўткир учбурчак шаклида фазовий (остидангина топиб олинадиган) қилиб жойлаштирилган. Яна шунингдек, шу рассомнинг «Сирли оқшом»и Рафаэллининг «Мариянинг никоҳланиши», «Афина мактаби», «Сикстин мадоннаси» асарлари ҳам симметрия қоидалари асосида қурилган.

Улуг рус рассоми В.М.Васнецовнинг «Пахлавонлар» асари ҳам ажойиб симметрик шаклига монандликдаги композицион асардир (16-расм).

Асимметрия. Асиметрия тузилиши жиҳатидан симметриянинг аксинча кўринишидир. Агар композиция асимметрик кўринишда бўлса, демак у симметрикасdir ёки аксинча тескариси. Асимметрик композицияда мувозанат предметлар орасидаги фазовий узилишлар билан бир-бирига яқинлашади ёки бутунлай ажралиб кетади. Мувозанат қарама-қарши қўйилган катта ва кичик, очлик ва тўқлик контрасти, ёрқин ва хира ранглар билан хосил қилинади. Бундай композицияларга К.П.Брюловнинг «Помпейнинг сўнги куни», А.А.Дейнеканинг «Спортчи қизлар»и ва бошқа қўплаб асарларни мисол келтирса бўлади (17-расм).

Композицияда параллеллик. Маълумки картина текислиги четлари албатта рамка билан тугайди. Тасвир ҳам, шунга мос ҳолда турли параллел ва параллел бўлмаган чизиқлар билан картина ғоявий мазмунга мослиқ ва мос эмаслик холатлари билан боғланади. Параллелликни бўлиши тасвирда бошқа қия ёки эгик чизиқларнинг таъсирчанигини оширади.

Асосийнинг иккинчи планда жойлаштириш. Кўпинча холарда асосийни иккинчи планда кўрсатиш билан ҳам композицион ечимга эришилади. Бунда харакатдаги асосий шахс ёки гурух иккинчи планда кўрсатилади. Натижада биринчи план ҳам унга бўйсунган ҳолда танланади. Бунга Рафаэлнинг «Афина мактаби», А.И.Ивановнинг «Исони элга кўриниши» ва бошқалар мисол бўла олади. Миниатюра асарларида ҳам кўпинча асосий қаҳрамонлар иккинчи планда берилади (18-расм).

Назорат саволлари

1. Композициянинг конун-қоидаларини санаб беринг.
2. Ритм нима?
3. Қадимги Греция санъатида ритмни қўлланишига мисоллар келтиринг.
4. Ўйғониш даври санъатида ритм элементларидан фойдаланилган асарларга мисоллар келтиринг.
5. Мазмунли-композицион марказ деб нимага айтилади?
6. Композицион марказни геометрик жойлаштиришга мисоллар келтиринг.
7. Симметрияни муваффақиятли қўлланилган рассомлар ижоди ҳақида гапириб беринг.
8. Асимметрия нима?
9. Асосийни иккинчи планда жойлаштириш деганда нималар назарда тутилади?

КОМПОЗИЦИЯ УСУЛЛАРИ

Маҳобатлилик таъсуроти бериш. Маҳобатлилик таъсуроти беришнинг кўплаб усуллари мавжуд. Уларнинг энг муҳимроғи-фигураларни фрагментал кўринишда беришdir. Сўзсизки, тўлиқ фигураларни бошдан оёқ тасвирланса, тасвирланган объект фрагментлаштирилганга нисбатан камроқ таъсурот беради. Бу усул кўплаб санъат асарларидан мохирона қўлланилган. Масалан, ярим гавдалик портретлар бунга мисол бўла олади.

Фазони тасвирлаш. Фазони тасвирлаш очик панарамали манзарада, горизонтал жойлашган бўлса чексиз, жуда катта ва кенг кўринади. Бу урда кўриш идроки қонунлари катта рол ўйнаётir. Бундай фазовийликни бериш мисоллари И.И.Шишкиннинг «Ўрмон узоқликлари» асарида кўринади. Картинада фазо узоқликлари тасвирланган ва қаерда узоқ горизонт бирор биринчи пландаги шох-шабба, баланд ўрмон ёки бино билан тўсиб қўйилса,

очиқ майдон ёки кенг хавога нисбатан узоқлик янада узоқроқ кўринади. Буни У.Тансиқбоевнинг «Она юртим» асарида кўриш мумкин (19-20-расмлар).

Горизонталлар ва вертикаллар. Горизонтал йўналишни композицион усул сифатида қўллаш деярли тинчлик ва сукунатни тасвирлаш имконини беради. Масалан, В.М.Васнецовнинг «Жангдан сўнг» полотноси горизонтал форматда жойлашган, унда текислик майдонинг кенг, чексиз барҳамлари тасвирланади. Куинджининг «Ойдин» картинаси ҳам горизонтал форматда мазмунини яққолроқ ёритиб беради. Параллел, вертикал йўналишларини қўллаш тантанавийлик, улуғворлик, кўтаринкилик рухиятини беради.

Масалан, Болаликтепа саройидаги V-VIII асрларга оид деворий суратда параллел равища жойланган персонажларни кўрамиз. Бунда йигирма саккиз нафар меҳмон ва мезбонлар жуфт-жуфт бўлиб ўтиришбди (21-расм).

Диогонал йўналиш. Композициянинг диогонал йўналишдаги усулини қўллаш харакатини кучайишига ёки сусайишига олиб келади. Бу нарсани В.И.Суриковнинг «Боярина Морозова» картинасида чаналар харакат йўналишида чопаётган бола ва шунингдек, алоҳида жойлашган фигура ва тўдалар барчаси пастки ўнг бурчакдан баланд чап бурчакка диогонал бўйича тузилган, картина композицияси шундай қонуниятни ҳисобга олиб тузилганки кўриш идроки қанча тезлик билан ўраб турган предмет оламини чапдан-ўнга ўқишимиз, ёзишимиз билан боғланган бўлиши мумкин. Харакатни тасвирлашда диогонал бўйича чапдан-ўнга ёки картинанинг параллел текислиги харакатни идрок этишини активлаштиради, диогнал бўйича ўнгдан-чапга эса бир мунча пасайтиради. Шу сабабли «Боярина Морозова»да сустлаштирилган ҳолатни кўрамиз.

Назорат саволлари

1. Композиция усулларига нималар киритилади?
2. Маҳобатлилик таъсуроти бериш деганда нималар назарда тутилади?
3. Фазони тасвирлаш қандай амалга оширилади?
4. Горизонталлар ва вертикалларни қўллаш композицияда қандай ютуқларга олиб боради?
5. Диогонал йўналиш деганда нималар тушинилади?

КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ

Композиция воситаларига чизик, штрих, доф (пятно - тусли ва рангли), чизиқли перспектива, ёруғ-соя, ҳаво ва ранг перспективаси киритилади.

Чизиқлардан давомли қаламтасвир, қисқа муддатли ҳомаки расмлар, композиция эскизларида фойдаланилади. Рейсфедр билан юргазилган чизиқ ўз йўналиши бўйича йўғонлиги бир хил, лекин бу чизми чизиғи бадиий мақсадлар учун ярамайди, у бир хилликда, ноҳаётӣ, ноифодавийдир. Ижод эса бир хилликни ёқтиромайди, ижод учун оригиналлик, бетакрорлик керак.

Контурли чизик предметнинг шаклини чегаралайди, шундай бўлсада текисликда фақат чизик берилган бўлса, шундай уни ўраб олган текислик фонга нисбатан тасаввур пайдо бўладики, контур ичида тасвириланган предметнинг туси тўқ ёки оч бўлиб кўринади. Шундай иллюзия ҳосил бўладики, натижада предметнинг ёруғ фондаги силуэти, ўзини борлиғига нисбатан доғ бўлиб тўқроқ кўринади. Бундан ташқари чизикли тасвири предметнинг ҳажмини берадиган тасаввур бериш мумкин. Бундай ҳолат шунинг учун бўладики, биринчидан чизик шаклни нисбатлар ва перспектива бўйича қуради, иккинчидан чизик ўзининг йўғонлиги бўйича ҳам ўзгариб боради ва шунингдек жарангдорлиги, кучи билан ҳам, хатто тугатилмаган, лекин бирваракайига бир неча функцияларни бажаради: шаклни чегаралайди, тасвири тўғри жойлаштиради, барча шаклларнинг характеристири ва ҳамма характеристикини, унинг нисбатларини ва чегараланаётгандаги эгилувчанлиги, давомийлиги ва шаклнинг пластик сифатини юзага чиқишини таъминлайди (расм 22-а).

Штрих чизиклар узун, қисқа, чизувчининг ҳоҳишига кўра йўғон, секинаста ингичкаликка ва сўнг аранг кўринувчи изларга айланиб бориши мумкин. Штрих чизиқнинг динамик, пластик жихатларини онгли қўллаш билан кенг бадиий ижодий ва техник имкониятларга эга бўлиш мумкин. Улар тасвирининг ҳажмли - фазовий сифатларни бера олишга эгадир. Турли-туман йўғонликдаги штрих чизиклар ҳажмли шаклнинг ёруғ ва сояли қисмларида фазовий чуқурликларни берилишига олиб келади (расм 22-б).

Кўплаб параллел ёки кесишувчи штрихли чизиклар талаб этилган кучдаги штрих тусли доғлар ҳосил қиласди.

Доғлар - тусли ва рангли бўлиши мумкин, у ҳомаки расмларда, қораламаларда, шунингдек композиция эскизлари устида ишлаганда ҳам катта аҳамият касб этади. Тусли доғни қўллашнинг зарурлиги график восита сифатида композициянинг қуидаги вазифаларини очиб беришда кўринади: шаклнинг ҳажмлилигини чизиш ва ҳосил қилиш учун, унинг ёритилганлигини бериш учун, шаклни бўяшда тус кучини кўрсатиш учун, фактура ва унинг юзасини фазовий чуқурлигини кўрсатиш учун, теварак-атрофнинг ҳажмли шаклини бериш учун ва ҳаказо.

Ёруғ-соя композициянинг воситаси сифатида предметнинг ҳажмини тасвирилашда қўлланилади. Ҳажмли шаклнинг рельефлилик даражаси асарнинг конструктив ғоясини ифодалаш учун алоқадор бўлган ёритилганлик билан боғлик. Шунингдек, тасвириланувчининг ёритилганлик даражаси рангли ва тусли контрастлар характеристи учун, мувозанат учун қисмларни ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ҳажмли пластик асарларда зарурий рол - **ҳаво ва ранг перспективаси** қонунлари таъсирларига ҳам боғлик. Хатто оддий тасвирий савод ҳам реал оламда ўз ўрнини эгаллаган предметларнинг тасвирилашда перспектива қисқаришларини ҳисобга олишни талаб этади. Бу нарса эса фазовий планларнинг чуқурлиги сари хар бир предметнинг баландлиги, эни ва узунлигини қисқариб боришини билдиради.

Композицияда фазонинг иллюзиясини бериш учун ҳаво ва ранг перспективаси қонуниятларини ҳам ёдда тутиш зарур. Ҳаво перспективасининг асл моҳияти шундаки, турли контрастларнинг (ёруғ-соя, ранглилик, ўлчам) тасвирланганлиги бизга яқин бўлган объектларда анчайин кучли, лекин предметларнинг узоқлашгани сари юза қисмидаги соя ва ёруғ контрастлари кучсизлашиб боришида кўринади.

Ҳаво перспективасининг таъсир кучи тиниқлик, атмосфера ҳаво қатламигининг тозалиги ва қалинлиги хамда кўриниб турган предметлар олами билан боғлиқ. Объектнинг секин-аста биринчи пландан узоқлашиб бориши билан унинг ранг ёрқинлиги ва ранги хиралашиб совуқлашиб боради. Масалан, ўрмон биринчи планда яшил, узоқда кўк-яшил ёки хатто зангори бўлиб кўринади.

Шу ўринда Ў.Тансиқбоевнинг «Менинг қўшиғим», Н.Караханнинг «Олтин куз» номли манзараларининг мисол тариқасида кўрсатамиз (23-24-расмлар).

Бу ерда биз композициянинг асосий воситалари ҳақидагина қисқа тўхталиб ўтдиқ, ваҳоланки, тасвирий санъат тарихида реал борлиқни бадиий образларда акс эттиришнинг кўплаб усуллари маълум. Биз бу ўринда, ёш бошловчи рассомларга композиция устида самарали ишлашда ёрдам берувчи асосларини айтиш билан кифояландик.

Н а з о р а т с а в о л л а р и

1. Композиция воситаларига нима киради?
2. Чизиқнинг тасвирни бадиий ифодасидаги аҳамиятини гапириб беринг.
3. Штрих чизиқларнинг хажмни тасвирлашдаги ролини тушинтириб беринг.
4. Доғлар қандай вазифаларни бажаради?
5. Ёруғ-соянинг хажмлиликни тасвирлашдаги ўрнини изоҳлаб беринг.
6. Ҳаво ва ранг перспектива қонунларидан фойдаланиш йўлларини изоҳлаб беринг.
7. Ҳаво перспективаси муваффақиятли қўлланган ўзбек рассом-лари ижодидан мисоллар келтиринг.

VI-боб. КОМПОЗИЦИЯ ТУРЛАРИ

Композиция турлари фазони қўрсатишдаги алоҳида аҳамиятли томонлари билан ажратилади. Улар ўзаро бир бирига боғлиқ ҳолда бўлсада уч турга бўлинадилар: а) фронтал, б) ҳажмли, в) чуқур - фазовий композиция.

Масалан, кенг-фазовий композицияга (театр фойесининг интеръери) ҳажмли (ҳайкалтарошлиқ тасвирлари ва бошқа ҳажмли буюмлар) ва фронтал

(картина, панно, витражлар, стенлар ва хоказо) композициялар киритилиши мумкин. Ёки ҳажмли композиция ўз навбатида фронтал, текис юзавий элементлардан тузилиши ҳам мумкин. Фронтал композиция эса фазовийликни чуқур кўрсатиши мумкин. Баъзан фазони юқори даражада иллюзион ҳолатда ҳам кўрсатилади. Бунга мисол қилиб, текис юзадаги фазовийлик тасвирланган театр декорацияларини мисол келтириш мумкин, қайсики, бунда гўё саҳнадаги реал борлиқ давом эттирилади. У чуқур фазовий композицияни намоён этади.

Фронтал композиция шу билан характерланадики, у обсалют текис шаклда бўлади, лекин чуқурлик эса иллюзион ҳолда барча тур ва жанрлардаги картина текислиги ёки текис юза кичик ёки катта барельеф билан (барельефлар, горельефлар, унча чуқур бўлмаган бино фасадлари ва х.) кўрсатилди. Шундан келиб чиқадики, фронтал композиция асосан икки ўлчамлилиги билан характерланади, баъзан кичик, энсиз чуқурликка эга бўлиши ҳам мумкин (25-расм).

Ҳажмли композиция ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, ҳажмли, ўз ўлчамига эга бўлади, уч асосий координатаси бор (баландлик, кенглик ва чуқурлик) ва барча томондан ҳам кўринувчи хусусиятига эгадир (26-расм). Бунда шу нарсани хисобга олиш керакки, бу билан хар уч ўлчамдан бирортаси ҳам минимал, кичикиштирилмайди, ҳажмли текисликка айланмайди.

Ҳажмли композицияга ҳам тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларига нисбатан қўлланилган барча умумий қонуниятлар қўлланилади. Шу билан бирга ҳажмли композицияда ўзига хос специфик қонуниятлар мавжуд, улар факат ўзигагина хос бўлиб, тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларида амал қилинади.

Кенг-фазовий композицияда турли материалли предметлардан (хайкал, мебель, стенд, ҳажмлар ва юзалардан), фазо (интерьер, очиқ фазо) ва улар орасидаги интервалардан фойдаланилади (27-расм).

Кенг-фазовий композициядан маъмурий ва турар жойларни тўлиқ жиҳозлаш ва безатишда қўлланилади, хусусан, яшаш хонаси, кинотеатр фойеси, кўргазма зали, театр саҳнasi, меъморлик ансамбли ва бошқалар. Кенг-фазовий композицияда ҳам худди фронтал, ҳажмли композициялар каби композициянинг харакатдаги умумий - объектив қонуниятларидан фойдаланилади. Жумладан симметрия ва асимметрия, ритм, яхлитлик, мазмунли композицион марказни намоён бўлиши ва бошқалар.

Кенг-фазовий композициянинг ҳам ўз специфик қонуниятла-ри, жойлаштириш ва қуришнинг усул ва услублари мавжуд.

Назорат саволлари

1. Композициянинг қандай турлари мавжуд?
2. Фронтал композиция нима?
3. Ҳажмли композицияни изоҳлаб беринг.

4. Чуқур-фазовий композициянинг ўзига хослик томонларини тушунтириб беринг.
5. Композициянинг турларига рассомлик асарларидан мисоллар келтиринг.

VII-боб. ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР КОМПОЗИЦИЯСИ. НАТЮРМОРТ КОМПОЗИЦИЯСИ

Натюрморт - жанрли рангтасвирнинг фақатгина ёрдамчи воситасигина эмас. Буюмлар тили (ёрдами) билан ҳаётнинг энг турли-туман томонларини ҳикоя қилиб берилади. Натюрморт рангтасвири ҳаёт қувончини тасдиқлайди, кишиларни мевалар, сабзавотлар, гуллар, ойна, шиша, металларни ялтираши – оддийгина предметларнинг шаклларидан баҳра олиш учун етаклайди.

Натюрморт тузиш – ижодий жараёндир. Бунда рассомнинг диди ва лаёқати намоён бўлади. Зеро, натюрморт фавқулотда танланган предметлардан тузилмайди. Предметлар мавзу бўйича боғланган ва амалий аҳамияти билан бир-бирига яқин бўлиши керак. Предметлар тўплами табиийлик таассуротини бергандагина, натюрмортнинг композицияси ифодавийлигини сақлаб қолади. Натюрмортни қўйилишида ҳам ҳеч қандай сунъийлик, зўрма-зўракилик бўлмаслиги керак. Масалан, сабзавотлар билан китобни ёки гипс ҳайкалчани ёнма-ён қўйилса мазмунан тарқоқ ва нотабийлик келиб чиқади. Натюрмортда предметлар ихтиёrsиз, тасодифийлик билан жойланмайди. Ҳар бир предмет бошқалари билан албатта мазмунан боғланиши шарт. Уларни шундай вазиятда қўйилсинки, улар учун энг табиий ҳолати топилсин, ҳаётий, ҳаққоний, органик боғланишлари онгли равища жойлаштирилсин.

Натюрмортда предметлар фақатгина вазифалари, аҳамиятлилиги билангина яқинлиги эмас, улар тасвирнинг эстетик ифодавийлиги асоси талабларига ҳам жавоб бериши керак улар: шакл, материали, фактураси (сирти), ранги, тони (туси) ва бошқалардир. Икки ёки ундан ортиқ ўлчами ва шакли бир хил предметлар бир бутун яхлит тасаввур беролмайди. Предметлар ўлчами ўртасидаги катта фарқлиликдан ҳам қочиш керак. Масалан, кичкина гугурт қутиси, катта кўза идиш ёнида умуман сезилмайди.

Аслида эса, натюрморт композициясида катта ва кичик, очлик ва тўқлик, думалоқ ва текис юзали, узун ва қисқалик, ялтироқ ва сиполикларни контраст қўйиш ҳар бир предметни шаклини, унинг ўлчамларини, материалини, фактурасини (сиртини) соя-ёруғликла-рини ранг-баранглиги ифодавийликни кучайтиради, бир хилликдан четлатади, вазиятни жонлантиради.

Масалан, Шарденнинг ошхона буюмларидан тузилган натюрмортсида, предметлар шакли, материали, ранги, вазифаси жихатдан ҳар хил. Пиёзнинг

узунлиги олмаларнинг шарсимонлиги, тухумнинг овалсимонлиги, мис қозонча, сопол идиш - шакли ва ўлчами ва ранги жиҳатидан ҳам барчаси ҳар хилдир. Агарки, тасаввур қилинг шу натюрморт фақатгина идишлардангина тузилган бўлганда жуда қизиқарсиз, зерикарли таассурот берган бўларди (28-расм).

Натюрмортда предметларни жойлаштириш ягона мақсадга бўйсундирилиши керак. Натюрмортда композицион марказ бўлиши керак. Барча предметлар тўплами ичида ўзининг мазмун-ахамияти, ўлчами, шакли, ранги билан асосий марказий предмет бўлиши шарт. Барча иккинчи даражалилар кўриниш жаҳатидан ҳам, мазмуни жиҳатидан ҳам асосийга бўйсундирилади. Бу асосий предметни рассом предметлар ичида жойлашувида, рангida, ёруғ-соя контрастларида ҳам алоҳида эътиборда туради.

Натюрмортни қандай ёритилганликда чизиш ҳам (ёндан ёки олдидан, кундузги ёки кечки) жуда аҳамиятлидир. Олди томондан ёритиш сояларни жуда аниқлаштириб юборади, ёндан ёритилса хажми юзаларни бўрттириб кўрсатади, орқадан ёритилиш эса предметларга силуэтлик кўринишини беради.

Натюрмортда предметлар шундай жойланиши зарурки, улар бир-бирини тўсиб қолмаслиги, ҳар бири ўзини характерли хусусиятларини аниқ кўрсатишлари керак. Бунинг учун энг қулай кўриш нуқтасини танлаш керак. Кўриш нуқтасини ва горизонт чизигини муваффақиятли танлаш натюрморт композициясида юқори ифодавийликка эришишга олиб келади.

Тарвузли натюрмортни тузиш жараёнини таҳлил қилиб кўрамиз. (29-расм). Натюрмортни иккита предметдан тузиш ҳам мумкин эди (30-расм). Бироқ, унга қофозга ўроғлик сабзавотлар кўшилса, унинг композицияси тўлиқроқ намоён бўларди (31-расм). Бундай комбинацияда хилма-хил шакл ва рангдаги предметларни ўзаро боғлиқлиги ҳосил қилинади. Агарки, предметлар тўпламига, бидон идиш ёнига олма қўйилса чапги тонал қисм ўнг ёритилганликка нисбатан мувозанати бир хиллашади. Столнинг бир хилдаги юзасини мато-материаллар қўшиш билан йўқотиш мумкин. Мабодо стол юзасида турган предметларни акси кўриниб турса композициянинг мазмуни янада бойийди.

Натюрмортлар дунёси жуда ранг-баранг ва чегарасиз. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам хажмлардаги мувозанат, ёруғ ва тўқ доғларнинг ритмларини топиш зарур бўлади.

Рассом ўз олдига натюрморт ишлашда декоратив вазифа қўйиши ҳам мумкин. Лекин, бу ерда шу нарсани айтиш зарурки, натюрморт рангтасвирида энг эътиборли томони предметларни материаллилик ва жипс таркибий ҳолатини тасвирлашдан иборатdir. Бокалларни ялтироқ шишлилиги, метални ялтироқ совуқлиги, силлиқ ва нафис мевалар – ҳаммаси бизни ўзининг ўзлиги, ўзгачалиги билан ром этади. Худди шу ҳолдагина борлиқ натюрмортлар бизнинг қаршимизда ғаройиб гўзаллиги билан, юза ва сиртларининг табиийлиги ва ранг-баранглиги билан намоён

бўлади. Хиссий идрокнинг бойлиги ҳаётни тўлиқ гўзаллигини ҳис қилиш имконини беради (32-расм).

Натюрмортда ранглар ўз холица алоҳида ҳолда ҳаракатда бўлмай, бир бутун тўқлик ва рангга бўйсунади. Ҳар бир предметнинг ранги ва ёруғлиги, соялари, гарчи ўзининг рангдорлигига эга бўлсада, барибир бир бутунликка эгадир. Ишда айнан барча бўёқларнинг ҳудди манашу яқинлигига эришиш зарур. Барча ранглар барибир бир умумийликка эга бўлиши керак.

Ваҳоланки рангтасвир – бу рангларни аксини яқин ранглар гаммаси билан нозик уйғулаштириш демакдир (35-расм).

Предметнинг ҳар бир юзаси ягона колоритга бўйсунган ҳолдаги иссиқ ва совуқ акслари билан жойланиши ва ҳаракатланиши шарт. Фақат шу ҳолдагина натюрморт теварак атрофидаги предметларнинг гўзаллигини, уларнинг ранг бойликларини намоён этади.

Амалий аудиториявий иш

Биринчи машқ: Ҳажми, ранги, фактураси, материали ҳар хил бўлган предметлардан тузилган композицион натюрмортни турли ёритилганликда хомаки расми, қоралама ёки этюдини ишлаш.

Энг аввало натуранинг ўзидан қоралама ёки этюд бажарилади. Талабалар натюрмортнинг мақсади, унинг гояси билан аниқ танишиб олгач, ижодий изланишлар бошланади. Бунда ёрқин эмоционал мазмун ифодаси изланади. Талабага мазмун ва шакл бирлигига эришишда тасвирий-ифодавий воситалар: ранг ва тонал муносабатлар, шакл ва ўлчамдаги нисбатлардан унумли фойдаланиш вазифаси қўйилади. Натюрмортни жойлаштиришда (икки ёки уч предмет билан) иккинчи даражали нарсаларни эътибордан чиқармаган ҳолда мазмунли-композицион марказни ажратиб олиниши зарурки, у томошабинни мазмунни нима ташкил этаётганлигини тушуниш учун етакласин.

Бунда қўйилган натюрмортни турли кўриш нуқтасида, турли узоқликда бир неча вариантларда машқ қилиб кўриш тавсия этилади (33-расм).

Вазифа агарки шаклни қўрсатиш бўлса, унда бир-биридан кескин фарқ қилувчи масалан, пастак, юмалоқ кувшин, ингичка, баланд ваза билан ёнма-ён ёки шарсимон ва тўртбурчакли шаклли буюмларни ёнма-ён қўйиш орқали амалга оширилади. Ёки ўзаро шакли яқин буюмлардан натюрморт тузилади (34-расм).

Нарсаларни шундай масофада ўз ўрнида тасвирлаш зарурки, бунда у ёки бу ҳолда ритм, мувозанат, тинч ёки ҳаракатчанлик ҳосил бўлсин.

Натюрмортнинг тонал ва ранг муносабатларини ўзаро яқин ранглар билан олинадими ёки контрастлар биланми, иссиқ рангдаги ёки совуқ рангдаги колорит билан ечиладими, бу чизувчининг ихтиёрига хавола этилади.

Иккинчи машқ: «Нонушта», «Тушлик», «Дастурхон» мавзусида натюрморт ишлаш. Мақсад: композицион мазмунли марказни,

натюромортдаги буюмларни ўз ўрнида ўзаро мутаносибилигини топиш. Натюромортни кўп планли ишлаш. Орқа фонда иккинчи, учинчи даражали буюмлар борлигини тасвиirlаш.

Уй вазифалари

Биринчи топшириқ: «Она ер саҳовати» мавзусида ижодий натюроморт ишлаш. Бунда конкрет ҳаётий натурал нарсалардан фойдаланиш тавсия этилади. Имкони борича ҳаётдаги теварак-атрофдаги воқеаларга боғлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бозордан меваларни олиб келинган ҳолат ёки меваларни узилган ҳолати ва бошқалар. Аввало, натурадан бир неча қораламалар қилиш, сўнг эскизда чизиқли ва рангли ечимни топиш тавсия этилади.

Иккинчи топшириқ: Берилган «Дастурхон» мавзусида ижодий натюроморт ишлаш. Энг аввало, ғоя-мақсад аниқлаб олинади, сўнг шунга мос предмет танланади. Вазифа: қўйилган предметлар орқали инсоннинг кимлигини, дунёкараши, касб-корини кўрсатиш. Идишлар, сабзавот ва мевалар орқали уй эгасини лирик кайфиятини характер даражасини кўрсатиш.

Учинчи топшириқ: «Санъат атрибутлари», ёки «Касб-корлик буюмлари» мавзусида ижодий натюроморт ишлаш. Бунда кишиларнинг маълум бир касб-корлиги ҳақида, яъни бунда танланган буюмлар худди шу инсон ҳақида маълумот беради. Рассом, мусиқачи, ўқитувчи, олим, хунарманд, ҳавасманд ижодкор ва ҳоказо касблрга боғлаш мумкин. Топшириклар қофозда, қалам, тушъ, акварель ва бошқаларда (график усулда ҳам) бажарилиши мумкин.

Тўртингчи топшириқ: Композицион хомаки тасвиirlар чизиш. Бунда битта ёки бир неча одам фигураси иштирок этиши мўлжалланади. Кутубхонада, ўқув залида, аудиторияда, ҳовлида, ишчи кабинетда, театрда, устахонада ва ҳоказо вазиятлар танланади. Хомаки расмда танланган воқеадаги ўзаро боғлиқни кўрсатилади. Чизилаётганда аниқ ва равон, тушунарли, қизиқарли ҳолат кўрсатилишига эришиш зарур. Худди шу хомаки расм кейинги ишланадиган композицияларга материал бўлиб ҳизмат қилиши ҳам мумкин. Шу сабабли, чизишдан аввал воқеанинг энг «зарурий мағзи» сини топиб олиш зарур.

Бешинчи топшириқ. Ҳаётий қузатишлар асосида, натурадан олдиндан хомаки расм, қоралама, этюдлар ёрдамида бир фигурали композиция эскизини ишлаш. Бунда одамнинг кескин ҳаракатли ҳолатларини кўрсатиш қизиқарли бўлиши мумкин. Турган ёки ҳаракатланаётган, ўз иши билан бандлиги, ўй сураётгани, касб-корликни белгилайдиан деталлар орасида тургани каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Эскизни график ечимда бажарган маъқулроқ. Эскиз ўлчамини 4F1 нисбатдаги форматда танланади.

ИНТЕРЬЕР ВА ЭКСТЕРЬЕР

Бинонинг ички кўринишининг тасвири **интерьер** деб аталади. Рангтасвир ва графикада интерьер тасвиirlари кўплаб ишланган.

Архитектуранинг алоҳида ички фрагментлари ва вазиятлари Қадимги Миср ва антик санъатда учрайди. Эрамиздан аввалги биринчи асрларда ёқ Помпей фрескалари бизга ажойиб, бутунлай фантастик перспективага асосланган тасвиirlари архитектура композицияларини намоён этадилар.

Ўрта асрларда инсон ва муҳит муносабатидаги қимматли одим сифатида Хитой рангли тасвиirlари яратилган.

Ўрта аср миниатюра ва икона усталари уйларни худди театр декорацайларига ўхшаш қилиб тасвиirlаганлар.

Италия уйғониш даври санъати бошловчиларидан Джотто ўз ижодида нарсаларнинг (буюмларнинг) ҳақиқий нисбатларини тор ва «яшил» симон интерьерларда тасвиirlшга ҳаракат қилди. Уйғониш даври санъатининг катта ютуқларидан бири Чизиқли геометрик перспектива юзага келганлигига деб айтиш мумкин. Бу эса П.Уччелло, П.делла Франческо, Д.Гирландайо, П.Перуджина, А.Верроккьо ижодида ҳақиқат ва гўзалликни тасвиirlашнинг асосий омили сифатида ёруғ - соянинггина эмас, балки тасвиirlни шоироналаштириш ролини ҳам ўйнайди.

Флоренцияда фазовий перспективани А.Дольдовинетти ишлаб чиқади, лекин уни асосан Леонардо да Винчи юқори даражага кўтаради. қайсики интерьер ечими факат инсон билан муҳитнинг муносабатига яқин бўлибина қолмайди, балки, ёруғ - соя бериш, поэтиклаштириш ролини ҳам ўйнайди. Тициан, Веронезе ва Тинторетто асарларида биноларнинг улуғворлигини, тантанавийлигини кўрсатиб берадилар.

Ғарбий уйғониш даври устаси Я. Ван Эйкдан бошлаб ва Р. ван дер Вейденлар аксинча алоҳида меҳр билан «уй учи дунёси» - ҳиссиётли буюмлар оламини ифодалайдилар. Уларда меҳрибонлик билан буюмлар фактурасини деталлаштириб берилиши XV-XVII асрларда нидерланд ва немис усталарига катта илҳом беради ва асарларда алоҳида шинамликни хис этишга олиб келади.

XVII юз йилликда уста голланд рассомлари Я.Стен, А.ван Остаде, Г.Метсю ва Герборх кабилар интерьерга алоҳида аҳамият берадилар. «Қуёш нурининг саҳийлигини тасвиirlашни» қойилмақом эгаллаган Я.Вермер Делфтский қуёш ёруғи тушган уй ичларни инсонни энтикирувчи бир (поэтика) илҳом билан беради (36-расм). Унинг ижоди жанрли рангтасвирнинг алоҳи-да мактабини яратилишига туртки бўлди ва рассомлар интерьер ва ҳиссиётли шаҳар манзараларига алоҳида кечинма билан ёндошдилар. П. де Хохни эҳтимол тўлиқ интерьерчи рассом деса бўлар, қайсики, унинг ижодида бинолар ўта изланувчанлик билан қурилади. Яшаётган одамларга нисбатан К. ван дер Влит ва Э. де Витте рангтасвирлари «тоза интерьерчасига» берилиб, у факат хусусий биноларнигина эмас, балки черковларнинг ичларини ҳам тасвиirlайди. Виттенинг «черков интерьерлари» жуда кўплаб Европа давлатлари рассомлари учун намуна бўлди.

Ф.Хальс, Рембрандт, Д.Веласкесларнинг ижодида ҳам интеръер тасвиirlари четда қолмаган ва хатто одамнинг ички оламига қизиқиши үсиши боис пейзаж билан эмас, интеръер билан қизиқадилар, улар алоҳида берк хонада шахс енгил кўринади деб ҳисоблайдилар.

XVIII асрга келиб Ж.Б.С.Шарден интеръерни тасвиirlашнинг фидойиси ва куйловчисига айланади. Инглиз - қария У.Хочартда ҳар бир предметнинг вазияти маълум мазмунли ролни ўйнайди.

XIX аср классицизм вакиллари Ж.Л.Давид, Ж.О.Д.Энгрлар интеръерни аналитик аниқликда ифодалайдилар. Реалистлар Г.Курбе ва Ж.Ф.Миллелар ҳар бир жойнинг социал характеристикасига дехқон уйи ёки рассом устахонаси каби ён босадилар.

Э.Моне ва импрессионистлар (Э.Дега ва бошқалар) тасвиirlанган биноларнинг фазосини худди кадрга олгандек қилиб кўрсатишни ёқтиридилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида А.Г.Веницианов раҳбарлигида дехқонларнинг ҳаётига оид майший, ички ва шаҳар биноларини тўпламли тасвиirlаш билан бутун бир интеръерни тасвиirlовчилар мактаби ташкил бўлди. Предметлар дунёсига қизиқиши П.А.Федо-товнинг интеръерларида муваффақиятсизлик ёки драматизм кайфияти ечимида берилади. Масалан, унинг «Янги амалдор» (1846, Д.Т.У), «Майорнинг уйланиши» (18 ...), кўчманчи рассомлар ижодида эса айниқса И.Е.Репиннинг «Кутмаган эдилар» (1884-1888 Д.Т.Г), каби асарларида интеръер ўз эгаларининг қарашлари, социал яшаш тарзи хақида маълумот беради.

Интеръер элементларини В.А.Серов ижодида портретдаги шахсни характеристини очиб беришга бўйсиндирилган ҳолда кўринади. Масалан, «Қиз ва шафтоли» (1887. ДТГ) ва бошқа қатор портретларида бадий образни очиб беришда интеръер элементлари муваффақиятли рол ўйнаганлигини кўрамиз (37-расм).

Рассомлар Н.В.Нестеровнинг «Академик И.П.Павлов портрети» (1935, ДТР), Петров-Водкин «1919 йил. Тревога» (1934, ДРМ) «Она» (1915, ДРМ), асарларида интеръер алоҳида эътибор билан ишланган. Шунингдек, куйидаги асарларда ҳам интеръердан муваффақиятли фойдаланилган;

Я. ван Эйк «Арнольфини» портрети (1434 Лондон. Миллий галерея), Э.Мане. «Фоли – Баржер бари» (1811-1882, Лондон) (38-расм). Д.Веласкес. «Менинилар» (1656, Прадо. Мадрид).

Графикачи рассом В.А.Фаворскийнинг график тасвиirlарида ҳам интеръер тасвиirlарини учратамиз.

Назорат саволлари

1. Қандай тасвир интеръер дейилади? Экстеръер-чи?
2. Уйғониш даври санъатининг катта ютуқларидан бири сифатида қандай перспектива назарда тутилади?
3. «Уй ичи дунёси»ни ҳиссиёт билан тасвиirlаган рассомларни номларини санаб беринг.
4. Интеръерчи рассомларга мисоллар келтиринг.

5. XIX аср биринчи ярмида интерьерни тасвирловчи рассом-лар мактабини ташкил бўлишга ким сабабчи бўлган?
6. Интерьер тасвирланган сюжетли картиналарга мисоллар келтиринг.

ИНТЕРЬЕР КОМПОЗИЦИЯСИ

Интерьер рангтасвир санъатининг алоҳида жанри сифатида ва ўз холича тарихий, майший ёки бошқа воқеалар тасвирланган асарларга фон сифатида хизмат қилади.

Интерьернинг характерли жиҳати даврни, майший маданият даражасини ифодалайди ва меъморчиликда етакчи услуг ҳисобланади, шу сабабли, рассомларни доимо биноларнинг ички кўриниши анча қизиқтиради. Ваҳоланки, интерьер сўзсиз хона эгасининг дид-фаросати ҳақида ҳикоя қилади, муҳит, (завод цехининг ўрнашиши) ҳаётда техник тараққиётининг ўрни ҳақида гувоҳлик беради. Эшик ва деразаларнинг ўрнашиши, уларнинг ўлчами ва шакли, девор ва шипларнинг безаклари, паркент полнинг расми, пардаларнинг ранги ва гуллари, мебелнинг безаклари - булар ҳаммаси ва бошқа қўп нарсалар шубҳасиз даврни акс эттириш учун рассомда катта қизиқиш уйғотади.

Турар жой ва маъмурий биноларнинг интерьерлари моҳиятан бир-биридан фарқ қилади, безаклари ва меъморчилик белгилари турличадир. Театр интерьери рассомларнинг турли даврларда ишланган асарларидан қишлоқ уй хоналари, черков, саройлар ва ўқув хоналари, яшаш жойлари ва карvonсаройлар интерьерларини билиб оламиз.

Интерьер композициясининг асосий жиҳатлари қуйидагилардир:

Биринчидан, натюромортдан фарқли равишда бу ерда чизиқли ва ҳаво перспективаси қоидаларига қаттиқ, амал қилинади. **Иккинчидан**, у ёки бу уйнинг натюромортдан фарқи, қўплаб предметлар, турли хил даражада, турли узоқлиқда, горизонтал холда полда, вертикал юза деворда (картина, ойна, мебеллар ва бошқалар) жойлашади. **Учинчидан**, интерьер рангтасвири ўзида архитектурасининг ўзига мос томонларини олади, ҳар бир нарса метин каркас, кубатура ичидалиги хис қилинади.

Худди шу хусусиятлардан келиб чиқиб, рассом хусусий вазифаларни бажаради: хомаки расмлар, қорамалар, эскизлар бажаради, интерьер фрагментининг анча яхши ифодавий изланишлари сифатида бурчаклар зарурий холда алмаштирилиб, ўзига муҳитдаги барча предметларни бўйснидиради, мазмунли-композицион марказ аниқланади.

Интерьер композициясида, предметлар ва архитектура конструкцияларидаги перспектив қисқаришлар катта таъсирини ўтказади.

Чизиқли композицияни аниқлаштириб бориш билан бирга тонал ечимларни топиш устида, ёритилганлик шароитини ҳисобга олган холда ёруғ-сояли ва рангли тасвирни контрастлари ишлаб борилади.

Амалий-аудиториявий иш

Биринчи машқ: Мебеллари кўп бўлмаган бинонинг ичини бир қисмини тасвирилаш. Машқ натурадан бажарилади. Бунда асосий вазифа интеръерли композиция яратиш ҳисобланади. Вазифани бажариш интеръер мавзусини танлашдан бошланади (хона, коридор, зал, аудитория, ўқув устахонаси). Сўнгра энг мақбул кўриш нуқтаси танланади. Бунда обьект билан тасвириланувчининг орасидаги узоқлик масофа катта рол ўйнайди. Энг яқдил композицияни, форматни аниқлаб олиш учун, бир неча вариантларда натурадан қораламалар қилиш тавсия этилади. Ишлаш материали, қалам, тушъ, акварель.

Иккинчи машқ: Вазифа мураккаблаша боради, бунда кўп планли интеръер тасвириланади, шу сабаб қўпроқ тасаввурдан чизишга тўғри келади. Йўл-йўлакай хомаки расм ва қораламалар қилинади. Эскизда кўп планли интеръер композицияси характеристи чизувчининг интеръерга қарашларга боғлиқ бўлади, яъни бунда ҳар-хил мебелларни ўз ўрнида биринма-кетин жойлашишларга эътибор қаратилади. Бу вазифа унча катта бўлмаган (7x14см) ўлчамда ва энг мувафақиятли ечимлар эса (30x40см) бироз каттароқ ўлчамда чизилади (39-расм).

Учинчи машқ: Маъмурий бино интеръерини тасвирилаш. Бунда, мактаб, ўқув муассасаси, театр, завод, цех, вокзал, ва бошқаларни чизиқли ва ҳаво перспективаси қоидаларига амал қилган ҳолда чизилади.

Бу вазифада асосан оригинал мотив танлашга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, театр интеръерида меъморий элементларни декорация билан уйғуналигини тасвирилаш, ёки завод цехларида дастгоҳ ёки механизм иморатни беркитиб кўриниши, ғояни конструктив қурилишда жуда қизиқарли бўлиши мумкин. Бу вазифа тасвиirlари асосан фазовий перспективанинг хукмронлиги билан амалга оширилади, яъни очлик-тўқлик, нисбатлари, тонал муносабатлар бир-бирига юмшоқлик билан ўтиб боради, тўқлик контрастлари эса планлар бўйича очлаштириб борилади.

Тўртинчи машқ: Интеръер хомаки эскиzlари бажариш бўйича олиб борилади. Бунда, очик эшик, ховли, кўчага чиқиш, том устиларининг кўринишлари танланади. Бу машқда экстеръер, архитектуравий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Чизиқли перспектива қонуниятларига амал қилинган ҳолда. Бу эса, композиция форматини аниқ белгилаб олишда қўл келади. Албатта, манзара элементларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Экстеръер композициясида ёритилганлик ҳам катта аҳамиятга эга. Ёндан, тепадан, чизувчи томондан ёки ёруғликка қарши, контраст ҳолатларда, тарқоқ, енгил ҳолатларда ёруғлик берилиши мумкин. Тонал ечим билан бир қаторда рангларни ўз жойига қўйиш ҳам зарур бўлади, қайсики у композициянинг характеристига қаттиқ таъсир қиласди.

Уй вазифалари

Биринчи топшириқ: Интерьердаги натюрморт. Нарса ва буюмлар орқали талабанинг, зиёли, ўқитувчи, рассом ёки уй эгасининг замонавий майший ҳаёт тарзи кўрсатилади. Бу композиция устида ишлашда натурани кузатишлар, хомаки расм ва қоралама, бошқа материаллардан фойдаланилади. Якуний эскиз 1F2 нисбатдаги форматда бажарилади (40-расм).

Иккинчи топшириқ: Одам иштирокидаги интерьер композицияси. Композиция икки хил аспект билан ечиб берилади: биринчиси - интерьер тасвирланади, унда одам иштироки таъминланади, иккинчиси - сюжетли бир фигурали композиция бажарилади. Бироқ интерьер тасвири асосий вазиятда туради, одам тасвирини киритиш композициянинг бир бутунлигини, образлилигини оширишга хизмат қилиши назарда тутилади.

Бу мавзуда композиция яратиш албатта чизувчининг мақсадидан келиб чиқади. Агар, бино кўриниши фрагмент ҳолда олинса, вертикал формат танланади ва у девор, эшик, деразаларнинг вертикал чизикларини тасвирлаш билан композициянинг конструкцияси ҳосил қилинади. Агарки кўриш нуктаси юқоридан қаралса, унда баландлик қисқаради ва бунда табиийликдан ўзга таасурот пайдо бўлади. Кўриш нуктаси пастдан олинганда, паст горизонтда ҳар қандай предмет салобат билан кўринади. Горизонтал форматда узок, фазовий планларни бериш имкони кўпроқ бўлади. Агар тасвир яқин планда олинса, унда одам фигурасини роли ҳам кучаяди.

МАНЗАРА - ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АЛОҲИДА ЖАНРИ

Манзара - французча «пейзаж» сўзидан олинган бўлиб «табиат» деган маънони англатади, тасвирий санъатда эса табиатнинг табиий ёки ҳаёлий кўринишларини ифодаловчи жанр ҳисобланади.

Ибтидоий одам неолит асродаёқ, одамни ўраб турувчи табиатни элементларини қоядаги тасвирларда берганлар. Масалан, Жазоирдаги қадимги суратларда ов манзаралари, подаларни ўтиши ва бошқа дарахт, тош, кўл, сув кабилар схематик тарзида ифода этилган.

Манзара мотивларини кенг қўлланилганлигини Қадимги Шарқ ва Критдаги фиръавнлар ови ёки ёввойи ҳайвонлар тасвирида кўрамиз. Бу тасвирлар эрамиздан аввалги XX, XV асрларга таалуқлидир. Бу ҳақда юқорида мисоллар келтириб ўтдик.

Ўрта асрлар Европа санъати ва Қадимги рус икона тасвирларида табиат анча схематик тарзда берилган.

Эрамизнинг XVI-XVII асрларигача манзара турли картиналарга ёрдамчи детал сифатида ёки фон вазифасини ўтаб келган. Масалан, Леонардо да Винчининг машҳур «Мона Лиза» портретида манзара мазмунга мос равища алоҳида аҳамият касб этади (41-расм), (1509, т.м. Лувр. Париж).

Манзара алоҳида жанр сифатида Ўрта асрларда Хитойда пайдо бўлган. Хитой рассомларнинг манзаралари жуда шоирона бўлиб, улар томошабинга

чексиз шавқу- завқ беради, түлқинлантиради, оламни абадийлиги ҳақида тасаввур беради, тулқинлантиради. Рассом Х.В.Дунь Юаннинг «Дарё манзараси» қора туш билан ипакли матога ишланган. Борлиқнинг чеки йўқ, сув юзи кенг, уфқ горизонтда туман тутунлари орасида ғойиб бўлган. Кейинчалик Хитой рангтасвири таъсирида Япон манзаралари ҳам пайдо бўлган.

Европа санъатида Уйғониш даврига келибина манзаранинг мустақил жанр сифатида шакллантириш учун уринишларни сезиш мумкин. Рассомлар натурани ўрганиш билан картиналарда кенглик (фазо) ни кўришга, чизикли ва ҳаво перспективаси принципларига асосланиб, табиат инсонлар яшайдиган реал восита (муҳит)-макон сифатида талқин этилади.

XVасрнинг биринчи ярмида швед рассоми К.Вицанинг «Мўъжизавий ов» манзарасида (1444., Тарихий ва санъат музейи. Женева) конкрет борлик, яъни Женева кўли қирғоқлари тасвирланади.

Нидерланд И.Патинир, немис А.Дюрер ва А.Альтдорферлар-нинг ўлчамлари катта бўлмаган график ва рангтасвири асарларида табиат асосий ўринда кўрсатилади.

Бу даврда Ғарбий Уйғониш даври санъати усталари италянлар А.Мантенье, Пьеро дела Франческо, Джорджоне, Леонардо да Винчи, Тицианлар томонидан табиат образини ифода этишга турлича уринишлар бўлган. Унда табиат инсон билан ҳамфикр, гармоник боғланган бўлиб, архитектуравий муҳит асосий ўринда туради.

Нидерланд усталари Ян Ван Эйк, Хью Ван Дер Гус ва немис А.Дюрер, М.Нитхардт, А. Альтдорфер, Л. Кранах (кattаси), ижодларида ёввойи табиат образлари ўзига хос равишида талқин этилади.

XVI арда П.Брейгел (кattаси) оламни кенг кўриш, халқ хаётини специфик намоён бўлиши ва инсонни табиатдан ажратиб бўлмаслигини кўрсатади. Унинг «Йил фасллари», «Поданинг қайтиши» (1565, Вена санъат музейи) асарлари шулар жумласидандир.

XVII асрда классицизм санъатида идеал манзаралар ишлаш принципи пайдо бўлади, қайсики асосий ўринда табиат образи моҳирона тасвирланади ва улар ўзида оламнинг тузилиши қонуниятларини ифода этади.

Француз рассоми Н. Пуссен ижодида идеал манзара «қаҳрамон» сифатида улуғланади. Бунда антик мифология асарларидан кенг фойдаланилган. Масалан, «Геркулес ва Какуснинг яккама-якка жангиги» (1649, ДТСМ) асарини мисол келтириш мумкин. К. Лорреннинг картиналарида эса, образли афсонавий характер асосий ўринни эгаллади, унинг «Европанинг ўғирланиши» асари бунинг мисолидир.

Барокко рассомлари эса табиатнинг стихияли қудратини қўйладилар. Инсон бу табиат ичра яшайди, табиат билан яқинтеръер туради, табиатнинг ўзи эса ўз бало оғатлари билан курашда бўлади. Шундай картиналарга П.П.Рубенсни «Тош ташувчилар» (1620, Д.Э. Ленинград), Веласкеснинг натурадан ишланган плленер элементлари тасвирланган манзараларини киритиш мумкин.

Шу ўринда, академик рассом-Ўрол Тансиқбоевни серқүёш ўлкамиз табиатини ўткир мўйқаламига таяниб санъаткорона тасвирилаши билан тасвирий санъат ривожига беназир ҳисса қўшган буюк рассом сифатида келтириш ўринли. Унинг асарларида кенг фазонинг жуда усталик билан тасвиrlаниши, бу фазо бағридаги табиатнинг нозик ва нафис сирлари ўта маҳорат билан акс эттирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда айниқса, «Иссиккўлда кеч», «Тахиатош» (1951), «Қорақум сув омбори» (1957) каби асарлари дикқатга сазовордир. Унинг буюк санъаткор бўлиб етишишининг сабаби, баҳорга ошуфта бўлиш; она-табиатга меҳр қўйиш, бирор бир дақиқани табиат бағрисиз ўтказмасликка ҳаракат қилиш, баҳор кезларида табиат бағрига шўнғиб кетиш, балки шу фасл хавоси билан қоришиб кетиш билан асарларда табиатнинг ҳеч ким эшитмаган жарангли ва сехрли куй қўшиқларини тинглаш бўлди. У 1960-йилларда ҳам ўнлаб шундай ранг-баранг асарлар яратдики, улар тасвирий санъат тарихига дурдона намуналар бўлиб кирди. «Қайракум ГЭСи тонги» (1957), «Ўзбекистонда март» (1958), «Ала-Тов» (1960), «Ангрендаги тоғ йўли» (1962), «Ангрен дарьёси» (1963), «Тунги тонг қишлоғи» (1962), «Кеч» (1971) ва бошқа асарлари кишини табиат манзарасига сайд қилдиради. 1972 йилда яратган «Менинг қўшиғим» полотноси эса алоҳида довруғ топди (42-43-расмлар).

Ў.Тансиқбоев серқүёш ўлкамизни, ранго-ранг табиатини ана шу йўсинда моҳирона тасвиirlади. «Менинг қўшиғим» картинаси мусаввир умрининг сўнгги йилларида яратилган. Шунинг учун ҳам ушбу ажойиб манзарада рассомнинг бутун ижодий меҳнати, хаёт йўли мужассамлашгандек кўринади. Асарнинг олдинги планида тоғ тошлари баҳор табиатининг гулларга бурканган ҳолда жозибали қилиб тасвиirlанган. Бир қарашда бу оддий кўринса-да баҳайбат ва ниҳоятда улкан тоғлар бағридаги тошлар тарих сирларини хикоя қилаётгандек туюлади. Рассом ўзининг бу асарида табиатнинг нафис ва нозик гўзалликларини чизади. Қўшиқчининг овози-ю, бастакорнинг куйи-барча барчасини иштирок эттираётгандек кўринади тасвиirlарда. Гўё она табиат бағрига кириб, ўз овози билан куйлаган ёқимли қўшиғини «Менинг қўшиғим» деб атайди (43-расм).

Манзара жанрининг яна бир илғор вакили Н.Г.Карахан ҳисобланиб, у ўлкамиз табиатида доимо сайд қилар ва ҳар бир фасилнинг ўзига хос гўзалликларини сержило ранглар билан тасвиirlаб беришга интилар эди. 1930 йилларда ишлаган «Қизлар ховуз бўйида», «Уч машшоқ», «Ховлида узум узиш», «Тўғон қурилиши», «Баҳор», 1940 йилларда яратган «Ҳирмончи қиз», «Она диёр», «Нанай йўли» каби манзаралари унинг ўзига хос тасвирий санъат устаси эканини кўрсатади. Айниқса, 1957 йилда ишлаган «Олтин куз» асари табиатимизга хос гўзалликни ўта маҳорат билан кўрсата олганлигининг намунасидир. Н.Қўзибоев, Р.Тимуров, И.Хайдаров, А.Мирсоатов, А.Мўминов, А.Юнусов ва бошқа рассомлар ҳам табиатни мадх этувчи мафтункор манзараларни яратиб бердилар.

Айниқса, ўзбекона «Ховли» манзаралари алоҳида дикқатга сазовордир. (А.Юнусов, X.Усмонов манзаралари – 44-расм).

МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ

Бизни ўраб турган табиат чексиз ранг-баранг ва гўзал. Қуёшнинг ёғдуси ранглар оламига бекиёс гармония ато этади. У доимо, узлуксиз қишуёзда ҳам, баҳор ва кузда ҳам табиатнинг юзини очади.

Қорли тўфонлардан сўнг ўрмондаги қиши манзарапари ҳам мўъжизавийдир. Бошларига оқ телпакларини кийган дараҳтлар, жуда мафтункор, ерларда ва далаларда оқ, кристаллсизон марвариддек ялтирайди.

Баҳорда эса, табиатнинг ранглари тез ва бетакрор ўзгаради. Гарчи қорлар тугамаган бўлсада, унинг тагидаги дастлабки илк ўсимликлар - бойчечаклар бош кўтаради.

Ёз келади. Далаларда зангор, сафсар, бинафша рангли камалак тўлқини барқ уради.

Куз эса олтин. Чинакам олтин. Заъфарон барглар ички армонни эслатади. Ва лекин ҳаёт, табиат гўзалликка бой. У давом этади.

Замонавий манзара, оддий ва лекин мислсиз кўнгилга яқин, қадрдон. Каналлар қазилган, сунъий денгизлар қурилган, электр тармоқларини соч каби чўзилганлиги, нефть устунлари, улкан янги қурилишлар ва ҳоказо, кўплаб, она юртнинг қиёфасини кўрсатувчи белгилардир.

Инсон учун табиатдан завқ олиш, табиат қўйнидачалик бўлмаса ҳам, инсон нафақат табиатнинг энг чиройли ҳолатларини сезиш билан бирга, балки унинг маъюсона кўринишларини ҳам идрок этади. Манзара инсон руҳини мустаҳкамлайди, унинг қалбини бойитади. Ва қайсики инсон ҳаётни севар экан, рассомлар табиатни тасвирлашга уринаверадилар.

Айримлар манзарани тасвирлаш учун яхши кўринишли жой танлашгина кифоя қиласи деб ўйлайдилар. Бу нотўғри фикр, рассом табиатни кўринишидан нусха олмайди, у табиатнинг ифодали образини яратади. Манзара ўзида кайфиятни бериши, ўзида маълум мазмун ва ғояни акс эттироғи керак.

П.Жалиловнинг «Абадий уйқуда» картинаси унинг табиатни чуқур билиши натижаси ўлароқ яратилган. Абадий улуғ ва шиддатли булутлар тўфони, ва кичик мозордаги қўш дараҳт, буларни барчаси томошабинга таъсир қиласи. Ҳаётнинг моҳияти ҳақида чуқур фалсафий ўйларга олиб келади, табиатнинг абадийлиги ҳақида фикр уйғотади. Рассомнинг табиатни яхши билиши, тушуниши, кенг ва бепоёнлигидан таъсирланиши унинг учун умумлашма образ яратишга олиб келган ва ўзининг мураккаб тутғёнли мулоҳазаларини ифода этишга имкон берган (45-расм).

Рассом картина композицияси устида ишлар экан, унда фавқулотда ва ортиқча деталларни олиб ташлашга, умумлашган шакллар орқали умумий ранг гаммасини, кайфиятини, мазмуни ва ғоясини ифода этишга уринди.

Рассом Б.В.Иогансон табиат гўзаллигини бериш, унинг моҳиятини ифодалаш тўғрисида қайғуриб ёш рассомларга қатъий та-йинлаб шундай дейди: «. . . Барча ортиқчаликлар олиб ташлангандан сўнг, гармония ва

табиатнинг мусиқавий ҳалати қолади. Худди шугина инсониятнинг юрак торларига таъсир этади» *

Манзара устида ижодий иш олиб бориш композицион изланишлар ва кўплаб этюдлар ёзишни талаб қиласди. Этюдни картинада такрор қилиш ярамайди, чунки этюд асар ғоясига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Рассом аста-секин ўйланган обзор ва манзаранинг асосий деталлари шаклини, колоритнинг ҳолатини топиб боради.

Манзара устида ишлашнинг рангтасвири бошқа жанрлари билан умумий томонлари ҳам бор. Худди бошқа ердагидек манзарада ҳам мавзу танлаш, мазмунни топиш, асар ўлчами ва форматини аниқлаш, қисмларнинг ўзаро бир-бирига алоқадорлигини топиш, тасвирининг яхлитлиги ва бирлигига эришиш назарда тутилади. Композициянинг кўриш қонунлари манзара учун ҳам ишлатилади.

Бироқ, манзара композицияси айрим ўзига хосликларга ҳам эгадир.

Манзара учун характерли хусусиятлардан бири бу катта фазовий кенглик зарурлигидир, натижада шунинг ичидан фазовий планлар ва тасвирининг фазовий кетма-кетлиги келиб чиқади.

Биринчи план, манзаранинг ғоявий мазмунини очиб беришга ва масштабли идрок этишга, манзара қисмларини тонал ва катталик жиҳатдан тўғри тасаввур беришга ёрдам беради.

Манзарани куришда ер ва осмонни ўзаро ўлчамли ва мақсадга мувофиқ жойлаштириб олиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир қисмнинг ўлчамлари у ёки бу фикрни пластик тарзда ифодалашда рассомнинг мақсадига кўра мазкур ўлка учун характерли хусусиятларини кўрсатишида зарурий аҳамият касб этиши мумкин.

Яна шуни ҳам хал этиш зарурки, манзаранинг асосий объектларини тонал ва ранг муносабатларини ифодалаш ва шунингдек, шу икки асосий тушунча ичидаги бошқа катта планларни нисбатларини ҳам ҳал этиб олиш зарур бўлади.

Бунда, ерда: ўрмон, дарё, алоҳида қишлоқлар, қурилишлар, осмонда булутларни ва улардаги ёруғ сояларни назарда тутилмоқда. Бу объектларнинг тус ва ранг товланишлари яхлит гармония ёки уйғун колорит ҳосил қилиши зарур. Манзарада қандай ранглар ишлатилмасин, улар ягона ранг гаммасидан чиқиб кетмаслиги керак. Агарки, манзаранинг ранглари умумий гаммага бўйсунмай олдинга чиқиб кетар бўлса, бунда таркибий гармония бузилган ҳисобланади. Манзара композициясида манзара ҳосил қилувчи борлиқни мувозанати, турли оч ва тўқ силуэтли объектларни ритмик такрорланиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Манзарада объектларни фақат ўнга ёки чапга жойлаштириб қўйиши ярамайди. Холат юзасида уларни катта ёки кичик мувозанат билан жойлаштиришга харакат қилиш лозим.

Манзарада объектларни қатъий симметрик холда жойлаштириш тавсия этилмайди. Чунки аниқ симметрия табиий кўринмайди.

* Иогансон Б.В. «Молодым художникам о живописи». - М., 1980. 153- бет

Манзара композициясида кўриш нуқтасини танлаш ҳам асосий композицион ечимга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Горизонт паст олингандан, олдинги план предметлари улуг ва викорли кўринадилар. Бошка холларда горизонтнинг юқори олиниши яхши натижа беради: бунда манзара кенг, чуқур ва чексиз кўринади. Манзара устида ишлаш қўйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Қаламда эскиз бажариш;
2. Манзаранинг ғояси ва мазмунига жавоб берувчи натурадан қоралама ва этюдлар бажариш;
3. Тонал ранг эскизлари устида ишлаш;
4. Композициянинг ҳақиқий катталигида (картонда) эскиз бажариш.

Рангдаги эскиз этюднинг қандайdir такрорланмаси эмас, балки рассомнинг кузатишлари ва таъсирланиш натижасидаги ўйларининг танлаб олинган кўриниши ечими бўлиши даркор. Унда асарнинг образли шаклдаги ғояси, тасвирланаётган обьектга Рас-сомнинг муносабати акс этмоғи зарур. Манзара композициясида ёритилганлик ҳолати ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Манзаранинг рангли қурилиши ва унинг колорити бу ҳолатга бўйсуниши керак.

Эскиздан сўнг ранг билан натурал катталиқда якуний эскиз бажарилади. Манзаранинг чизиқли тасвири картондаги ишнинг энг маъсулиятли босқичидир. Картонда маълум форматда композицион жойлаштиришнинг масаласи узил-кесил ҳал этилади, чизилувчи деталнинг қисмлари жойлашиши ва ўзаро муносабатлари (нисбатлари) ҳал этилади. Бу иш жараёнида картинага материал йиғиш, манзаранинг алоҳида қисмларини натурадан қўшимча чизгилар қилинади. Этюд-материал рассом учун картинага механик тарзда олиб ўтиш учунгина эмас, ижодий мақсадни амалга оширмоқ учун ёрдам берувчи натуравий маълумотнома ҳисобланади (45-расм).

Амалий-аудиториявий иш

Биринчи машқ: Шаҳар манзараси чизиш (ўқитувчи раҳбарлигига). Шаҳарни деразадан, балкондан кўринган ҳолатини тасвирлаш ҳам мумкин. Кўплаб рассом ижодида қушлар учадиган баландликдан бино томларини кўзатиш ҳам бой материал беради ва композицияни уйғун ифодавий кўринишларини келтириб чиқарганини гувоҳи бўламиз.

Шаҳар манзараси композицияларида асосан перспектива қонуниятлари ва биноларнинг хажмий ва чизиқли ритмлари - динамик ёки тинч ҳолатда тасвирлашда катта рол ўйнайди. Шаҳар манзарасида хажмли шаклларни ва ритмликни беришда «ёруғ ва сояларни табиий ҳолда тасвирлаш ҳам яхши натижа бера олади. Бунда қуёшли кун ҳам, ҳаво булутли кун ҳам алоҳида ўзгариш ва таъсурат беради. Хатто, бир обьектни ўзгартирмасдан куннинг турли ҳолатида (эрта, кеч, ёки очик ва тунд кун) натурадан ишлаш ҳам бутунлай янги композиция яратилишига олиб келади.

Кўп планли манзарада биринчи план билан узоқдаги план оралиғидаги масофаларда ва ранг муносабатлари аниқ фарқланади. Ҳаракат ва ритм орқа планга йўналтирилган бўлади, улар йўқолиб борадилар, ўз қадамларини ҳам секинлатади.

Машқ ранг билан ишлаб тутатилади. Материал: акварель, гуашь.

Иккинчи машқ: Қишлоқ манзараси чизиш. Хотира ва тасаввурдан ишланади. Кўриш ва ҳаётий кузаташлар, айрим техникаларни жойлаштириш билан мотивни аниқлаб олинади. Табиий манзара ҳам эътиборда тутилади.

Учинчи машқ: Тасаввурдан ва хотирадан индустрисал манзара ишлаш. Манзара ҳаракатини талабани ўзи танлайди. Саноат ёки ишлаб чиқариш техникаларини жойлаштиришда ўзига хос ритмни ҳис қилиш ва ҳаётни ривожидаги унинг кучларини ҳис қилиш, уни ифодалаш ҳаракатлари бўлиши керак.

Тўртинчи машқ: Манзарани одам иштироки билан тасвирлаш. Бунда кузатиш материалари ва муқаддам бажарилган қоралама ва хомаки расмлардан фойдаланилади. Манзара фонидаги одам турган, юриб кетаётган, бирор иш бажараётган - жой-жойга қўйилиши керак (46-48 расмлар).

Уй вазифалари

Биринчи топшириқ: Шаҳар индустрисал манзараси ишлаш. Вазифа; композицияда куннинг холати ва йил фаслини қўрсатиш. Аввал композициянинг қоралама эскизи бажарилиб олинади. Сўнг натурадан давом эттирилади, этюд, хомаки расм ва этюдлар билан композицион изланишлар давом этади. Иш энг сифатли даражага боргунга қадар изланиш давом эттирилади.

Иккинчи топшириқ: Натурадан маълум ёруғлик етарли холатларидаги манзара этюдлари сериясини ишлаш. Этюдлар ишонч билан ишланади, шаҳар манзаралари алоҳида композицион вазифалар, перспектив ва ранг ўзгаришлари, пленерь рангтасвири қоидалари асосида олиб борилиши зарур бўлади.

ПОРТРЕТ - ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АЛОҲИДА ЖАНРИ

Тасвирий санъатнинг бу жанрига конкрет бирор инсон (ёки гурух кишилар)нинг ташқи қиёфаси тасвирланган асарлар киради. Ҳар бир портрет ўзида портретга олинган инсонгагина хос бўлган белгиларни ифода этади. Жанрнинг ўзини номи қадим франсуз сўзидан келиб чиқсан бўлиб «қандай белги бўлса, ўшандай тасвирлаш» деган маънони билдиради.

Ваҳоланки, портретда ташқи ўхшашлик, портретнинг бадиий қимматини белгиловчи асосий критерия эмас. Портрет санъати инсоннинг ташқи кўринишини ифода этиш билан бирга унинг қиёфаси орқали маънавий қизиқишлиари, социал ҳолати, Дунекараши - у яшаган ўша даврнинг типик

хусусиятлари мужассам этмоғи талаб этади. Шунингдек, рассом портрет олинувчига нисбатан хиссиз, ташқи ва ички хусусиятларини рўйхатга олувчи эмас, унинг моделга нисбатан шахсий муносабати, дунёқарashi, ижодий қарашлари шу асарда маълум бир изларини қолдиради.

Портрет санъати бир неча минг йиллик тарихга эга. Аллақачоноқ, қадимги Мисрда ҳайкалтарошлар одамнинг ички ҳиссиётларига чукур кириб бормасаларда, унинг ташқи қиёфасини етарли аниқлик билан ўхшатганлар. Грек усталари эса худолар ва афсонавий қаҳрамонларнинг, шоир, файласуф ва жамоат арбобларининг сиймоларни идеаллаштирилган ҳолда тасвирлаб ўзларининг гўзаллик оламига муносабатларини пластик ечим билан ифодалаганлар. Кескин психологик ҳарактерлиликни ҳайрон қоларли даражада ҳаққонийлиги билан қадими Рим портрет-ҳайкаллари ҳам алоҳида ажратиб туради. Ўзининг пайдо бўлиши билан буюк янгилик бўлган тимсолий-рамзий аҳамиятга молик бўлган портретлар Мисрда эрамиздан аввалги IV асрларда яратилган рангтасвир портретлари ишланганлиги маълум бўлди. Кейинроқ бу портретлар улар топилган жойни номи билан «фаюм портретлари» деб атадилар (49-расм).

Ўрта асрларда Европа санъатида диний-мифологик образлар қадрландилар, айрим усталар психологик жиҳатдан аниқ портрет асарлари яратдилар. Бунга мисол, Наумберг шаҳри соборидаги графиня Ута ҳайкали; Прагадаги авлиё Вита соборидаги ҳайкал-портретлардир.

Портрет санъати ўзининг энг гуллаган даврини Уйғониш даврида олади. Бу даврда олий-юқори янгиликнинг бошланиш сифатида инсон шахсининг улуғланиши санъатдаги оламшумул бойлик ва қаҳрамонлик деб саналди.

Улуг италян рассоми Тициан замондош шоирлар, алломалар, ҳукмронларнинг алоҳида портретларини яратди. Интелектуал қудрати, мустақил-ички самимий гармонияси билан тасвирланган унинг автопортрети (1560., Прадо музейи. Мадрид) алоҳида ажралиб туради. Рассом кичик Ханс Холбейн томонидан ишланган Шарл де Моретта портретида куч, яширин энергия, жиддийлик, ва жасурлик (1536., Дрезден галереяси, Германия) ифода этилади (50-расм).

Европа рангтасвирида биринчи планга камер, ҳиссиётли портретлар чиқди ва тантанавий ва расмий портретлар билан қарама-қарши қўйилди, бунда тасвирланувчини улуғлаш ва қўкка кўтариш мақсади илгари сурилди. Гениал голланд рассоми Рембрандт «Кария кампир портрети»да (1654., Д.Е.С.М.) оддий бир инсон қиёфаси орқали инсонийлик меҳру-саҳоватининг улуг бойликлигини кўрсатиб беради (51-расм). Рембрандт ўзининг бошқа гурух портретларида турли инсоний хусусиятлар, темперамент ва ҳиссиётларнинг кенг ва ранг-баранг гаммасини айнан, «Суқон цехининг улуғлари» ёки «Синдиклар» (1662., Рейксмюсеум, Амстердам) асарида ифода этади.

Испан миллий характерининг энг юқори белгилари - камтарона ирода, шахсий фазилатларни ҳис қилиш кабиларни бошқа бир рассом Веласкес

томонидан моҳирона тасвиrlанади. Машхур портретлар эса аёллар ҳақида қўшиқлардир (52-расм).

XVIII асрда эса портрет рус санъатида ҳам фаол ривожини топди. Рассомлар И.Н.Никитин, Ф.С.Рокотов, Д.Г.Левицкий, В.Л.Боровиковскийлар томонидан мураккаб ва қўпёқлама, нозик руҳиятли, камер ва тантанавий, қалб туғёнли, лирикага бой аёллар образи тасвиrlанган портретлар яратилди.

XIX асрнинг биринчи ярмида портрет санъатида асосий қаҳрамон сифатида орзули шахслар ифодаланди. Орзуманд ва қаҳрамона ҳаракатга мойил, тирик табиий юз ва гавданинг тетик ҳолатлари О.А.Кипренскийнинг гусар «Е.В.Давидов портрети»да (1809., ДРМ) яққол кўринади. Романтик ишонч ва орзу, маънавий кучи ижодкорнинг «Қўлда альбом ушлаган автопортрети»да (1848., Г.Е.Г) муҳрланган.

1860-1870 йилларда рус санъатининг демократик тарзда янгилиниши, реализмни дуёнга келиши, **кўчманчи рассомлар** ижодида тўла-тўқис рангтасвиrнинг ривожланишига катта туртки бериб юборди. Портретнинг алоҳида тури «портрет-тиپ» асосий ўринни эгаллади, қайсики одам бу ерда бутун бир психологик мураккабликлари билан тасвиrlанди, яъни унинг жамиятдаги роли баҳоланди, унинг индивидуал ва типик белгилари бир-бирига мос холда юзага чиқарилди.

Бундай асарлар қаторига Н.Н.Генинг «А.И.Герцен портрети» (1867., ДТГ), унинг кетидан В.Г.Перовнинг «Ф.М.Достоевский портрети» (1877, ДТГ) ва И.Н.Крамскойнинг «Л.Н.Толстой портрети» (1873., ГТГ), ва бошқа кўплаб замондошлар портретлари дунёга келди. И.Е.Репин инсонлардаги орзу-умидларнинг кучини катта темперамент билан «Н.М.Пирогов портрети» (1881, ДТГ)да кўрсатади ва у ўз моделларида бетакрор-конкрет, факат уларгагина хос поза, ҳаракат, юз ифодаси ва улар орқали шахснинг маънавий ҳусусиятлари ва унинг социал ҳаракатистикасини топади. Ички кечинмалар, артистона важоҳат «Актриса Е.А.Стрепетова портрети» (1882., ГТГ) да ифода этилган.

Кейинроқ Г.Р.Ряжскийнинг «Раис» (1928, ДТГ), Н.И.Струнниковнинг «Партизан» (1929, ДТГ), М.В.Нестеровнинг «Академик И.П.Павлов портрети» (1935., ДТГ) каби асарлар ўша йилларнинг алоҳида баркамол асарлари бўлиб қолди. Урушдан сўнгги йилларда ҳалқ хаётини тасвиrlашда, айниқса дехқон – юрт-дошларини қатор портретларида А.АПластов томонидан инсоний, иродавий ҳусусиятлари ифодаланди. Кутимаган композицион ракурслар, локал ранг контрастлари П.Д.Кориннинг ижодига хос бўлиб, улар кескин характерли ифодавийлик вужудга келтирган, Т.Т.Салаховнинг «Композитор Қора-Қораев портрети» (1960., ДТГ) ҳам алоҳида яхлит композицион воситаларига эга бўлган асарлардан ҳисобланади.

Миниатюравий портрет Шарқ мамлакатлари тасвирий санъатида ривож топган. Буюк Камолиддин Беҳзод чизган портретлар орасида Султон Ҳусайн Мирзо, Шайбонийхон портретлари диққатга сазовордир. Шунингдек Британия музейида сақланаётган Бобур портрети ҳам машҳурдир.

Маҳмуд Музахҳаб ишлаган Алишер Навоий портрети муносавирнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Бу асар Техрондаги Шаҳаншоҳ кутубхонасида сақланмоқда. Ҳиндистонда яшаган ҳам-юртимиз Мурод Самарқандийнинг ҳам Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб портретлари ва ўзининг автопортрети юксак маҳорат билан яратилган миниатюравий портретdir (53-расм).

XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек портретчи рассомларидан Лутфилла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Малик Набиевлар самарали ижод қилдирлар. Л.Абдуллаевнинг «Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов», «Йўлдош Охунбобоев портрети» (Узб.ДСТ) каби асарлари реалистик анъаналардан фойдаланиб моҳирона .

А.Абдуллаев биринчи ўзбек портретчи рассомларидан бири бўлиб, салмоқли ижод қилди. «Аброр Ҳидоятов Отелло ролидা», «Ойбек портрети» муаллифнинг бадиий етук асарларидан ҳисобланади. Рассом «Ойбек портрети»да буюк адабнинг сиймосини чуқур ва мукаммал очиб берилган. Рассом бу асарда инсон қиёфасини абадийлаштирибина қолмай, балки ҳамма юксак инсоний фазилатлар эгаси, оташ қалб, ҳаяжон ва ташвишга тўла буюк ёзувчининг жонли образини яратди (54-расм).

Раҳим Аҳмедов ўзининг «Сурхандарёлик аёл», «Она ўйлари», «Деҳқон» каби портретларида инсоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзуларини ва гўзал қалбини очиб берган (55-расм).

Малик Набиев асосан портрет жанрида кўп йиллар ижод қилди. Унинг «Беруний портрети» (1952., Ўзб. Д.С.М.), «Амир Темур» (1993,_) портретлари этalon сифатида қабул қилинган.

А.Абдуллаевнинг «Назарали Ниёзов» П.П.Беньковнинг «Қаҳрамоннинг онаси», «Миллий кийимдаги татар қизи портрети», С.Абдуллаевнинг «Генерал Собир Раҳимов портрети», Б.Жалоловнинг «Комил Ёрматов портрети» каби асарларда ҳам ўзига хос талқин ва ҳар бирида рассомларнинг ўз ижодий услублари сезилиб туради (56-расм).

Н а з о р а т с а в о л л а р и:

1. «Портрет» сўзи қандай маънода ишлатилади?
2. «Фаюм потретлари» ҳақида нималарни биласиз?
3. Тициан, Кичик Ханс Хольбейн, Рембрандт, каби рас-сомларнинг машҳур портрет асарларидан мисоллар келтиринг?
4. XVIII аср рус портретчи рассомлари ҳақида гапириб беринг.
5. О.А.Кипренский портретларини изоҳлаб беринг?
6. Кўчманчи рассомлар ижодида портрет қандай ўрин эгаллади?
7. Миниатюра портретлари ҳақида сўзлаб беринг?
8. Ўзбек портретчи рассомларидан кимларни ва қандай асарларни биласиз?

ПОРТРЕТ КОМПОЗИЦИЯСИ

Портрет рангтасвири инсонлар ҳақида унинг гўзаллиги, характеристи, идеаллари ва орзу умидлари ҳақида ҳикоя қиласди. Рафаэльнинг Сикстин мадоннаси юзидағи маюсликка қаранг, Ремб-рандтнинг кўпни кўрган қарияларининг доно чехрасини эсланг, Рубенснинг «Изабелла»сини ёдга олинг, Репиннинг Канини - бурлак ва философ. Қандай индивидуал ўзига хослик ва инсон характеристининг мафтункор образлари яратилган (57-расм).

Портретчи рассом инсон характеристи ва унинг индивидуаллиги устида ишлайди. Бу эса рассомдан чукур билим талаб қиласди, тасвирланувчи ҳақида ҳамма нарсани, унинг юз элементларини кўп томонлама образли ҳолатларини, энг асосийси эса, ҳаққоний, тушунарли ва образли ифодалай билишни талаб этади.

Инсонни ҳаққоний тасвирламоқ учун уни диққат эътибор билан узок кузатмоқ керак, шундай ҳолат, шундай позани, шундай кайфиятни топиш керакки, характеристининг хусусияти, сифатини тўлиқ ифодалаш мумкин бўлсин. Портретда «қалбни тутиш» керак, «кийимни ва танани эмас».

П.П.Беньковнинг «татар қизи» портретига прототип Терегулованинг ўз маҳалида улуғ рассомдан «тезда ишга тушмаётганлиги учун норози бўлгани»да, бу норозилик рассом ўзи истаган ифода бўлишини кутганлиги боис рўй берган эди (58-расм).

Портретда тасвирланувчининг индивидуал белгиларидан ташқари уни ўраб турган муҳит, касбкори ҳақида ҳам энг ўринли деталлар киритилиши керак. Кўплаб рассомлар портрет ишлайдилар, айримлари фақат бир кишининг характеристли хусусиятларинигина кўрсатади, бошқалари портретда замондошларининг умумлашган образларини тасвирлайдилар. Бу ҳолда иккинчи хил асарларга томошабиннинг муносабати эътиборли, аҳамиятли бўлади. Ҳақиқий портретчи энг характеристли қиёфа излайди, натижада теваракатрофни кузатиш ва ўрганиш билан битта қиёфада бир неча одамларнинг хусусиятларини бирлаштиради.

Рассом В.Серовнинг «Верочка Мамонтова портрети»да битта қиз қиёфаси орқали ҳар бир балоғат ёшида бўлган ўсмир қизларнинг умумий сифатларини беради. Рассом бу портретда ёшликтининг қайтариб бўлмас ёқимтой, ҳур поэзияси ҳақидаги тасаввурларини ифода этади. Шу боис ҳам бу асар ҳар бир одам қалбida жонли акс-садо уйғотади, ўзига ром этади (59-расм). Худди шундай фикрларни З.Серебрякованинг «Кўзгу рўпарасидаги қиз» (Автопортрет) асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин (60-расм).

Рассом шундай портрет композицияси топиш зарурки тасвирланувчининг характеристли белгиларининг аниқ, тушунарли ва образини очиб берсинг.

Композиция қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак:

1. Томошабин эътибори тасвирланувчининг бош қисми ва юзига қаратилиши керак. Портретда энг асосийси - бу юз ва унинг ифодаси айнан унда инсоннинг ички ҳаёти кўринади. Тасвирланувчининг кўзи ва лабини

тасвири, уни ифодавийлиги ҳам жуда аҳамиятлидир. Улар одамнинг ички мазмунли жумбогини очиб беришнинг ифодавий қалити ҳисобланади.

Портретда қўл ҳам кичик рол ўйнамайди. Ундан тасвирланувчининг қўлига қараб унинг касб-корини ва характери, саломатлигини аниқлаб олиш мумкин. К.Брюловнинг «Автопортрети»да лол қоларли даражада рассомлик касбини кўрсатувчи қўлини ифодалаган (61-расм).

2. Бошининг характери, бурилган, қия, юз мимикаси, қоматнинг туриши инсон характерини юзага чиқаради. Одам ўзининг табиий ҳолатида характерли позада, характерланадиган манерасида тасвирланиш лозим. Булар ҳаммаси композицион қуришнинг асослари ҳисобланади. В.Серовнинг «М.Ермолова портрети»- позани қойилмақом ифодалаш намунасидир.

3. Портретнинг образли трактовкаси ўраб турувчи муҳит, вазият, фон аниқловчи аҳамият касб этади. Масалан, Ермолова унга яқин бўлган театр фойесидаги девор ва кўзгу фонида тасвирланган. Фон томошабин эътиборини тортиб чалғитиш керак эмас. Репин қаттиқ туриб, ўз шогирдларига маслаҳат берар эдики, хусусий, майда нарсаларни қурбон қилишни ҳам билиш керак, шафқатсиз уларни холстдан чиқариб юбориш керак, айнан улар портретнинг бадиий ҳаққонийлиги ғалабаси учун хизмат қиласди.

М.Нестеровнинг таъкидлашича эса, «муваффақиятли фон - ярим якун дегани, уни тасвирланувчининг юзи, характери, характери Билан фаннинг органик боғлиқлиги алоҳида зарур. Бошқача айтганда фон тасвирловчининг ҳаётини ифодалайди.

4. Портретнинг ўлчам ва формати ҳам тасвирланувчининг бадиий ифода вазифаси учун бўйсуниши керак. Репин ҳар бир портретга мос инсоннинг асосий белгилари талаб этган форматини изларди. Формат танлаш тасвирланувчининг позасига ҳам боғлиқ.

Портрет натурал ўлчамдан катта тасвирлаш тавсия этилмайди, ҳар қандай картина албатта бироз узоқ масофадан кўрилади. Перспектив қисқаришлар билан ўша масофада тасвир ўзининг, агарки у натурал ўлчамда ёки бироз кичикроқ тасвирланган бўлса табиий ўлчамида кўринади.

Портрет санъатида ўхшашлик бўлиши шарт. Натура билан ўхшамаса у портрет ҳисобланмайди. Портрет - энг аввало хужжат. Лекин бу хужжатлилик фотосуратнинг тасодифий хужжатлилигидан фарқли ўлароқ, инсоннинг энг ҳарактерли белгиларнигина беради. Портретдаги ўхшашлик ташки белгиларини ва одам характерининг кўзга ташланувчи сифатларини умумлаштириш натижасида келиб чиқади.

Формалистик оқим тарафдорлари рангтасвир ҳақида, портрет санъатининг манбааси нореал шахсдир, хусусан рассомнинг одам ҳақидаги тасаввури ҳисобланади деб таъкидлайдилар. Бу билан улар ўзларини одам тасвирини чизишда эркинликларини ва ташки дунё билан алоқасизликларини оқлайдилар. Уларнинг асарлари тарқоқ, ранглар ўта ёрқин, одам образи совук декоратив схема шаклида кўзга ташланади. Кўзлар гўё қалб ойнаси эмас, худди бошнинг «атрибути» бўлиб тасвирланади. Факат муаллифгагина

тушунарли бўлган «лаконизм» турли-туман тарқоқ шакл ва схемаларнигина ифода этади.

Аслида портретда одамнинг психологияси унинг ҳислари ва орзулари юзага чиқиши керак.

Портрет мазмунига кўра, композицион ечимни танланишига қараб: бош қисм портрети, кўкрак қиёфали портрет (бюст), ярим гавдали портрет, тўлиқ гавдали портрет, портрет-картина, гурухли портрет, автопортрет, миниатюравий портрет ва бошқаларга бўланади.

Амалий-аудиториявий иш

Биринчи машқ: Берилган мавзуда портрет композицияси ишлаш. Вазифа; талабани энг аввало постановка қўйишга ўргатиш; иккинчидан, композицион портрет ечимини топишга ҳаракат қилиш, учинчидан, бўлғуси композицияга материал яратиш: Портрет композицияси ярим гавдали, кўлни ҳаракатларини тасвирловчи этиб жойлаштирилиши мумкин.

Иккинчи машқ: Тасвир бўйича портрет композицияси ишлаш. Бунда образли холат, типиклик, ҳаракатли қиёфа, кийиниши, каби ташқи белгиларга эътибор қаратиш билан, композицион портретнинг ички ҳиссиётларини ифодалаб беришга ҳаракат қилинади.

Учинчи машқ: Аввалги шуғулланган машқларнинг мантиқан давоми бўлиб, бунда, талабанинг эркин мотив танлашига имкон берилгани холда, яқдил композицион ечим топилади. Тахминан қўйидаги мавзуда портретлар яратилиши мумкин: «Дўстим портрети», «Она ўйлари» «Замондошим портрети» ва шунингдек, тарихий ва таниқли кишилар портрети.

Үй вазифалари

Биринчи топшириқ: Қўйидаги мавзуларда портрет композицияси ишлаш: «Ўқитувчи», «Спортчи», «Зиёли», «Ишчи» «Тарихий ёки таниқли инсон образи».

Якуний рангли эскиз бажарилади. Материал: картон, холст, мойбўёқ, гуашь, темпера.

Иккинчи топшириқ: Автопортрет ишлаш; Бунда ўз-ўзини кузатиш кўзгу ёрдамида, фоторасмлар, яқинларниг фикрлари асосида, асосан ўзига-ўзи баҳо бериш, ўзини ўзи тасаввур қилиш асосида ишланади. Ёрдамчи фон, детал, тасвирий услуби танлаш ихтиёрий. Кўпроқ вертикал формат тавсия этилади. Аввал кичик ўлчамда рангли эскиз ечими бажариб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчи топшириқ: Ҳаётий кузатишлар асосида «Мен севган қаҳрамон портрети» мавзусида ишланади. Бунда тарихий кишилар, мутафаккирлар, асар қаҳрамонлари, мифологик образлар, яқин таниш-билишлар портретларини образли холда эскизи ишланади. Изланишлардан сўнг яқдил композиция эскизи ишланади. Ўлчам, материал ихтирий танланади.

БИР ФИГУРАЛИ КОМПОЗИЦИЯ

Портретларда конкрет бир одамни барча характерининг индивидуал хусусиятлари ташки кўриниши, қоматининг тузилиши, мимикаси элементларида акс этади ва унинг қиёфасида маълум категорияларга таалуқлилиги, унинг касби ёки жамиятнинг у ёки бу тоифасига мансублиги аниқланади.

Бунга И.Е.Репиннинг «Рухоний» асари яққол мисол бўла олади. Портрет ниҳоятда ўхшашлик билан ишланган ва унинг юзи, қўли ва унинг хукмрон ҳолати рассомнинг умумлашма образ яратишига олиб келган. Портретнинг индивидаул белгиларидан социал тип яратилган.

Демакки, портретларда шундай вазиятлар бўладики, сюжетли деталларнинг қучайиши унинг жанрли ёки тарихий «ҳикоя» томонга ўтиб боришига, портрет ўз специфик хусусиятларини йўқотиб, охири портрет-моделлар ишнинг ҳукмига кўра, жанрли ёки тарихий соҳанинг қаҳрамонига айланишига олиб келади. Худди шунга ўхшаб, гуруҳ портретларда эса баъзан жанр чегаралари бузилиб кетади. Масалан, замонавий санъатда жанрлар кўшилиб кетиб, ўзаро бир-бирини бойитганини ҳам учратиб қоламиз.

Портрет билан бир фигурали композиция ўртасида жанр рамкасини йўқолиб кетиши, яъни унинг портретдан фарқи ёрқин ифодавий анъаналар билан боғланган ифодавийликда кўринади. Масалан, Н.М.Крамскойнинг «Қайғу», А.А.Дейнеканинг «Тракторчи» Р.Аҳмедовнинг «Она ўйлари», «Чўпон», Ф.Абдураҳмоновнинг «Хокимият эгаси», П.Беньковнинг «Дуторчи қиз», Н.Кашинанинг «Чилдирмачи» асарларини олиш мумкин (62-расм).

XVI аср немис портретчи рассоми Кичик Ганс Гольбейн асарларида жуда синчковлик билан қимматбаҳо тошлар, нақшлар, кашталарни бемалол чизади. Бу омиллар композицион яхлитликка ҳалақит қилмайди. Юз кучли ёруғлик кучи билан чизилган, шу боисдан жуда аниқлик билан ишланган деталлар асосий образни янада улуғвор даражада кўрсатишга хизмат қилган.

Асарда деталлар сонини индивидуал, алоҳида талаб билан ечиб берилади, лекин шундай қонуниятлар ҳам борки, рассомни муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин, бунда айрим ифодалашга ҳаракат қилинган характерли ва типик белгилар эҳтимол кам ифодали бўлиши мумкин. Улар катта шакл ва деталлар контрасти иштироқи билан, образни аниқ идрок этишга ҳалақит қилиб ортиқча детализация таассуротини бериб қолади.

Рассом Р.Аҳмедовнинг «Она ўйлари» асарида 1956 йили Бурчмулла қишлоғида икки ўғли урушдан қайтмаган, меҳнатда қадди букилмаган мардона кекса аёл тасвирланади. Онанинг кўпинча қарияларга хос ўйчан, ҳаёлга чўмиб ўтириши, онадан эрта етим қолган рассомни тўлқинлантириб юборади. «Она ўйлари» картинасида фигура бироз олдинга чиққан. Ёнғоқ дарахти ёнида ёстиққа суяниб тиззасига қўл панжаларини саранжом қўйиб, ҳаёлга чўмган аёл қиёфаси, композиция жиҳатидан жуда муваффақиятли топилган классик мавқега эга. Аёл юзидағи чуқур руҳий холат, унинг ғамгин

юзидаги катта ёруғ кўзларида, меҳнатда тобланган юз чехрасида ўз ифодасини топган. Гавда «силуэт»и аниқ, енгил ранглардаги манзара фонида, кўк, бинафша, пушти, яшил, сариқ рангларда маҳорат билан тасвирланган.

Амалий-аудиториявий иш

Биринчи машқ: Меҳнат қилаётган эркак киши тасвирланган бир фигурали композиция ишлаш. Бунда бир фигурали композициянинг асосий хусусиятлари қисқа очерк шаклида қурилиши, қаҳрамоннинг ички кечинмадаги холати, гўёки томошабин қаршисидаги унинг «монологи» дек кўрсатилади. Унда юз мимикасининг ифодавийлиги, фигуранинг ҳаракати, кўлнинг ҳаракатчанлиги кабилар билан инсоннинг психологик ҳолатини акс эттириш назарда тутилади. (Шу ўринда Н.И.Крамскойнинг «Изтиробли дард», Р.Аҳмедовнинг «Чўпон», Р.Абдуллаевнинг «Назарали Ниёзов портрети» асарларини ёдга олиш ўринли бўлади)

Иккинчи машқ: Меҳнат қилаётган аёл киши тасвирланган бир фигурали композиция ишлаш. Бунда энг аввало аёл фаолиятининг бир холати танланади, унда чизилувчининг ташқи ўхшашлиги орқали маълум бир фаолиятидаги аёлнинг ўрни, унинг яратувчанлик билан гўзаллиги ортиши (ёки номувофиқ меҳнат билан унинг қадрини пасайтириш) кабилар акс эттириш назарда тутилади. Асосий фигуранинг рассом томонидан топилган мимика, турли, динамик ва пластик холатлар қўшимча деталлар билан мустаҳкамланади. Деталларни иштирокида унинг ўрнини ўз жойига қўйиш катта аҳамият касб этади.

Учинчи машқ: Эркин мавзуда бир фигурали композиция бажариш. Бунда танланган фигура - инсоннин ёши, жинси, касби, яшаган замони чекланмайди. Талабага ихтиёрий эркин ижодий композиция яратиш топшириллади. Ўлчам, материал танлаш ҳам ихтиёрий, изланишлар маълум бир қолипга тушгач, форматни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўй вазифалари

Биринчи топширик: Эркаклар меҳнати тасвирланган касб-корликка оид композиция ишлаш. Бунда албатта касбий белгилар ифода этишга ҳаракат қилинади.

Иккинчи топширик: Аёл кишилар иштирок этувчи меҳнат билан банд ёки бирор машғулот билан шуғулланаётган холатидаги композиция ишлаш.

Учинчи топширик: Юқоридаги эркин мавзули композицияни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилиш. Бунда асосий эътибор, талабанинг мавзу танлаш, композицион ифода топиш изланишлари, унинг алоҳида услуб билан ишлашига уринишлари ва бунга нечоғли эришганлиги назарга олинади.

МАВЗУЛИ ВОҚЕАБАНД КАРТИНА КОМПОЗИЦИЯСИ

Мавзули рангтасвир энг аввало, тасвирий санъатнинг майший, тарихий, батал (ҳарбий) ва мифологик жанрлари билан боғланади. Бундай картиналарни «жанрли композиция» деб ҳам юритилади. Жанрли картина композицияси ғоявий фикр билан тасвирланади. Ҳар қандай «саводли» жойлаштиришга эга картина ҳам, бирор ғояни чукур ҳал этмаса, у санъат асари бўла олмайди.

Композиция устида ишлашнинг барча жараёнлари бу ғоявий фикрни бойитиш, ҳар томонлама қайта-қайта ишлаш ва реализация қилиш жараёни ҳисобланади.

Машхур рассомларнинг айтишича инсонни тўлқинлан-тирадиган ва тинчлик бермайдиган қандайдир бир ғоя туғилгандагина дархол эскиз қилинади.

Композиция устида ишлаганда сохта вазифалардан келиб чиқмаслик ва картинани қандайдир бир мазмуний геометрик схемалар асосида қуриш керак. Бунда фигуralарни диагонал, айлана, учбурчак асосида қуриш ва ҳоказоларни назарда тутилмоқда. Токи қизиқарли мавзуни топмасдан туриб, композиция билан шуғулланиш ярамайди.

Мавзу деганда рассом ўйлаган, ўзининг яратилажак асарида ифодаламоқчи бўлган ҳиссиёт ва фикрлар, ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Мавзу албатта чукур билим доирасида. ҳаётий воқеалар ва тажриба асосида туғилиши керак, мавзу «долзарблик»ни рўкач қилиб, мажбурий ва сохта, нотабиий ҳолда танланмайди. Агарки, рассом одамларга айтиладиган ички янгилик, қандайдир воқеанинг зарур ва аҳамиятли томонини кўрсатмаса ва ўз қобилиятига қараб мавзуга киришмаса, у асар яратилмайди. Композицияда «ғоя» ва «мавзу» тушунчаси баъзан аниқ ҳолда ёритилмаслиги ҳам мумкин.

Агарки, мавзу топилиб ва рассом унга қизиқсан бўлса, тарихий, хужжатли, портрет ёки манзара материлларини ўрганиш учун астойдил иш бошланади. Бундай материалларни ҳар томонлама чукур ўрганиш билангина ижодий тасавурда картина мазмуни яққолроқ намоён бўлади.

Тасвир ғояси, мавхум кўринишдаги чизиклар, шакл ва бўёқларда эмас, балки жонли, конкрет образларда ифодаланади. Картинада персонажларнинг гавда ҳолати, туриши, уларниг руҳий ҳолати мотивлаштирилган ҳолдагина тасвир мазмунни жонлантиради ва бадиий образга айлантиради. Ҳар бир реалистик асарнинг зарурый асоси мазмунли воқеани топиш билан белгиланади. Мазмунни эса, ҳаракатдаги одамлар сони, уларнинг жойлашиши, гавданинг ўлчами, кўриш нуқтасини танлаш ва бошқа шу кабилар белгилайди.

Бир мавзунинг ўзи турли хил мазмунда ёритилиши мумкин. Масалан, урушга қарши мавзуларда гарчи барчасининг мазмuni, воқеаси ҳар хил бўлсада бир нечалаб машхур картиналар яратилган.

Рассом учун мазмун дарровгина топилмайди, балки ўйланган мавзуни чукур ва тўлиқ очиб бериш имконини берувчи композицион ечим изланилади, токи, унинг қўнгилдагидек аниқ, тушунарли ифода топилмагунча жуда кўплаб қораламалар қилинишига тўғри келади. Мазмун топиб олингач эса, шу заҳотиёқ композиция эскизи устида тинимсиз, заҳматли иш бошлаб юборилади. Биринчи эскизлар кичик ўлчамда бўлгани маъқул. Асосий композицион қурилишларни жойлаштириб олиш енгилроқ бўлиши мақсадида шундай формат танланади.

Эскиз - бу картина лойихаси, картина устида ишлашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Эскизда қофоз ёки холстнинг формати, тасвирни ўлчами, кўриш нуқтаси, горизонт баландлиги аниқлаб олинади. Эскизнинг турли вариантларида ечимнинг энг мақбул, тушунарли ифодасига эришиш лозим, обьектлар предметларни ишонарли жойлаштириш, фигуralарни гурухлаштириш, ғоявий марказни топиш, томошабинни асосий эътиборини тортадиган бўлиши лозим. Ҳар бир фигура ёки детал ўзини умумий ғояси ичida алоҳида аҳамиятли ўрнини топиши ва барча вазият мавзуни очиб бериш учун ҳизмат қилиши керак.

Тасвирий санъатда театр ёки адабиётдан фарқли ўлароқ фақат бир момент, ёки бир зумлик он тасвиранади. Ҳаракат концентрацияси ягона тасвирий моментдаги композициянинг қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, образли ечимнинг қучи вақтнинг маълум бир нарсасини идрок этиш билан боғлиқ бўлади. Картина композицияси шундай тузилиши керакки, томошабин ундаги воқеанинг давомийлигини ва бу саҳнада нима воқеа бўлиб ўтганини ва нима бўлишини ҳис қилсин. Мана шу ҳолдагина картинада ҳаёт ҳаракати берилади, у қуруқ ва жонсиз, ҳаракатсиз бўлиб қолмайди.

Эскизда композицион ечим ҳал этилгач, (персонажларнинг ҳаракати ва ҳолати, уларнинг психологик ҳарактеристикаси, кийиниши, вазияти, ва бошқ) картина учун **этюд бажаришга** ўтилади. Бу ишни яхшироқ бажариш учун, картина ҳолатини ёритиш мақсадида алоҳида бир типаж топиш зарур бўлади. Қоралама ва этюдларни албатта картина воқеаси тасвиrlанишига мос ҳолдадаги вазият ва ёритилганлик шароитида бажарилиши шарт.

Масалан, М.Е.Репин 1878 йилнинг ёзида биринчи марта «запорожъелик казакларнинг турк сultonининг асир бўлишга ундовчи хатига жавоб»и билан танишиб қолади. Казакларнинг бу жавобидан рассом қаттиқ хайратга тушади. Уни эркин, ҳеч қачон ҳеч ким томонидан забт этиб бўлмаган Запорожье Сечи юртининг қаҳрамонона руҳияти қоплади. Ва у картина ёзиш иштиёқи билан ёниб юради. Биринчи марта Абрамцевада картина мазмунини қораламасини қилади. Унда эркин, кулишаётган казаклар образи кўрсатилади. Сўнг бироз вақт ўтгач биринчи рангтасвир эскизини чизади. Барча саҳнани рассом томошабинга яқинлаштиради, асосан казакларнинг юз ифодаси ва ҳаракатларига, уларнинг ҳарактерли киёфаларига эътиборни тортади. Орқа планда қуёш ёғдусида ялтираб турган Днепр дарёсини тасвиrlайди. Воқеа вақти мажор, тасвиrlанаётган воқеага мос ҳаётий-кувончли, тантанали ифодасини топган.

Бу эскиз фақат ижодий ишнинг бошланиши эди. Репин тарихни, даврни, теварак-атроф муҳитни чуқур ўрганмасдан туриб ишни давом эттиришни тасаввур ҳам қила олмасди. Шу боис, шогирди ёш В.Серов билан 1880 йили Украина Запорожье Сечи жойлашган ерга келади.

Репинни казакларнинг характерли типлари қизиқтиради. Украин манзараси ва асосан украин миллий характери белгилари: табиий онги, жасурлик, ўзига ишонч, ва юмор. Репин деярли барча Запорожье черковларига борди, уларни ички кўриниши ва буюм-анжомларини чизди, шунингдек, казакларнинг байроклари, милтиқ, қиличлари, кийинишидаги ҳарбий фарқли белгиларини ўрганиб чиқди. Хомаки расмлар билан бир неча альбомларни тўлғазади ва шундан кейингина навбатдаги ишга киришади.

Репин биринчи вариантидаги рангтасвир эскиздан фарқли ҳолда холстнинг форматини катталаштиради. Воқеада қатнашувчи шахслар сонини кўпайтиради ва айрим фигуralарни бутунлай олиб ташлайди. Казакларни бутун галаси билан яхлит бироз орқароқقا олади ва картина мазмунли майший кўринишда эмас, балки қаҳрамонона мазмундаги тарихий картина сифатида кўрсатишга уринади (63-расм).

Картина устида ишлаш жараёнида Репин ўзининг қаҳрамонлари портрет-характеристикасидаги камчиликларни сезиб қолади ва 1888 йили Запорожье казакларининг авлодлари яшаётган Кубанга боради. Қария казакларнинг юзидаги чуқур ажин ва тиртиқларида у энг аввало донолик, бой ҳаётий тажрибаларни ва қаҳрамонона ҳаракатлар қила оловчи ҳалқ тимсолини кўради. Масалан, оддийгина, кичик бир станцияда яшовчи Василий Олешкода у, доно ва жасур запорожьеликлар атамани Иван Серконинг характерловчи белгиларини кўради ва ўз ўрнида картинага киритади ва кўплаб натурадан қилинган этюдларни дўстлари танишибилишлари ичидан ўзига керак бўлган образлари учун қиёфаларини топиб тасвиrlади ва 1891 йили картинани тугаллади.

В.И.Суриков бежиз айтмаган: «Мен аввало қадимијустозларнинг картиналаридаги композицияда ҳамма нарсани кузатдим, шундан сўнг уни кўришга ўргандим».

К.Беҳзоднинг «Эски мачит қурилиши» асари ҳам мавзули воқеабанд композициядир (64-расм).

Назорат саволлари

1. Мавзули рангтасвир тасвирий санъатнинг қайси жанрлари билан боғланади?
2. «Қизиқарли мавзу» деганда нималар тушинилади?
3. Композицияда воқеа мазмунини нималар белгилайди?
4. Эскиз нима? Унда нималар тасвир этилади?
5. Картина учун этюд бажариш деганда нималар назарда тутилади?
6. Машхур картиналарни яратилиши ҳакида сўзлаб беринг.

Амалий-аудиториявий иш

Биринчи машқ: «Ҳосилни йиғиб-териб олиш» мавзусида композиция ишлаш. Энг аввало, мазмунга киругчи воқеа ва унда иштирок этувчиларни танлаб олинади, тонал ечимларда изланишлар олиб борилади. Улар орасида, шубҳасиз бирортаси ўзида берилган мавзуни маълум даражада ёритган бўлиб чиқади ёки маълум пластик, динамик ёки ифодай ютуқлар кўзга кўринган бўлади. Мақсадга мувофиқ деб топилган изланиш давом эттирилади. Ўлчам 4F1 нисбатда қағоз ўлчамида бажарилади. Материалги гуаш, тушь, акварель.

Иккинчи машқ: «Қурилишда» номли воқеабанд композиция ишлаш. Қурилиш билан боғлук бўлган ҳаётий воқеалардан бири танланади. Бунда, албатта воқеанинг мазмунан боғланишда бўлиши, композицион мазмун маркази, ритм, мувозанат, симметрия ва асиметрия ва бошқа асосий ва ёрдамчи деталлардан унумли фойдаланиш назарда тутилади (шу ўринда К.Беҳзоднинг «Эски мачит қурилиши» миниатюрасини ёдга олиш ўринлидир). Бу машқда ҳам албатта изланишлар билан мақсадга борилади.

Учинчи машқ: «Ёшлик», мавзусида воқеабанд композиция ишлаш. Бунда замонавий ишлар, харакатли ва типик холат образли акс эттириши мақсад қилиб қўйилади. Ёшларнинг меҳнати, ижодкорлиги, баҳс ва мунозарали ҳаёт тарзи, романтикага берилган онлар, яратувчанлик, спортдаги ютуқлар ва ёшлик гашти, ҳалқ ҳашарлари, байрамлардаги ёшларни иштирокининг энг характерли пластик ечимларини топиш мақсад қилиб қўйилади.

Уй вазифалари

Уйга берилган топшириклар юқоридаги берилган мавзуларда бўлиб амалий-аудиториявий ишлар давом эттирилади, уни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилинади. Шу мақсадда етук рассомлик асарларидан ижодий фойдаланилади.

Талабаларнинг композицияларида учрайдиган асосий камчиликлар: - ечимдаги такрор ва бир хиллиқ, тақлид ва бошқа композиция усулларини қайтариш, характерли типажларни танлашдаги камчилик, фигуralарнинг позаси ва ҳаракатларидаги мужмалликлар кабилардан иборат эканлигини доимо назарда тутиш зарур.

ҮШ-боб. ГРАФИКА - ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АЛОХИДА ТУРИ. ГРАФИКА САНЪАТИДА КОМПОЗИЦИЯ

Инсон графика асарларига умр бўйи ҳар қадамда дуч келади. Чизма тасвир ва гравюралар мустақил ҳолдаги, тугал фикрли санъат асарлари ҳисобланади. Плакатдаги ёки китобдаги шрифтлар, плакат, алоқа маркалари, журнал иллюстрациялари ва газета карикатуралари, турли товарлар упаковкалари, рангбаранг этикеткалар, театр ва киноафишалари, йўл ва товар белгилари ва хатто идораларнинг иш қоғозлари - ҳаммаси дастгоҳли ва санъат графикасининг намуналари ҳисобланади.

Хўш, унда графика ўзи нима?

Графика - грекча «графо» - «ёзаман», «чизаман», «расм соламан» деган маъноларни билдиради. Демак, графика - аввалом бор бу расм, чизиқли, аник, тўғри, оқ-қорага мосланган тасвирдир, шу сабабли бу санъатда оқ қоғоз бу оқ рангни, қора қалам, кўмир ёки бошқа «қуруқ» бўёқли материаллар қоралик вазифасини ўтайдилар,

Графикани икки хил тури: аввало, қоғоддаги қалам тасвир графикаси, сўнгра, босма нашр графикасига ажратилади.

Чизматасвирни тасвирий санъат тури сифатида энг қадимий деб таҳлил қилиш мумкин, зероки, бунда албатта ибтидоий одамнинг қояга чизилган тасвирларини назарга олинади. Албатта чизиқли расм ҳайкалтарошлиқ ва амалий санъат билан параллел равишда ўсиб борди ва уларнинг таркибий зарурий қисмини ташкил қилди. Чизиқли тасвирларнинг энг юксак намуналарини бизга чизиқ ва силуэтга асосланган антик қўзалар тасвирлари (вазопись) беради.

Асосий мустақил санъат тури сифатида чизиқли тасвир (рисунок) XV аср охири XVI аср бошларида юзага келган. Авваллари у гўё бўйсунувчи, картина, ҳайкал, фреска, gobelen устида ишлагандан тайёрловчи асос сифатида қаралган, кейин эса, дастгоҳли санъатнинг бошқа турлари қаторида мустақил бадиий аҳамият касб эта бошлаган.

Тарихий тараққиёт жараёнида чизма тасвирга, (босма нашр графикасига ҳам) ранг кириб борди, ҳозирда графикага рангли бўрлар - пастель, рангли гравюра ва сувли бўёқлар; акварель ва гуаш билан ишланган тасвирлар ҳам киритилади.

Ер юзининг йирик музейларида ўта эҳтиётлик билан қоралама ва хомаки тасвирлар, ниҳоятда нозиклик билан ишланган маҳобатли безак ва картиналарни чизма образлари, давомли даражада ўта нафис ишланган тасвирлар сақланмоқда. Кўплаб музейларда энди маҳсус сақлаш хонаси (омборхона) - графика кабинетлари мавжуд.

Агар рангтасвирчида бўёқлар тўлиқ палитра бўлса, графикачи-рассомда одатдагидек фақат чекланган ранглар бўлади. Бу эса, табиий алоҳида қийинчиликлар туғдиради. Графикачи «шартли» оламда тургандек, ранглардан ташқарида ва одмигина воситалардан фойдаланиб, олам ҳақида хеч ҳам кам таассурот бермайдиган жонли кўринишларини яратадилар. Улар кўпинча биттагинадир, бундай ягона экземплярда яратилган тасвир эса улуғ ва бебаҳодир.

Босма-нашр графикаси бу суръатни кўплаб нусҳада кўпайтириб бериш имконини беради. Бу графиканинг асосий тури бу **гравюра**

хисобланади. Гравюра ёғоч, метал, тошда яратилади. Гравюралаш усулиниңг энг қадимиңи XV асрда Ғарбий Европада ва XVI асрда Россияда қўлланилган. Ксилография - ёғоч гравюраси хисобланади. «Ксило» грекча «ёғоч» дегани бўлиб у асосан гравюра усули, яъни «ёғочда гравюра ишлаш» деган маънени билдиради.

Гравюра - французча феъл сўздан олинган бўлиб, «гравюра» - «кесмоқ» маъносини билдиради. **Линогравюра** эса линолеумда ишлаш усули хисобланади. Гравюра усули билан босиб олиб чиқарилган тасвириларни **эстамп** деб аталади. Литография ҳам гравюрага киритилади (65-расм).

Босма юзини шакли тайёрланишига қараб икки хил: а) бўртма ва ўйма, б) чукур турларига ажратилади. Рассомнинг китоб устида ишлаши ҳам графикида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз.

XIX асрнинг иккинчи ярмида шахар кўчаларида графиканиң алоҳида тури сифатида товарларни тарғибот қилувчи, театр ва кўргазмаларга чорловчи плакат пайдо бўлди. Шундан бери плакат майший ҳаётимизга чукур кириб борди, усиз ҳар кунги ҳаётни ҳам тасаввур этиб бўлмай қолди.

Графиканиң энг муҳим зарур турларидан бири сифатида **саноат графикаси** тури сўнгги йилларда жуда юқори ривожланиш босқичига чиқди. Саноат графикаси рассомлари товарлар упаковкаси, фабрика ва фирмаларнинг белгилари, ёрлиқлари, алоқа маркалари, афишалар, театр дастурлари, этикеткалар, ҳаёт учун зарурий хилма-хил маҳсулотлар устида ишлайдилар.

Гўзал ва шинам нарсалар устида дизайнер-рассомлар ишламоқдалар. Шунингдек, графика санъатининг яна бир соҳаси бу архиграфика (архитектура-графика)дир. Замонавий шаҳарларнинг шиддат билан бетўхтов ўсиб борувчи мароми, саноқсиз транспортлар қатори, мураккаб кўча занжирлари, аллақанча кўрсатгич ва йўл белгиларини яратиб беришни талаб этади. Табиийки бу ишга рассомлар жалб қилинади, қайсики, улар шахар магистраллари характерини, пиёда ва хайдовчиларнинг психологиясини хисобга олиб, замонавий, шахар ичида бемалол юриш, шахар типографиясини яхши билиб олишга ёрдам берувчи кўрсатгич ва йўл белгиларини, график асарлар композицияси системасини яратиб берадилар.

Дастгоҳли ва китоб графикаси композицияси ҳам тасвирий санъатнинг бошқа барча турларига хос бўлган композициянинг асосий қонунларига суюнади. Композициянинг усуллари ва воситаларидан графиканиң ўзига хослигини хисобга олган ҳолда фойдаланилади.

Графика санъатининг энг асосий ўзига хослиги чизиқли тасвирининг бош ролдалиги, энг аввало график материаллар: қалам, кўмир, тушь, сангина, соус ва бошқаларни ва графика техникаси билан боғлиқлиги: штрих, чизик, доғ ва бошқалар, усуллар эса: символ, гипербола, гротеск, аллегория ва бошқалар асосида юзага чиқиши хисобланади.

Графика рангтасвир ва хайкалтарошлиқдан фарқли равишда унинг тасвирий деталларида ҳажмли нарсалар фазода тасвирланмайди, нарсалар

худди ўқилгандек фикр билан берилади. Графикада чизиқли тасвир асосий ўринда туради, гарчи айрим график тасвирилар (эстамп, иллюстрация) рангли тасвирда берилса ҳам, яъни суратнинг аниқ ва лўндалигини таъминлаш учун контурлар, штрихлар, нуқталар, ёйсимон шакллар, ёзувлар тасвир устига чизилиш мумкин.

Графикада реал нарсаларнинг табиий ранглари ҳам шартли ранглар билан мослаштирилади ва колористик ранглар ҳосил қилинади. Яъни, чизиқли, штрихли, контурли ҳолда оқ-қора тасвирда берилади.

Графиканинг шартлилиги унинг ҳар-хил тур ва жанрларида турлича тасвирланади. Масалан, декоратив - шаклли доғ, шакл ҳам, силуэт ҳам узоқдан кўринувчи қилиб тасвирланади. Карикатурадаги шартлиликда эса, сатирик жанрнинг умумий метафорлигига амал қилинади, бунда тушунча ва функциянинг аралаштириб юбориш, ўхшашлик, таққослаш, аналогик асосларга таянилади. Графикада қоралама тасвир характеристидаги тасвирилар кўп ишлатилади. Шундай бўлса-да, ёруғ-соя аниқ тасвирланади. Текислик кўпинча фон вазифасини ўтайди. Ранглар ёрқинлиги, хиалиги ижобий ва салбий ҳолатларга бўйсундирилади. Иллюстрацияларда тонал ечимлардан фойдаланилади.

Н а з о р а т с а в о л л а р и

1. Графика нима?
2. Графика санъатининг энг қалимий намуналарини биласизми?
3. Мустақил санъат тури сифатида чизиқли тасвир (рисунок) қачон юзага келган?
4. Графиканинг ўзига хослик томонлари нималардан иборат?
5. Ксилография, гравюра, моногравюра, литография каби графика турларига тавсиф беринг. Эстамп нима?
6. Саноат графикасини қўлланилишига мисоллар келтиринг.

ПЛАКАТ САНЪАТИ

Тасвирий санъатнинг оммавий ва оммабоп бу тури ҳаммага танишdir. У билан ҳар қадамда ҳар куни учрашамиз. Масалан, шаҳар ва қишлоқ кўчаларида, завод цехларида, ўқув даргоҳларида, мактабларда ва қурилишларда сергакликка, интизомга ва ҳушёрликка, гўзалликка, маънавият ва маърифатга чорловчи сурат-ёзувларга кўзимиз тушади. Бу **плакат**dir.

Плакат - франсузча «плакар» - «эълон», «афиша» деган маънони билдиради. Плакат томошибинга тезда таъсир этувчи бир неча ранглар иштирокида яратиладиган график тасвиридир, у аниқ, лўнда, мақсадли бўлиб сўз билан изоҳланади, тасвир билан кўрсатилади. Плакат мавзусининг ўткирлиги, долзарблиги ва ранглар ёрқинлиги билан ажralиб туради.

Ҳар қандай кўзга ташланарли воқеа ҳеч қачон плакатчи-рассомнинг назаридан четда қолмайди ва шу боис ҳам плакатнинг мавзуси, шубҳасиз турли-туманлиги билан ажралиб туради: Улар, асосан оммабоп-сиёсий мазмундаги, тарғибот, чақириқ характеридаги, ўқув-услубий плакатлар ёки информацион-рекламали плакатлар типида бўлиши мумкин.

Плакат бадиий тилининг спецификаси, уни катта масофадан идрок этилиши, эътиборни тортиши, тасвирий мақсадни тезгина, кўзга ташланиши билан характерланади. Шу мақсадда, рассом тасвирий метафоралар, кўп масштабли тасвиirlар, умумлашма образлар, сатирик тимсоллар (халқаро ва майший мавзудаги плакатларда)дан кенг ва унумли фойдаланади. Бунда шрифт характери ва матннинг мослашуви, ёрқин ранг ечими катта рол ўйнайди.

Плакат графиканинг асосий тури сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмидан фаолият кўрсатиб келади. Ундан аввал плакатни йирик ўлчамдаги агитацион гравюралар (масалан, Германиядаги дехконлар уруши даврида «учувчи варақалар»), сиёсий афишалар (масалан, Францияда XVIII асрда) деб аташган.

XIX аср ўрталарида капиталистик мамлакатлар ҳаётидаги ва халқаро-сиёсий, иқтисодий қарама-қаршиликни кучайиши билан боғлиқ равишда плакатнинг юзага келиши (аввал бошида рекламали, сўнг сиёсий) юз берди.

Турли даврларда плакат соҳасида А.Телуз - Лотрек, Т.Стейнлен, П.Пикассо (Франция), Ю.Вальткори ва К.Кольвец (Германия), Л.Мендес (Мексика), В.А.Серов ва К.А.Сомов (Россия) каби машҳур рассомлар ишладилар.

Плакат соҳасида Д.С.Моррнинг «Кўнгилли бўлиб ёзилдинг-ми?», (1920), «Ёрдам бер!» (1921), Н.М.Гоидзенинг «Она-Ватан чақиради!» (1941), Кукриниксларнинг «Душмандан шафқатсиз ўч оламиз!» (1942), В.Венидиковнинг «Берлингача борамиз!» (1945) каби плакатлари ўз мавзусига мос, бетакрор бадиий талқини билан шу санъатнинг энг сара асарлари ҳисобланади (66-расм).

Ўзбекистонда эса Рождественский, Н.Кашина, Уста Мўмин, Л.Абдуллаев, В.Кайдалов, Венидиков, С.Малът, М.Рейх каби рассомлар плакат жанрида ижод қилдилар.

Кейинчалик 1960-1980 йилларда эса халқ хўжалигини ривожлантириш, экология, Орол муаммоси, ҳосил йиғим терими мавзуларида плакатлар ишланди. Рассомлар Е.Евенко, А.Балканов, Ф.Кагаров, Н.Тен, Ҳ.Ҳасанов, А.Зияев, М.Думкин, Р.Халилов кабилар плакат санъатини ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳам плакатларнинг бутунлай янги ғоядаги асарларини яратилишига шароитлар яратди. Масалан «Ўзбекистон мустақиллиги, «Наврўз» байрамлари, маънавият ва маърифат мавзулари плакатчи рассомларнинг асосий эътиборида бўлди. Кейинги йилларда ташкил этилган «Тасвирий ойина» Республика ижодий уюшмаси томонидан тайёрланган кўплаб фотосуратли сиёсий, реклама ва тижорат мавзуларида замонавий рангли плакатлар ҳаётимиизда кенг қўлланилмоқда.

Назорат саволлари

1. «Плакат» қандай маънони билдиради ва у қаерда ишлатилади?
2. Плакат бадий тилининг спецификаси нималардан иборат?
3. Плакат қачондан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда?
4. Энг машҳур плакат асарларига мисоллар келтиринг.
5. Ўзбекистонда кимлар плакат жанрининг ривожига ҳисса қўшган?
6. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида плакат санъатининг ўзига хос пластик мотивларини изоҳлаб беринг.

Амалий-аудиториявий иши

Биринчи машқ: Сиёсий ёки оммавий мавзуда плакат эскизи ишлаш.

Мақсад: талабаларда графика техникасидан фойдаланиб, энг долзарб ҳаётый мавзуда ижодий плакат эскизи ишлаш. Ишга киришишдан аввал энг машҳур плакат намуналари билан танишиш ва композициянинг ечимини ранг-баранг ифодавий воситалар билан топилганлигига эътибор қаратиш. Бунда плакат санъатининг специфик томонларига, композициянинг объектив қонунларига, камчиликларга йўл қўйишининг олдини олиш учун график билимларга таяниш лозим бўлади.

Мавзу жуда умумий ва кенг. Шу боис, аввало, сюжет танланиб, аниқлаб олинади. Шундан сўнг, тезлик билан плакатнинг конструкцияси, тасвирий элементлар ва чақириқ матни жойлаштирилган эскиз-тасвир чизилади. Дастребки эскизларни бажариш жараёнида бадий образ ва шу билан бирга плакатда фойдаланиладиган рамз, эмблема, аллегория, метафора, гипербола каби усувлардан ва тасвирий техникалардан фойдаланилади.

Дастребки эскизлардаёқ ранг ечими аниқланиб олиниши керак. (оккора ёки уч-тўрт рангда).

Эскизлар плакат санъатига хос бўлган барча шаклий сифатларни: умумлашма чизиқли тасвир, тасвирланувчи объектларни силуэт шакли, тонал, ранг контрастлари, ўлчам контрастлари, асосий ва иккинчи даражалиларни қўллаш кабиларни такомиллашиб боришига йўл очиб беради.

Иккинчи машқ: Теварак-ҳаёт мавзулари асосида тарғибот шаклида ёки сатирик плакатлар ишлаш.

Учинчи машқ: Линогравюра, литография ва бошқа техникада график иш бажариш. Натюроморт ёки портрет интеръер ёки манзара фонида танланади.

Уй вазифалари

Биринчи топширик: Бу вазифа биринчи машқ билан алоқадор бўлиб, мустакил равишда янги вариантлари устида изланишлар олиб борилади.

Якуний композиция топилгач, планшетга тортилган бутун қоғоз ўлчамида плакат оригиналари бажарилади.

Иккинчи топширик: Дастьгоҳли графика бўйича бўлади. Бунда икки, уч персонаж иштирок этган дастьгоҳли композиция ишланади. Шунингдек, талабанинг эркин танлови бўйича манзара ёки интеръердаги натюроморт тасвири бажарилади. Композицияда албатта бетакрор, пластик мотив, янгича ечим топишни назарда тутмоқ керак.

КИТОБАТ САНЪАТИ

Китобат санъати Шарқ маданиятининг қадимий ва нодир турларидан бири. Китоб Шарқда қадимдан иззат-икромда бўлган. Унда Ватан ва миллат тарихи, илм, фан сирлари, кишиларнинг фалсафий ва эстетик қарашлари, турмуш тарзи, орзу умидлари ўз аксини топган.

Шарқ китобларини шарқона донолик, маънавий баркамоллик тимсоли сифатида эътироф этадилар. Шарқ китобат санъатининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда хаттот, наққош, рассом, муковасоз, зарҳал ҳарф ёзувчиси мутахассисларининг юксак бадиий маҳорати синтези сифатида юксак бадиий савиясидаги асарлар даражасига етказилган. Шу боис ҳам, жаҳоннинг энг йирик музей кутубхоналари (Санкт-Петербургдаги Эрмитаж, Нью-Йоркдаги Метрополитен, Лондондаги Британия музейи, Париждаги Франция Миллий кутубхонаси ва бошқалар)да Шарқ китобат санъатининг нодир намуналари сақланади.

Миниатюра нодир қўлёзмалар зийнатлари бўлмиш шамс, зарварак, унвон, хошия нақши, валҳа, хотима каби безаклар билан умумий услубий уйғунликка эга.

Нафис мўъжаз расмлар асосан илмий, бадиий ва тарихий асарларнинг нодир қўлёзмаларини безашга ҳизмат қилган. Рассом-лар асарларининг етакчи ғоялари ва асосий қаҳрамонлари образларини ранглар воситасида ифодалаганлар.

Москвадаги Шарқ халқлари санъати Давлат музейининг фондидага XVI асрда Қози Аҳмад ибн Мир Мунши ал-Ҳусайн томонидан ёзилган «Гулистони-хунар» яъни, «хаттот ва рассомлар ҳақида рисола» асари сақланмоқда. Қози Аҳмаднинг бу рисоласи XVI аср Эрон рангтасвири тарихининг жуда қизиқарли манбаларидан биридир. Бу асар муаллифнинг замондошлари бўлмиш ўттиз икки нафар хаттот ва рассомлар ҳақида қизиқарли маълумот беради.

Турк санъатшунослаарининг тадқиқотларига қараганда Истамбулнинг Тўпқопу Сарити музейида ва Аё София музейида Самарқанд ва Хурсонда китобат қилиниб, миниатюралар билан беза-тилган юзга яқин қўлёзма ва мураққаълар авайлаб сақланмоқда. Тўпқопу саройи музейида сақлананаётган «Шоҳнома», Низомийнинг «Ҳамса»си, юз варақ, 650 суратдан иборат Бойсунқур Мирзо альбоми, Амир Темур ва темурийзодалар суратларидан иборат мураққаълар, Баҳром Мирзо альбоми ва ўнлаб Улуғбек Мирзо ва

Султон Ҳусайн Мирзо муҳрлари чекилган қўлёзмалар шулар жумласидандир.

Хаттотлар ва рассомлар ҳақидаги қимматли манбаа «Гулистони-хунар» асарининг муаллифи Қози Аҳмад Қумийнинг ёзишича, Устод Камолиддин Беҳзоднинг маҳоратда тенгсиз шогирдларидан бўлмиш Дўст Девона исмли рассом ҳам Ҳиндистонга кетиб, ўша ерда шухрат ортирган экан.

Бобурнинг набираси Акбарнинг таҳминан ярим асрлик хукм-ронлик даврида ҳам ҳинд миниатюра рассомлик мактаби янгича услубда ривож топади. Шоҳ Акбар эса ёшлигиданоқ ҳаттотлик ва рассомлик тараққиётига жуда катта эътибор бериб, сарой қошидаги устахонага рассомларни жалб этишда шахсан ўзи бош-қош бўлади, ҳафтанинг маълум кунида мусаввирлар ишларини назоратдан ўтказиб, муваффақиятга эришган санъаткорларга инъомлар тухфа этган ёки уларнинг ойлик маошини қўпайтириб турган.

Биз кўриб кўзимиз кўнишиб қолган китоблар осонгина шу кўринишга келган эмас, қадимда матнлар узундан-узун, бир неча метрлаб ёзилган, бунда папирус ўсимлиги поясидан фойдаланилган, думалоқлаб ип билан боғланган. Бунинг мисоли тариқасида Британия музейида сақланаётган Гаррис папирусини келтириш мумкин. Унинг узунлиги 40 метрдан ортиқдир. Месопотамияда матнлар текисланган лойдан қилинган (табличка) кўргазмага ёзилиб, сўнг қиздирилган. Қадимий Римда китобнинг бошқа тури полиптих кўлланилган, у дараҳтнинг танасидан текисланган, босх билан қопланган, қайиш билан маҳкамланиб ҳарфларни тиркаб ёзилган. Албатта, уларнинг саҳифалари кам миқдорда бўлган. Бизнинг эрамизгача II асрда янги материал ёзув учун пергамент (маҳсус тери) кўлланила бошланган.

Шу ўринда айтиш мумкинки, зардуштийларнинг афсонавий муқаддас китоби «Авесто» китоби ҳам бир неча мол терисига ёзилганлиги маълум.

Китоб босма ривожланиши билан китобнинг **муқовали** ҳам ўзгарди. У энди ювилир (безакли буюм) сифатида эмас, амалий мақсаддан келиб чиқиб, китобни сақловчи вазифасига ўтди.

Типографик муқовали китобларни пайдо бўлиши ва унда рассомнинг иштироки, китобнинг янги бадиий образининг янги белгилари - элементлари пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунларда муқованинг икки хил туридан фойдаланилмоқда: а) яхлит тўқимали; б) таркибий муқовали.

Биринчи хил муқовалар анча ҳажмли бўлиб, икки, уч зарб билан бўлади. Бундай муқоваларга символ, эмблема ва турли белгилар берилиш мўлжалланади.

Иккинчи хил - таркибий муқоваларда мато қопланган ёки томонлари қоғоз билан қопланган муқоваларга рангли иллюстрациялар ишланади.

Рисола, журнал, кичик ҳажмли китоблар ҳам муқовали чиқарилади. Муқовалар анча мустаҳкам, текис қоғозлардан ясалади ва унда ранг-баранг босма тасвир бериш имкони бўлади, бунда муқовалар переплет вазифасини ҳам ўтайди.

Айрим пайтларда муқова устига **жилд** (суперобложка) кийдирилади, қайсики бу ҳам китоб безатиш элементларига киради: Бу ҳозирги даврга келиб ҳам ҳимоялаш, ҳам реклама вазифасини бажармоқда. Одатда сержило ёрқин жилд ичидағи муқова тасвири оддийроқ ишланади.

Муқованинг ички томони **форзац** деб аталади, у китоб блоки билан муқова тепасини боғлайды. Форзац бу график муқаддима бўлиб, илк қадам ташлаш билан рассом зарурый кайфиятини содир этади. Китоблар ички форзацли, бошида ва охирида бўлиш мумкин.

Китоб **титул варака** билан бошланади. Титул варака иккинчи ва учинчи бетларни эгаллаши, айрим китобларда биринчи бетда **авантитул** тарзида бўлиши ҳам мумкин. Титулда асосий маълумотлар: китоб номи, муаллифлар исми шарифи, нашриёт номланиши, нашр йили, жойи кабилар жойлаштирилади. Одатда китобнинг алоҳида бўлимларида **шмуцтитул** берилади, унда бўлимнинг номи бадиий безак билан берилади.

Титул вароғи терилган ёки рассом томонидан чизилиши мумкин. У фақат композицияни ифодалабгина қолмай, балки шрифтларни ёзилиш характерини ҳам баён этади.

Кўпинча китобларда матннинг бироз жойи ташлаб бошланади ва унга кичик иллюстрация, ёхуд гулли, нақшли бир безак, баъзан чизик ишлатилган безакли композиция ишланади. Бу рассомликда **бошланма** дейилади ва бу ҳам рассомдан шу жойга мос тасвир яратиб беришга имкон яратади.

Бир хил китобларда ёзувлар бош ҳарфни безатиш билан бошланади. Бош ҳарфлар кўпинча қизил рангда бўлганлиги учун бу безак «Қизил сўз» деб ҳам аталади ва бу тасвир хили болалар учун чиқарилган китобларда учрайди.

Китобнинг охиридаги матнни баъзан орнаментал - безак, мазмунли тасвир ёки эмблемани эслатувчи буюмлар тасвирланган композиция билан тутатилади. Бу тасвирни китобнинг безатиш элементларидан бири сифатида **тугалланма** деб юритилади.

Китоб нашр этиш миниатюраларни келтириб чиқарди ва алоҳида тасвир сифатида муроққаълар пайдо бўлди. Ҳозирги замонавий ҳолда эса гравюраларни келиб чиқишига олиб келди. Иллюстрацияларни офортда, кўрғошинда ўйиб ишлаш рассомларнинг гравюра соҳасидаги имкониятларини кенгайтириб юборди.

Ксилография ва литографиянинг қўлланилиши китоблар ададини кескин тарзда ўсишига олиб келди.

Рассом китобни яратувчиси. Демак, у нашр тури, ишлаб чиқариш усули, безакларни тузилишини ҳисобга олиб, иллюстратив китобнинг гармоник композицияси ечимини топиб бериши зарур ҳисобланади.

Бирор адабий асар ёки унинг бирор бир воқеаси асосида ишланган тасвирни **иллюстрация** деб айтамиз. Сўзизки, иллюстрация учун аввало мавзу танланади. Танланган мавзуга мос тасвирий сюжет ҳосил қилиниши иллюстрациянинг энг асосий талаби ҳисобланади. Иллюстрациянинг тасвирий услубини рассомнинг ўзи танлайди.

Тасвирланган иллюстрациянинг адабий мазмун билан ҳам оҳанглигини қай даражада таъминлаб бериш, рассомнинг катта ютуғи ҳисобланади. Чунки сўз билан ифода этилган воқеани ёзувчи бошқа бир томонини кўрса, рассом бошқа бир жиҳатини кўради, ёки тасвирий воситаларни қўлланилиши сўз ифодасига мос тушмаслиги мумкин.

Масалан, «Хазон резги боғлар ичра кезаман танҳо», деган сўзни рассом қай йўсинда ифода этамасин, факат ўша рассомгагина маълум бўлган таассурот қофозга тушади. Бунда рассомнинг мушоҳадаси асосий ҳисобланади. Рассом шундай ифода топиши зарур бўладики, у ўша мазмунни, шоир назарда тутганидек кўрсата олсин. Шу билан бирга, ҳар бир санъатнинг ўз специфик имкониятлари ҳам мавзу талқинини ижодий ҳал қилишга олиб келади. Худди, юқоридаги «хазонрезги боғларни» ифодалаш учун албатта дараҳтлар, куз фасли, бирор йўлак тасвирланади. Лекин, бу деталлар асосий эмас, балки «нима учун хазонрезги боғларни танҳо кезилмоқда?» - мана бу ҳолат асосийдир. Шу сабабли, расмда (иллюстрацияда) шоир айтилган деталлар ҳам иштирок этиши мумкин, шу билан бир қаторда шоирнинг нима демоқчилиги, танҳо кезишининг сабаби, орзу ёхуд армонми, таскин ёхуд хотирами?, - масаланинг бу томонлари ҳам иллюстрацияда очиб берилади. Шу ўринда яна бир уйғунликни назарда тутиладики, иллюстрация умумий яхлит композиция қонуниятларидан келиб чиқади. Яъни, иллюстрацияга типиклик нуқтаи-назардан ҳам қаралади. Хуллас, иллюстрация қандай шаклда бўлмасин томошабин кўзи ўнгидаги асарнинг ички кечинмаларини китоб воқеаларига мос ҳолда ифодалай олиши керак.

Шу ўринда талантли ўзбек рассоми Тельман Муҳамедовнинг Г.Ғуломнинг «Шумбола» повестига чизган расмларида рассомнинг ўта ижтимоий хушёрлиги, қувноқ ҳазилни ёқтириши хушчақчақ ҳислари «мана мен» деб туради, китоб муқоваси, зарварақ ва расм-ларида рассом турли ҳаёт шароитларида, турлича одамлар даврасида болани тасвирлар экан, унинг образини янада бўрттиради. Зукколик, топқирлик, турмуш тасодифларига дуч келганда ҳам қизиқчиликка мойилликни йўқотмайдиган «Шум бола» образига мусаввир катта хурмат тужди, ҳамдардлик ва киноя билан муносабат билдиради. Эшон, бой, дарвеш, бангиларнинг образларни танқидан хажвиёна акс эттиради.

Тарихчилардан Зайниддин Восифийнинг ёзишича, шоир Котибийнинг битта зийнати қўлёзмасини шаҳарнинг бир йиллик солиғига тенг деб баҳоланган. Умуман, ўрта Шарқ нодир қўлёзмалари бир неча хунар эгалари-муқовасоз, хаттот ва наққошларнинг заҳ-матли меҳнати натижасида юксак санъат намунасига айлантирилган.

Тош босма китоб, сўнгра ҳозирги матбаа технологияси яратилиши муносабати билан китоб безашда ҳам жуда катта ўзгаришлар юз берди. Аввалги нодир қўлёзма китоб йиллар ўтиши давомида ягона нусхада яратилса, энди замонавий дастгоҳлар жуда қисқа вақт давомида кўплаб нусхада чоп этиши мумкин. Замонавий дастгоҳлар талабидан келиб чиқиб, ўтмиш китоб санъаткорлари бадиий ижод анъаналарини янги китоб

безакларига мослаб қайта ишлаш республикамиз рассомларининг биринчи авлоди зиммасига тушди. Бу соҳада энг муваффақиятли ва узоқ вақт давомида баракали ижод қилган Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромовдир. Бу нозиктаъб санъаткор китоб безакларини яратиш бобида ўзига хос алоҳида бадиий мактабга асос солди. Унинг ижодий анъаналарини талантли рассом Т.Муҳамедов давом эттириди.

И.Икрамов безаган китоблар ватанимиздагина эмас, чет элларда ҳам эътибор қозонди. 1959 йили Лейпцигда халқаро китоб кўргазмасида юқори баҳоланди ва бронза медали билан тақдирланди. Улкан санъаткор И.Икрамов истеъоди А.Навоий-нинг «Лирика» китобини безаганда (1965й) янада ёрқинроқ намоён бўлди (67-расм).

Ҳозирги кунда қатор ёш китоб рассомлари ўз ижодларида қадимги мұytабар қўллётмалар нақшларига мурожаат этиши, хусусан, миниатюра расм услугига эргашиш, шу соҳадаги И.Икрамов, Т.Муҳамедовлар санъатларини равожлантиришига интилиш тенденцияси тобора ўсиб бормоқда. Бу нарса Қутлуғ Башаров, Абдулбоқи Ғуломов, Темур Саъдуллаев, Флорида Гамбарова, Абдувосит Қамбаров, Темурғолиб Жамолиддинов ва бошқалар ижодида, изланишларида яққол намоён бўлмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, китобат санъати жуда, қадимий тарихга эга ва ўз тараққиёти даврида бир неча бор ўз шаклтамойилини ўзгартириб бўлсада, ҳозирги шароитда ўзининг мукаммалига эришган дейиши мумкин. Айниқса, китобларни сўнгги йилларда қўплаб нашр этилмоқда, давр тақозоси билан ранг-баранг иллюстрацияли муқовалар, фото-расмли китоблар турли шаклларда ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ китобат санъатида миниатюра, мумтоз санъат анъаналари билан безатган ҳам ҳали ҳамон ўз қимматини йўқотганича йўқ.

Сўнгги йилларда эса компьютер графикасининг янги имкониятлари кўзга ташланмоқда. Тасвирий санъат асарларини компьютер техникаси билан кўпайтириш вариантлари юзага келмоқда. Демак, китоб санъатида янги технологик ўзгаришларда, компьютер техникаси имкониятлари асосида замонавий композицияли китоблар яратиш мумкин.

Н а з о р а т с а в о л л а р и

1. Шарқ китобат санъати намуналари қаерларда сақланади?
2. XVI асрда ёзилган Қози Аҳмаднинг «Гулистони-ҳунар» асарида қандай қимматли маълумотлар берилган?
3. Қадимий китоблар учун қандай материаллар ишлатилган?
4. Муқоваларни тайёрланиши ҳақида нималарни биласиз?
5. Жилд, форзац, титул вароғи, шмуцтигул, бошланма, тугалланма каби элементларни тушунириб беринг.
6. Иллюстрацияларга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот беринг.
7. Китоб графикаси усталари ижоди ҳақида мисоллар келтиринг.

Амалий-аудиториявий ишлар

Ушбу машқларни бажаришда графика санъати хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда композициялар яратиш назарда тутилади.

Биринчи машқ: Китоб мазмунига мос қизиқарли муқова композицияси ишлаш бўйича олиб борилади. Бунда адабиётнинг у ёки бу жанри, ёзувчининг ёзма усули, конкрет мазмун асосида, жанрга мос - роман, ҳикоя, ҳужжатли повесть ёки бошқа шеърий асар бўлмасин, ўша асосда яққол ифода берувчи график тасвир яратилади.

Иккинчи машқ: Китобнинг бадиий безаклари устида ишлашдан иборат бўлади. Булар, муқова, бадиий ҳарф, титул вараги, иллюстрациялар, фронтиспус, шмуцтитул ва бошқалар. Дастребки босқичда фронтиспус, титул вараги, график суратлар, бошланма ва тутулланма устида ишланади.

Учинчи машқ: Берилган мавзудаги китоб макети устида ишлаш. Бунда шрифтларни гарнитураси хусусиятлари, алоҳида бўлимдаги шрифт ва тасвиirlар ҳисобга олинади. Улар орасидаги масофа боғланишлар, иллюстрацияларни жойлаштириш шакллари устида ишланади.

Уй вазифалари

Биринчи топширик: Графика турларидан бири (офорт, линогравюра, акватинта, ксилиграфия) бўйича ижодий иш бажариш . композиция эскизи материал билан ишлаш техникаси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратиш керак.

Иккинчи топширик: Гравюра техникасида шаҳар манзараси чизиш. Иш хомаки эскиз бажаришдан бошланади. Эскизда манзара типлари: кўппланли, панарамали, фрагментар, меъморий ёки манзара билан боғланган ҳолдаги шаҳарча кўринишларини тасвирлаш назарда тутилади. Бу ўринда шаҳардаги янги қурилишлари ҳам бой материал бўлиб ҳисобланishi мумкин.

Учинчи топширик: Болалар учун китоб макети тайёрлашда муқова, титул, йўл чизиқларининг умумий яхлит боғланишлари назарда тутилади. Бунда асосан, китобнинг ўқилувчан, қувноқ, тушунарли бўлишига эътибор қаратилади.

Туртинчи топширик: Кичикроқ адабий асарга 4-5 та иллюстрация ишлаш. Бунда китобнинг умумий архитектоникаси ва иллюс-трациялаш системасининг яхлит боғланганлигига эътибор қаратилади. Бунда бўлим ва бобларга ажратилганлиги назарда тутилади. Ушбу топшириқни бажаришга тайёрланиш мақсадида машҳур рассомларнинг ишларидан нусха кўчириш мақсадга мувофиқдир.

IX-боб. МАҲОБАТЛИ САНЪАТ КОМПОЗИЦИЯСИ

Маҳобатли санъат-тасвирий санъат тури бўлиб, улуғвор умумхалқ гояларини ўз ичига оловчи, оммавий тарзда идрок ятишга мўлжалланган

архитектура билан боғлиқ ёки архитектура ансамбли ичидаги намоён бўлувчи санъатdir. Бунга ҳайкал-монументлар, тарихий воқеа ва шахсларга оид ёдгорликлар, асрий оламшумул ўзгаришларга бағишиланган мемориал ансамбллар, архитектура қуришлишларидаги ҳайкаллар ва безакли рангтасвирлар киради.

Маҳобатли санъатнинг дастгоҳли рангли тасвирдан фарқи, у музей, кўргазма, хусусий бинолар учун эмас, балки майдонлар, кўчалар, парк ва хиёбонлар учун ишланади. У маъмурий биноларнинг маълум бир таркибий қисми ҳисобланади. Табиий ва меъморий ансаблда эса алоҳида ўз образли якуни билан қатнашади.

Маҳобатли санъат тарихий жараёнлар ва халқ ҳаётидаги муҳим воқеалар билан ҳамнафас бўлади.

Шу ўринда «маҳобатли санъат» ва «маҳобатлилиқ» тушунчаларини фарқлаб олиш ҳам зарур. Маҳобатлилиқ бу масштаблилиқ, аҳамиятлилиқ, образларнинг улуғворлиги, катта ғоявий мазмунга эгалийдир. У эстетиканинг улуғворлик категориясига таалуқли бўлиб, факат маҳобатли санъатдагина эмас, барча санъат турларида, жумладан тасвирий санъатнинг бошқа турларида қўлланилади. Ўз навбатида маҳобатли санъат асарлари баъзи бир ҳолларда маҳобатлилиқ сифатларига эга бўлмаслиги, лирик ёки майний жанр характеристида бўлиши мумкин.

Маҳобатли санъат тушунчаси декоратив санъат тушунчасига жуда яқин туради. Ваҳоланки, сўнгги пайтларда биринчи навбатида маҳобатли санъатда архитектуруни безатиш вазифаси туради ёки функционал-конструктив жиҳатдан ранг, чизма, безаклар билан кўрсатилади, демак шунда маҳобатли санъат нафақат безаш ва балки алоҳида равишда ғоявий акс эттириш аҳамиятига ҳам эгадир. Шу сабабли, бу турлари бўйича ўртада чегара бўлмайди, декоратив-маҳобатли ёки маҳобатли-декоратив санъати деб қўлласа ҳам бўлаверади.

Маҳобатли санъатнинг архитектура ансаблидаги у ёки бу санъатнинг роли ва ўрнига қараб қуидагича турга ҳам ажратилади: бинонинг фасади ёки интеръер ҳайкаллари; деворий ёки потолок безак суратлари.

Шунингдек, ишлатиладиган материал ва бажариладиган техникасига қараб панно, фреска, мазаика, витраж, сграфитто ва бошқа турларига бўлинади.

Панно - деярли холстда бажарилади, одатда рангтасвир техникасида бажарилади, экспозицияга тутатилган ҳолда олиб чиқилади ва бино интеръерини безатишда ишлатилади. Панно ҳайкал-рельеф шаклида бўлиши ҳам мумкин.

Фреска - италянча сўз бўлиб, янги, қуrimаган деган маънони билдиради. У қадимги санъат тури ҳисобланади. У деворга чизилади. Рангларни сув билан аралаштириб хўл сувоқ қатламига ишланади. Юза казеин-охакли бўлиши мумкин. У кўпроқ рангтасвир услубида ишланади.

Мазаика - смальта, мармар, сопол плитка (кошин), табиий рангли тошлардан материал сифатида текис юзга ёпишириб ишланадиган тасвир. Мазаика тасвирнинг рангли парчалари ўша жойнинг ўзида терилади. Баъзан

рангли тошларни юзи билан маҳсус юзага вақтингчалик ёпишириб олиб, сўнг ҳакиқий жойига ўрнатиб олиш усулидан ҳам фойдаланилади.

Витраж - ўзидан ёруғ ўтказувчи рангли шишалардан ясалган нақш ёки мавзули композиция ҳисобланади. Витраж асосан эшик, дераза, фойедаги ёруғлик ўтадиган жойларга жойлаштирилади. У хона ва залларга рангли тасвир орқали ёруғлик ўтказади ва ўзида маълум рангли композицияни мужассам этади.

Маҳобатли санъатнинг специфик белгилари ва унинг композицион жиҳатлари мазмунан ва умумий композиция қонунлари иштирокида тасвирий санъат воситаларини реализация қилишдан келиб чиқади. Хатто айтиш мумкин, маҳобатли санъатда яхлитлик ва контрастлар қонуни декоратив маҳобатли санъатни специфик жиҳатларини намоён этади. Бу соҳа рассоми доимо ўзига ҳисоб бериб туриши керак, қайсики унинг олдида катта маъсулият турибди, у энг ноёб, қимматбаҳо материаллар билан ишлайди, катта хажмда ишлайди, абадий даҳлдор бўлган ижодий асар яратади. Унинг бу асарини неча асрлар, неча минлаб томошабинлар баҳолайди. Бу ишга катта маъсулият юклайди.

Масалан, ҳайкалтарошлиқда бронза одамнинг ҳайкал-обра-зини, инсоннинг ҳиссиётли кечинмаларини бўрттириб кўрсатиб беради. Шу билан бирга бронза композициянинг барча пластик ечимларини, нюансларни ифодавий кўрсатиб беришга имкон яратади.

Мрамор, аксинча, майда деталлаштиришга тоқати йўқ, бу материал аъло даражада одам танасини иссиқлиқ тафтини, нозиклигини, юзнинг тўлқинланган ифодасини мато ва кийимларини юмшоқлигини, ҳис килишга имкон беради, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш жойлари пластикасини яхши ифодалайди.

Маҳобатли санъат асарлари улкан, бекиёс таъсир кучига эга бўлиб, мавзунинг улуғворлиги, ўзининг катта хажмлилиги билан характерланади. Композициянинг яхлитлик қонуни маҳобатли санъатда алоҳида зарур, наинки у, асарнинг узоқ масофадан ҳам аниқ, тушунарли бўлиши талаб этилади. Узоқ масофадан эса майда шакллар кўринмайди, бу санъат учун деталлар сони аҳамиятли ҳам эмас, ёрдамчи деталлар умумлаштирилади, шакли ҳам бирмucha яхлитлаштирилади.

Маҳобатли композициянинг конструктив ғоясида силуэтлар контрасти жо этилиш зарурки, турли фигура ва предметларни узоқ масофадан таниб бўладиган даражада, табиат фонида куринувчи силуэтнинг аниқлиги монумент учун зарурdir.

Хуллас, композициянинг асосий қонунлари маҳобатли санъатнинг моҳияттан вазифалари ва шартларига кўра, шу санъат спецификасини ҳисобга олган холда ҳаракатда бўлади. Бу шарт-шароитларнинг ҳусусиятлари шу билан хulosаланадики, маҳобатли санъат факат меъморий ва табиий фазомухит билан тўлалигича намоён бўлади.

Маҳобатли санъат қадимги Миср ва Қадимги Грецияда кенг ривожланган. Унинг машҳур образларини Византия (Равенна мазаикалари)

ва қадимги рус санъати (Киев, Новгород, Псков, Владимир, Москва) да ҳам учратилади.

Маҳобатли санъат Уйғониш даврида гуркираб ривож топди. Сикстин капелласидаги Микеланджелонинг суратлари, Ватикан саройидаги Рафаэл фрескалари, Веронезе деворий рангтасвирлари, Донателло, Вероккоё, Микеланджело ва бошқаларнинг ҳайкал-монументалари ўша давринг энг нодир монументал асарлари бўлиб қолди.

Маҳобатли санъатни ҳам ўз ичига олувчи пластик санъатларнинг синтези сифатида борокко, рококо, классицизм услублари характерлидир.

Маҳобатли санъат кенг маънодаги инсон жасоратини, гўзаллигини ифодалаш билан бирга, у инсонларни яшаш, ҳаракат қилиш, фаолият кўрсатиш муҳитини гўзаллаштиради, омманинг эстетик дидларини тарбиялади.

Н а з о р а т с а в о л л а р и

1. Маҳобатли санъат деганда қандай санъат тури тушунилади?
2. Маҳобатли санъатнинг дастгоҳли ранг-тасвирдан қандай фарқи бор?
3. Маҳобатли санъатнинг декоратив санъат билан алоқаси ва боғлуқлик томонларини изоҳланг.
4. Маҳобатли санъатнинг қандай турлари мавжуд? (аҳамияти ва ишлатадиган материали, бажариладиган техникасига асосан).
5. Панно, фреска, мазаика, витраж каби маҳобатли санъат турларига тавсиф беринг.
6. Маҳобатли санъатнинг тарихий илдизлари ҳақида маълумот беринг.
7. Ўзбекистон қадимий деворий рангтасвири ҳақида нималарни биласиз?
8. Мустақил Ўзбекистон маҳобатли санъати намуналаридан мисоллар келтиринг.

Амалий-аудиториявий иши

Биринчи машқ: Тарихий мавзуда кўп фигурали композиция ишлаш.

Бу жанрнинг асосий хусусиятлари шундаки, унда тарихий тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожида ўз изларини қолдирган, улар ҳақида авлодларга турли ривоят ва ҳикоятлар қолган қадимий ўтмишни образини акс эттиришдан иборатdir. Тарихий жанрнинг мавзуси кенг қамровли, мазмуни ниҳоятда бойдир. Бунда энг аввало, рассом тарихий вазиятни билиши керак, яъни, давлат тузилиши, синфий қарама-қаршиликлар, социал қарама-қаршиликлар, маданий ривожланиш даражаси, кийимлар, курол-лар, урф-одат ва анъаналар ва бошқалар. Яна, шунингдек,

давлатларо муносабатлар (савдо, дипломатия, иттифоқлик ёки келишмовчилик), умумий душманга бирга курашиш вазиятлари. Талаба бу ишга киришишдан аввал бир талай тарихий адабиётларни ўрганиб чиқиши зарур бўлади. Амалий иш учун қуйидаги умумий мавзулар тавсия этилади: «Спитамен қўзғолони», «Жалолиддин Мангуберди», «Темурнома», «Бобурнома», «Шайбонийнома», «Халқ қўзғолонлари» «Миллий озодлик ҳаракатлари».

Иккинчи машқ: Битта фигура ёки груп фигуralарни тасвирлаш машқлари. Мақсад: Талабаларни кўриш хотирасини ўстириш. қуйидаги ҳолатларни тасвирлаш тавсия этилади: «юқ кўтарган», «кўчат экаётган», «тўп ўйнаётган» ва бошқ.

Хотирани мустаҳкамлаш - рассом учун тасаввурдан чизиш кўникмасини тарбиялашда бениҳоя аҳамиятли эканини, бусиз композиция яратишга киришиб бўлмаслигини, қайсики, ҳар қандай картинада албатта одамлар турли вазият ва ҳолатларда иштирок этадилар. Унутмаслик керакки, одамларнинг ҳар бир ҳолати албатта бирор бир мазмунни ифодалashi зарур. Тинч турган одам тасвирига нисбатан, ҳаракатдаги ҳолати таъсирчанроқдир.

Учинчи машқ: Композицион тафаккурни ўстирувчи машқ бўлиб, турли руҳий ҳолатларни: қувонч, уйқу, тўполон, хотиржамлик каби кўринишларни ифодалаш назарда тутилади. Вазифани уддалаш учун мос келувчи натура танланади. қисқа муддатли машқлардан сўнг, дарҳол композициянинг эскизи устида ишлаш зарур. Чунки, иш жараёнидагина образли ечимга яқинлашиб борилади.

Тўртинчи машқ: Қайсиdir маънода биринчи машқнинг давоми бўлиб, эндиgi вазифа: энг охирги умумий саҳна ҳолатини ишлаб чиқиш эскизлари ишланади. Бу машқда у хоҳ тарихий, хоҳ у замонавий композиция бўлмасин, халқ асосий қаҳрамон сифатида улуғланади. Гарчи талабалар бу соҳада энг кучли бадиий ечимдаги композициялар яратадарда бу уринишлари уларнинг келгусидаги катта ижодий асарларининг ilk қадами бўлиб ҳизмат қиласди.

Уй вазифалари

Биринчи топшириқ: Тарихий мавзуда кўп фигурали композиция устида ишлаш. Бунда талаба ўз имкониятлари даражасида иш кўриши зарур. Чунки тарих жуда чуқур ва кенг бўлганлиги боис унинг охирига етиб бўлмайди. Шу боис, тарихий воқеанинг бирор бир воқеаси ёки конкрет бир вазиятини асос қилиб олгани маъқул.

Иккинчи топшириқ: Эркин мавзуда композиция эскизи бажаришдан иборат бўлади. Шу мавзуга оид барча эскизлар, этюдлар, натурадан қораламалар кўрик-кўргазмага кўйилади. Эҳтимол худди шу топшириқ мавзуси талабанинг битириув малакавий ишига талабнома бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Х-боб. ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЬЯТИДА КОМПОЗИЦИОН ЙЎНАЛИШЛАР

Ўзбекистоннинг санъати ва маданияти ҳам қадимийдир. Инсоният тарихидаги илк тасвирлар ҳам график усулда яратилган бўлиб, улар ҳарсанг тошларга, ғор ва қояларга чизилган. Гарчи уларда тасвирий санъатнинг умумий қонуниятларидан фойдаланилмасада, мазмунан анча таъсирили композициялар яратилган. Зараутсой ғоридан топилган тасвирлар бунга мисол бўла олади. Ушбу расмларда қадимги рассомларнинг ўзига хос фаолиятини кўриш мумкин. Ибтидоий одамлар ҳаётида овчилик асосий машғулот тури бўлганлиги сабабли ибтидоий тасвирларда ов манзараси кенг ўринни эгаллаган.

Қадимий тасвирлардан яна бири Зарафшон этакларида «сармишсой» тасвирларида эса ибтидоий рассомлар ижоди ўз аксини топган. Сармишсой қояларида ёввойи буқалар, шоҳлари атрофга буталаб кетган буғу ва булонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бир-бири билан олишаётган ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари тасвирланган.

Қадимги рассомлар фаолиятида ҳам кузатувчанлик, шакл ва чизиқлар орқали бўлаётган воқеаларнинг характеристини, мазмунини ёритиб бера олиш қобилияtlари кўзга ташланади. Умуман бу тасвирлар орқали одамларнинг муштарак туйғулари юзага чиққанли-гини кўрамиз. Бу расмларда ҳар бир белги, қоралама ёки шакл ўзига хос фикрни, хатто сехру жодуларни ифодалаб бериши билан кизиқарлидир.

Қадимги одамлар турли динларга эътиқод қилишган ва ўз эътиқодларини илоҳийлаштириш мақсадида ҳайкаллар яратишган. Бизгача сақланиб қолган намуналар асосан лойдан, тош, ёғоч, фил суюкларидан ишланган. Одамлар ҳайкалларга ва бошқа тасвирларга ўз дунёкарашлари, эътиқодларини жо қилишга интилганлар.

Аждодларимизнинг милоддан аввалги асрнинг иккинчи ярмига келиб аҳмонийлар босқинчиларига дуч келиши ва шу даврдаги Нақши Рустам, Бехустун тасвир ёзувлари пайдо бўлиши ҳам Эрон ва Марказий Осиё ҳалқлари санъати билан боғлиқ намуналарни вужудга келишига сабабчи бўлган. Шунинг учун ҳам тасвирий санъатнинг аҳмонийлар даврига оид намуналарини қадимги эронликларнинг марказий шахри Персепол ва унинг атрофидаги ёдгорликларда учратамиз.

«Ападана» зинапоялари устига солинган тасвирий суратларда (баландлиги 3 фут) аҳмонийлар империясига тобе бўлган 23 сатрапликдан (мамлакатдан) ўлпон олиб келаётган кишилар сурати тасвирланган. Булар орасида бақтрияликлар (турли идишлар, тери, мўйна ва түя билан) ҳам бор. Бу ўтмиш тасвирлари Ўзбекистон тасвирий санъати учун ҳам ишончли ва муҳим намуналардир.

Шарқ ўтмишининг маданий марказларидан бўлган Афросиёб, кўпгина ҳалқларга хос анъаналарни акс эттирувчи санъат намуналарига маскандир.

Милоддан аввалги 329-337 йилларда Искандар қўшинлари Марказий Осиё ҳудудларини маккорлик ва ҳийла билан босиб олганлиги тарихдан маълум. Искандар Юнонистондан Марказий Осиёга келгунга қадар қўплаб халқларни босиб олган ва ўша ерларда юонон тили, маданияти ва дини тарғиб қилинган. Ана шунинг натижасида элленлаштириш (юононлаштириш) вужудга келади. Натижада маҳаллий халқлар тасвирий-амалий санъати билан элленлар санъати ўртасида уйғунлашув бошланган. Бу уйғунлик узоқ давом этиб, элленларга хос ҳайкалтарошлиқ, деворий расмлар, амалий санъат намуналари, жумладан меъморчилик пайдо бўла бошлайди. Афросиёб ҳаробасидан Искандар даврига оид ҳайкал ва тангалар, кулолчилик буюмлари топилгани ҳам фикримиз далилидир. Хусусан, Афросиёб археологик қазишмалари пайтида Искандар сурати чизилган қимматбаҳо сердолик тош топилди. Тош тирнок ҳажмида бўлиб, у Искандар лашкарбошларининг Самарқандни истило этиш вақтида йўқотган олтин узукнинг кўзи бўлса керак. Ана шу тошга туширилган Искандар расмига икки диадема кийдирилган. Дарҳақиқат, расмдаги диадеманинг чеккасидан иккита шоҳ бўртиб чиқиб турибди. Бу топилма ҳозир Самарқанддаги Республика санъат музеида сақланмоқда. Маҳалий усталар ва рассомлар ясаган кулолчилик буюмларида, танга ва тақинчоқларда, турли кўринишдаги ҳайкалларда ҳам элленистик анъаналар аломатлари мавжуд.

Ўзбекистон Салавкийлар давлати таркибида ҳам бўлган. Масалан, Антиох I Драхма (танга пуллари)даги тасвирларда, танганинг олд томонида подшонинг тож кийган бош қиёфаси, тескари томонида эса кийимсиз ҳолатдаги Зевснинг ўнг қўлида бир даста чақмоқ, чап қўлида қалқон, оёги остида эса бургут, шунингдек, юонон тилида (шоҳ Антиох) деган битик тасвирланган.

Тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлиқ тури Юонон-Бақтрия ва қадимги Хоразм давлатлари даврида тараққий этибигина қолмасдан, гоҳо санъатнинг бошқа турларига етакчилик вазифасини ҳам ўтаган. Бу даврда амалий безак санъатида кичик ҳажмли тасвирлар кенг қўлланилган. Олтин ва кумушдан ишлатилган тақинчоқларнинг топилиши улардаги тасвир ва безакларнинг бой ва жозибадорлиги сўзимизга мисол бўла олади.

Ҳайкалтарошлиқ, графика, рангтасвир қадимги Фарғона, Қанғ давлатида ҳам кенг кўламда ривожланган.

Кушон подшолиги бу аслида сиёсий тушунча бўлиб, унинг жуғрофий номи Бақтрия деб аталади. Бу худуддан топилган ҳайкалчаларда севги, оиласиб баҳт, серҳосиллик каби ғоялар олға сурилади. Археологик изланишлар жараёнида Будданинг тик турган ҳолатидаги, чордона қуриб ўтирган ҳайкаллари, ҳатто ётган ҳолатдаги кўринишлар акс этган ҳайкаллари топилган. Бу даврда будда ибодатхоналари яратилиши, ўз навбатида, буддизмга хос бадиий безаклар ишланишга сабабчи бўлган. Масалан, Далварзинтепадан топилган, I асрнинг иккинчи ярмига оид Вима Кадфиз тангасининг олд томонида шоҳ ўнг қўли меҳроб узра чўзилган ҳолда, бошига ялов тасмали узун кулоҳ кийган ҳолатда тасвирланган. Олимларнинг

фикрига қараганда, бу тангадаги доира шаклидаги юонон ёзуви «Шоҳлар шоҳи Вима Кадфиз Кушон» деган маънони анлатади

Эфталитлар, Турк ҳоқонлиги даврида ажойиб ҳайкаллар, нафис деворий суратлар юзага келди. Ўтмиш тасвирий санъат меросимизнинг энг характерли томонларидан бири шунда эдики, аждодларимиз бошқа халқлар санъатидан таъсирланибгина қолмасдан, уларга ўз таъсирини ҳам ўтказа олган. Шу асосда халқларнинг уйғунлашган, юксак тасвирий санъат намуналари яратилганлиги тарихдан маълумдир. Сўғдиёна, Бақтрия, Парфия, Чоч, Хоразм, Қадимги Фарғона худудларидан топилган қадимий санъат ашёлари бизга мозий дунёсидан хабар беради.

Тахминан эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларга тегишли қора тошдан ишланган тумордаги илон тасвир нафақат маҳоратли ишланиши билан, балки асар мазмунига маълум бир дунёқараш жо бўлганлиги жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир (— расм).

Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги санъатшунослик институти музейида сақланаётган милоддан аввалги икки мингинчи йилларга мансуб Миршоди ҳайкали инсон қиёфаси тасвирланган дастлабки ҳайкаллардан ҳисобланади.

Кампиртепадаги «Будда», Далварзинтепадаги «Деватто боши» каби ҳайкалларда юз қисмiga тегишли кўз, бурун, лаб ва ёноқлардаги ўзига хос шакллар ҳамда ҳолатлар пропорционал мувозанатларга жавоб бериш билан биргалиқда аниқ, содда қилиб ишланган. Шунингдек, пешона дўмбоги, бошнинг тела (мия), орқа (мия) қисми, қулоқ ва бошқа инсон бош қисмининг барча анатомик тузилишларига тўлиқ жавоб бераолади. Бундай санъат асарлари сирасига Фаёзтепадан топилган Будда ёки Будда саффошининг бош қисми, Далварзинтепадан топилган бошига тожи кийган Кушон шахзодаси ва бошқа ўнлаб ҳайкалларни мисол келтириш мумкин.

Самарқанднинг Афросиёбидан топилган VII-VIII асрларга мансуб остодон қопқоғига ишланган одамнинг бош қисми ҳайкалидир. Ҳайкални кузатиб ўрганиш натижасида санъаткорнинг изланишлари муваффақиятли амалга ошганини кўриш мумкин. Қизиқарли томони шундаки, ҳайкалнинг юз тузилишида ўзбек халқининг афсонавий қаҳрамони Насриддин Афанди қиёфасига хос нималарнидир эслатувчи жиҳатлар бор. Ҳайкалтарош жиддий изланиш услубига эга бўлиш билан маҳаллий халққа хос образни ниҳоятда характерли чиқишига муваффақ бўлган.

Самарқанднинг қадимий ўрнидан топилган ҳозирги Афросиёб номи билан юритилаётган деворий расмларда рангтасвир санъатнинг ранг-баранг ва нафис намуналари мавжуд (68-расм). Афросиёб рангтасвир санъатининг энг характерли намунаси шоҳ саройи кўринишига хосдир. Расмларда сақланиб қолган девордаги тасвирларнинг баландлиги 2-2.5 м.га тўғри келади. Узунлиги эса 10 метрдан ортиқ, монументал хусусиятга эга. «Чунончи, катта залнинг тўла очилган жануб томонида, деворий шарқий қисмида кичик пирамида шаклида шартли тарзда (томушабиндан) чап томонга, қасрга қараб бораётган тантанали юриш маросими кўрсатилган. Олдинги қаторда зеб бериб безатилган чакмон кийган тўрт эркак киши тасвирланган. Сурат тўла сақланмаган: фигуralарнig белидан бир оз пасти

қисми бузилган. Аста-секин қадам ташлаётган оқ билтапанали юришни бошлаб бормокда» – деб таърифланади «Самарқанд тарихи» китобида. Деворий расмдаги салобатли филнинг тасвирини кузатар эканмиз ҳар бир бўёқ ўз ўрнида ишлатилганлигини кўрамиз. Ранглар тасвирнинг жонли чиқишида муҳим рол ўйнаганлиги яққол кўзга ташланади. Филнинг устига маҳсус мулжалланган ёпчиқдаги тасвирлар кишини беихтиёр ўзига жалб этади. Бу тасвирларда қизгиш, сарғиш, жигарранг, айниқса ҳаворанг кўпроқ ишлатилган. Филнинг бош қисми бир мунча, орқа танаси эса тўлалигича тасвирда сақланиб қолган. Оёқлари аниқ кўриниб турибди. Филнинг устида безатилган жул бўлиб, унда қанотли шер тасвирини ҳам кўрамиз, бундан ташқари бир қанча безаклар акс эттирилган. Умумий бўёқлар колорити тўқ ҳаворанг билан қамраб олинган.

Расмдаги образнинг энг характерли томони шарқ халқларига хос нафис ва латофатли гўзалликка эга бўлган аёл қиёфасининг гавдалантирилишидадир. Аёлнинг бутун қоматида, либосларидаги ранг ва шаклларнинг характерлари ҳатто сочтурмакларида ҳам шарқона хусусиятлар яққол кўриниб турибди. Умуман, бу деворий тасвирларда буёқларнинг ишлатилиши услубларидан кенг кўламли ва ўзига хос фойдаланилган.

Отлардаги уч нафар аёлнинг тасвирлари бир-бирига ўхшаб кетса-да улар минган отлар ранг жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиб турганлиги аниқ кўринади. Улардан кейинги тасвирда соқчилар, туя минган эркаклар акс эттирилган. Иккала эркак ҳам узун қилич билан қуролланган. Қилич камарнинг чап томонида осилиб турибди. Уларнинг белбоғларига калта ханжар илинган. Дасталарида ёввойи қушлар бошининг тасвири солинган.

Туялар жигарранг, биринчисининг устида филларнинг сурати солинган кунгурулар билан безатилган доирасимон жул бор.

Хуллас, суратни кузатар эканмиз, рассом деворий расмда кенг манзарани қамраб олишга интилганини илғаймиз. Тепароқда жойлашган манзарадаги оқ қушлар тасвири эса деворий суратга янада бадиий мазмун киритган. Тасвирдаги оқ қушларнинг ҳаракати бир-бирига уйғунлашиб кетганки бу манзарада ўзига хос мусиқий оҳанг жаранглаб тургандек. Композициянинг рангга бой қилиб тасвирланганлигидан Афросиёб тасвирий санъати ниҳоят даражада бадиий ютуқларга эга эканлигини кўрамиз. Лекин, шунга қарамасдан, бу суратлар мазмунини тушуниб олиш мумкин. Масалан, белигача сақланиб қолган эркак кишининг тасвиридаги салобатлилик алоҳида аҳамият касб этади Мусаввир образга урғу бериш билан бирга унинг мартабали киши эканлигини кўрсатмоқчи бўлган кўринади.

Ғарбий деворга ишланган суратларда айниқса, уч кишини қимматбаҳо кийимларда акс эттирилиши оддий томошабинни ҳайратга солибгина қолмасдан, ҳар қандай санъат устасини ҳам ўзига жалб қила олиши табиийдир. Мато ва либослардаги бу тасвирларда ҳумо қуши, қанотли от, эчки, товус каби турли қуш ва ҳайвонлар анатомик тузилишига мос акс эттирилган. Бу эса мусаввир маҳоратидан дарак беради.

Термиз яқинидаги Болаликтепа ёдгорлигидан топилган ҳашаматли саройга ўхшаш бино деворларининг тўртала томони ҳам турли кўринишдаги

рангдор тасвирлар билан тўлдирилган. Хонада 28 нафар меҳмон ва мезбон жуфт-жуфт бўлиб ўтиришибди, жуфтларнинг бирида эркак киши ёнидаги аёлга энганиш, унга алланималар деяпти, уларнинг ёнида бир эркак аёлга май қуийилган қадаҳни узатаяпди. Расмда персонажлар характер, композицион аҳамиятидан битта сюжет, яъни меҳмондорчиликни ифодалайди (69-расм). Гиламчаларга ўхашаш тўшакчалар устида шарқона тиз чўкиб, чордона қуриб, ёнбошлигани холда жуфт-жуфт бўлиб ўтирганлар тасвирланади. Тасвирдаги бу «гиламча»лар ўзбек хонадонларида ишлатиладиган кўрпачаларни эслатади. Эркаклар эгнидаги камзулга ўхашаш кийимлар узун, ёқаси учбурчак шаклидаги кенг қайтармали кўринишга эга. Белларида ингичка тасма ва унга ўтказилган ханжар тасвирлари аниқ кўриниб турибди.

Аёлларнинг лиbosлари эса, ўта ранг-баранг. Қулоқ, бўйин ва бармоқларида сербезак тақинчоқлар... Кўзгу ушлаб турган бу аёллар чиройли шарқона кўринишга янада жонлилик киритган.

Маълум бўлишича, Болаликтепадан топилган бу суратлар VI асрга мансуб бўлиб, эфталитлар даврида ишланган. Бу ҳақда атоқли олим А.Мухаммаджонов қизиқарли далилларни келтиради: «Болаликтепа қасри деворларида тасвирланган аёлларнинг ташқи қиёфаси VI асрда эфталитлар хукмдори ҳузурида бўлган, будда коҳинни ҳайратга солган сарой зодагон аёлларини эслатади. Коҳиннинг тарифлашича, ўша вақтларда эфталит маликалари жуда қимматбаҳо матодан тикилган, орқа этаги уч қулоч ва ундан ҳам узунроқ бўлган сербезак кўйлак кияр, унинг этагини маҳсус жориялар кўтариб юрганлар». Демак, узун лиbosлар кийиш анъанаси оврупо орқали ўлкамизга кириб келмаган, аксинча ўша уч қулочли лиbosлар ўтмишда ўзимизда мавжуд бўлган экан.

Болаликтепа рангтасвир санъатида одамларнинг кайфияти, ўзаро муносабатлари, характерлари рассом томонидан ўта усталик билан тасвирланган. Умуман образларнинг ҳатти-харакати, қиёфаларидағи кўринишлар қандайдир тўй ёки байрамона маросимни акс эттиromoқда. Орқа планда эса қомати деярли тўлиқ тасвирланган ҳизматкорлар елпигич ушлаб туришибди. Одамларнинг қўлларида қадаҳларнинг тасвирланиши, бирбирига бўлаётган самимий илтифотлар ҳам туйона ҳолатдаги базму жамшидни ифодалайди.

Болаликтепа қасри деворий суратларида инсон қиёфаси кўп ифодалангани билан аҳамиятлидир. Ўша суратлардаги инсон ички кечинмаларини нозик тасвирланиши ўша давр рассомларининг хурфиксалик даражаларини билдиради.

Бухоронинг қадимги маданий марказларидан бири – Варахшадан ҳам деворлари суратлар билан безатилган ҳашаматли сарой қолдиқлари топилган. Қадимшуносларнинг фикрига қараганда Варахша саройининг деворларидағи сурат безаклар, рангин нақшлар Ҳиндистондаги машхур қадимий Аджанта, Хитойдаги Мингбудда ва Афғонистондаги Больshan каби ғорларидағи тасвирларни эслатади. Бир қаравашда тасвир ва нақшлар бир-бирига боғлиқ ва монанддек кўринади. Шу билан бирга ўта фарқ қиласидиган томонларини ҳам кузатиш мумкин. Варахша саройида диний эмас, ўзгача тасвирларга дуч

келамиз. Деворий расмлардан бирида фил минган ўрта ёшли киши образи бир оёғи узангида, бир оёғи эса букилган ҳолда тасвирланган. Бундан ташқари, расмда арслонга ўхшаш ҳайбатли ҳайвоннинг филга ҳамла қилган ҳолатидаги тасвири ҳам акс эттирилган. Шунингдек, Варажшанинг бошқа деворий рангли суратларида подшонинг қабул маросимиға бағишиланган ҳашаматли кўринишлари ўрин олган. Умуман тасвирлар ранг-баранг манзаралар билан бойитилган. Ва маълум бир гўзалликни ўзида мужассамлаштирган. Деворий суратлардаги табиат манзаралари турли дараҳтлар кўринишлари билан ўзгача маъно касб этади.

Тожикистоннинг Панжикент шаҳри худудидаги қадимги ҳаробалардан ҳам ўта жозибали, ниҳоятда мазмунли, ранг-баранг кўринишларга эга бўлган қизиқарли санъат намуналари топилган. Бу ерда жанг воқеалари, диний мавзууни акс эттирувчи ва бошқа турли тасвирлар кенг ўрин олган.

Жумхуриятииз ҳудудида қадимда яшаган туркий халқларимиз ҳам зардуштийлик, будда, худо, христиан ва монийлик каби динларга эътиқод қилганликлари маълум бўлмоқда.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ислом дини кириб келганга қадар ғоя, фикр, шунингдек, эътиқоднинг барча кўринишларини фақатгина тасвирлар орқали ифодалаган қадимги динлардан бири Монувийлик ҳисобланади. Бу ерда масаланинг нозик томони шундаки, монувийлик эътиқодида олға сурилган аҳлоқий ва маънавий қарашлар фақатгина тасвирий санъат намуналари билан узвий боғлиқ бўлган. Унинг асосчиси ҳам тасвирий санъатнинг буюк вакили Моний эди. Моний асли Марказий Осиё, жумладан қадими Самарқандда яшаб ижод этган. Унинг таълимоти натижасида монувийлик дини билан боғлиқ улкан тасвирий санъат мактаби юзага келади. Араб босқинчилигидан сўнг Моний (монувийлик эътиқоди) мактабининг вакиллари Қашқарга кетиб қолишган. Демак, ислом дини анъаналарига, ақидаларига, айниқса, шариат пешволарининг ғоясига мос келмаган монувийлик (моний тасвирий санъат мактаби) ва унинг вакилларини асли хитойлик деб таърифлашлари ҳакиқатта зиддир.

Бу даврда ҳам тасвирий санъат ўз характери ва моҳияти жиҳатидан ислом дини ғоялари билан бойиди ва ривожланди. Сақланиб қолган қўлёзма китоблар ва тарихнавислар далолатларига кўра, асосан, тасвирий санъат китобат санъати билан боғлиқ ҳолда кенг тарақкий этади.

Х асрларгача турли қарама-қаршиликлар бўлишига қарамас-дан айрим меъморчиликларда тасвирий санъат қўлланилиб келинди. IX-XI асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар империялари вужудга келиб, уларнинг марказий шаҳарлари Бухоро, Ғазна, Марв, Нишопур каби жойлар маданият ва санъат марказига айланди. Ана шу даврда Беруний, Ибн Сино, Ҳайём, Маҳмуд Кошғарий, Рудакий, Фирдавсий, Низомий каби алломаларнинг китобларига мусавиirlар томонидан бадиий безаклар, миниатюра тасвирлар ишланган.

XI-XII асрларга келиб эса тасвирий санъат амалий безак санъати билан уйғунлашган ҳолда бой зодагонлар, ҳокимларнинг қаср ва боғларидаги биноларни деворларида, шунингдек хонадонларга кенг кўламли гўзаллик баҳш этиб кириб кела бошлаган.

XIV-XV асрларга келиб қўлёзма китобларнинг қайта кўчирилиши натижасида кўплаб тасвирий санъат намуналари юзага келади ва улар китобат санъатини янада бойитади. Бу даврда яратилган миниатюраларнинг катта бир қисми муроққа, яъни альбомларга ишланган асарлардир. Бу асарларда асосан шоҳ, саройлардаги ҳаётий воқеалар тасвиirlаб берилади. Муҳим томони шундаки, бу мораққа - альбомларга ишланган миниатюра тасвиirlар мустақил, яъни эркин ижодий тасвирий санъат асарлари ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темур даврида тасвирий санъат ниҳоятда тараққий этганлигини таъкидламоқ жоиз.

Амир Темур даврида ижод этган тасвирий санъат усталаридан машхур устод Гунг таҳминларга қараганда монувийлик тариқати вакилларидан таълим олган бўлиши мумкин. Устод Гунг Темур даври тасвирий санъат мактабининг асосчиси бўлган. Амир Темурнинг ўзи яшаган даврдаги мусаввирлардан Бухоролик Абдулҳай ва устод Шамсиддин, табризлик Пир Саид Аҳмад, Самарқандлик Аҳмад Боғишамолий, Шоҳ Муҳаммад Талимий ва бошқа тасвирий санъат вакилларининг Самарқанддаги ижодий фаолиятини қайд этиш мумкин. Темур фаолиятидан сўнг эса, Самарқандда Мирзо Улуғбек даврида тасвирий санъат янада ривожланди. Тарихнавислар унинг Чилсутун чорбоғида Чинихона қасрини ниҳоятда гўзал қилиб қурдирганини ёзадилар. Абдураззок Самарқандий Мирзо Улуғбек расадхонасиининг хоналари деворларида тўққиз осмоннинг кўриниши, осмон гумбазлари даражалари, минут ва секундлар ва ҳоказо улушлари тасвирий, етти ёритқич сайёра, собита юлдузлар, иқлиmlар, тоғ, денгиз, сахро ва шуларга оид буюм ва жониворлар сурати ғоят нафис ва жонли нақш этилганини ёzádi.

Самарқандда шаклланган тасвирий санъат мактаби, Ҳирот орқали жаҳон халқлари маданиятига таъсир ўтказганини алоҳида қайд этмоқ керак. Олим Наим Норқуловнинг маълумот беришича, Бойсунқур Мирзо Ҳирот нафис ва тасвирий санъати анжумани (академиясини) тузган... Номлари жаҳон тасвирий санъати тарихида муҳим ўрин эгаллаган Ҳўжа Ғиёсиддин Ҳаравий, Амршоҳий Сабзаворий, Мирак Наққош, Ҳалил Мирзо Шоҳруҳий, Султон Иброҳим, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жаъфар Турбатий Ҳирот академияси ташкилотчилари эдилар. Бу мактаб «Нигористон» номи билан ҳам машхур бўлди.

Шарқ тасвирий санъатининг йирик намоёндаси, мўйқалам-ининг сехри билан нафосат оламига нур баҳшида этган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг номи жаҳон расвирий санъати тарихида алоҳида ўринни эгаллайди. «Нигористон» тасвирий санъат академиясининг таъсири остида, машхур уста Мирак Наққошнинг ижодхонасида таълим олган. Буюк рассом шарқ алломалари Шарофиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусрав

Деҳлавий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби мутафаккирларнинг асарларини тасвир орқали янада жонлантириди, тарғиб этди. Рассом портрет санъати борасида Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Абдураҳмон Жомий портрет асарлари орқали тенгсиз санъаткор эканлигини кўрсатди (52-расм).

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон тасвирий санъати ўзининг янгиша шаклланиш йўлига ўтди. Асосан бу даврда Оврўпонинг илфор тасвирий санъати анъаналари рус ва бошқа халқларнинг вакиллари орқали ўз таъсирини ўтказди. Оврўпа давлатларида анча илгарилаб кетган уч ўлчамлилик қонуниятлари асосида ривожланган тасвирий санъат кириб кела бошлади. Бу санъат миниатюрага хос ишлаш услублари ва қонуниятларидан фарқли ўлароқ эди. Аста-секин маҳаллий анъаналар билан уйғун ривожланган тасвирий санъатимиз ривожига М.Новиков, Л.Бурэ, С.П.Юдин, И.С.Казаков, Н.В.Роза-нов, А.И.Гречанинов, Т.Н.Никитин сингари рассомлар катта хисса кўшдилар.

XX асрнинг 20-30 йилларида келиб эса Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос шакл-шамойилига эга бўла бошлади. Тасвирий ижодда етук рассомлар А.Вольков, П.В.Кузнецов, М.Н.Курзин, С.И.Финкельштейн, А.Г.Карабахан, В.И.Уфимцев, Уста Мўмин (А.В.Николаев), А.Кашина, О.К.Татевосян, П.П.Бенков, С.М.Ковалевская, И.Икромов, У.Тансиқбоев, Ч.Аҳмаров, Л.Абдуллаевларни санаб ўтиш мумкин.

Айниқса ўзбек халқининг миллий анъаналарини жамлаб ўзбекона тасвиirlай олган рангтасвир устаси Уста Мўмин (асли номи Александр Васильевич Николаев) эди. Унинг «Баҳор» (1923), «Куёв» (1923), «Дуторчи бола» (1924), «Чойхоначи» (1928) каби асарлари халқимиз характерига мосдир.

XX асрнинг 20-30 йилларида келиб эришилган ижодий муваффақиятлар эвазига маҳаллий халқ вакиллари сафи ҳам кенгая борди. А.Абдуллаев, М.Набиев, Ш.Ҳасанова, Р.Темуров, Ҳ.Раҳмо-нов, Б.Ҳамдамий, Л.Насриддинов ва бошқа ижодкорлар етишиб чиқа бошлади.

XX асрнинг биринчи ярми тасвирий санъат тарихида А.Н.Волковнинг ижоди бебаҳо қимматга эга. У тасвирий санъатда ўзбекона мактаб яратади. Унинг, «Пахтакор қизлар», «Ишга кетишшаяпти» асарлари алоҳида услугуб ва композицияга эга (70-расм).

Назорат саволлари

1. Ўзбекистоннинг энг қадимий тасвиirlари ҳақида гапириб беринг.
2. Афросиёб қадимий тасвиirlарида нималар тасвиirlangan?
3. Эллинлар санъати деганда нималарни тушунасиз?
4. Ҳайкалтарошлиқ қадимий анъаналари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Болаликтепа деворий суратлари композицияси ҳақида фикрингиз?
6. Варахша деворий суратларида нималар тасвир этилган?

7. Соҳибқирон Амир Темур даври санъатининг асосий хусусиятларини санаб беринг.

8. Шарқ миниатюра санъатининг ривожланиши, унинг машҳур усталари ҳақида нималарни биласиз?

9. XIX –XX асрларда тасвирий санъатнинг ўзига-хослигини айтиб беринг.

XI-боб. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларининг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштириди. Тарихий, маданий ва маънавий-аҳлоқий қадриятларнинг кент қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари меъморлик, тасвирий ва амалий санъат соҳаларида яққол намоён бўлмоқда.

90-йилларда маҳобатли ва ландшафтли ҳайкалтарошлиқ, деворий рангтасвир ва витраж, мозаика ва меъморлик билан узвий боғлиқ маҳобатли безак санъатининг бошқа турлари турар-жой муҳити эстетикаси шаклланишига салмоқли ҳиссасини қўшди. Шу даврда барпо этилган йирик иншоотлар маҳобатли рангтасвирчиларнинг фаол иштирокида бунёд бўлди.

Мисол тариқасида Тошкентдаги «Туркистан» саройи (деворий суратлар, витраж, безакли ҳайкалтарошлиқ, сополли паннолар), Бизнес-центр ва Интерконтинентал меҳмонхонаси (деворий суратлар, безакли пластика), «Меридиан» ва «Шератон» меҳмонхоналари (деворий суратлар, кошинлар, безакли пластика), Темурийлар тарихи Давлат музейи (деворий суратлар, бадиий шиша, сопол плиткалар), Тошкент шаҳри ҳокимияти биноси ва Олий мажлис биноси (деворий суратлар, кошинлар, бадиий шиша), Олимпия спорти музейи, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидағи «Афросиёб», «Бухоро» меҳмонхоналари ҳамда пойтахт ва республиканинг бошқа шаҳарларидағи замонавий меъморий иншоотларни келтириш мумкин.

Мазкур даврда санъаткор Б.Жалолов бир қатор аҳамиятли асарларни яратди. Шунингдек, ёш истеъдодли мусаввир А.Алиқулов бошчилигидаги ижодий гурӯҳ яратган тарихий характердаги муҳаббатли паннолар ҳам юксак бадиияти ва ижро маҳорати билан ажralиб туради. Самарқандлик мусаввирлар томонидан ҳам турли иншоотлар учун қизиқарли деворий расмлар турқуми яратилди

Мустақилликнинг ilk ёдгорликларидан бири Тошкент марказидаги хиёбонда ўрнатилган Амир Темурнинг отлиқ ҳайкали (И.Жабборов, К.Жабборов, 1993) бўлиб, Самарқанд ва Шахрисабзда ҳам (ҳайкалтарош И.Жабборов, К.Жабборов, 1996) соҳибқиронга ҳайкаллар барпо этилган. Худди шу даврда ўтмишда яшаб ўтган буюк алломалар, давлат ва дин

арбоблари, шоирлар ва мусаввирлар тимсолини муҳрлаган қатор ёдгорликлар қад кўтарди. Улар орасида ўрта асрларда яшаб ўтган буюк аллома ал-Фарғонийга Фарғона (1998) ва Қува (1998) шаҳарларида, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердига Хоразмда (1999), улуғ хадиснавис имом ал-Бухорийга Самарқандда (1998), Тошкентнинг мустақиллик майдонида «Мотамсаро Она» мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» меъморий ёдгорликлари (2000) қад кўтарди. Алномишга Термиизда хайкалтарошлиқ мажмуа-композицияси яратилди (А.Раҳма-туллаев, Қ.Норхўрозов, У.Мардиев, Т.Подосинников, 1998). Ўзбекистон хайкалтарошлари яратган Белгиянинг Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Сино ҳайкали тантанали равища очилди.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлиқ анча жонланганлигини кўрамиз. Д.Рўзибоев, Т.Тожихўжаев, И.Жабборов, Р.Авакян, М.Бородина, Р.Миртоҷиевлар ижодида шакл, ранг билан бир ўринда хайкалтарошлиқка хос бўлмаган материалларни самарали равища қўллаш устида ижодий тажрибалар давом этмоқда.

Графикада анъанавий технология билан бир қаторда ифода этишнинг авангард воситаларини фаол излаш жадаллашди. (Э.Исҳоқов, В.Апухтин, М.Кагаров, М.Содиков, Л.Зуфарий, Л.Тио-ра).

XX асрда Ўзбекистонда кучли рангтасвир мактаби шаклланди. Айни пайтда уларнинг аввалги даврлар қўрсатиш мумкин бўлмаган ўз фалсафий қарашларини ифода этиш имконияти, даврларнинг алоқадорлигини қўрсатиш, тарихий хотириани парчалаб бўлмаслигини исботлашга интилишлари кўзга ташлана бошлади. Рангтасвирнинг замонавий фалсафий пластик тизими 80-йилларда Тамал тоши қўйилган қочиримли-размли услуб ривожи жадаллашди.

90-йиллар раснгтасвир санъати ўтиш даврига хос бўлган турли туман услублар кўламининг кенглиги билан фарқланади. Бу кўламда академик реалзм, декоративизм ва миллий-романтизм (кўп ҳолларда миниатюра талқини оҳангларида) қиёфасиз рангтасвир, инсталляция ечими тарзидаги авангардизм ёнма-ён мавжуддир. Бу кўп жиҳатдан ижодий дунёқарашнинг кенгайиши ва теранлашуви, муаллифларнинг белгиланган қолиплар чегарасидан чиқишига интилиши билан изоҳланади.

1997 йилда Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ташкил этилиши Республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унинг фаолияти бадиий таълим, кўргазма ишларини такомиллаштириш ва бадиий меросни ҳамда замонавий санъатни тарғиб қилиш истиқболини таъминлашга йўналтирилган. Академиклар орасида устоз рассомлар- фахрий академиклар Р.Аҳмедов, А.Абдуллаев, Н.Қўзибоев, М.Саидов, Р.Чориев, М.Набиев ҳамда ҳақиқий аъзолари – В.Бурмакин, А.Икромжонов, Т.Қўзиев, Т.Миржалилов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Изинтаев, Л.Ибрагимов, Б.Бобоев, Й.Турсунназаров, С.Абдуллаев, А.Нур ва бошқалар бор. Турли авлод рассомларидан иборат академиклар таркиби рамзий маънода мамлакат тасвирий санъатининг XX асрда босиб ўтган турли хил услубий йўналишларини, ўзига хос тараққиёт йўлини ифода этди.

ХХ асрга келиб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ўзаро бориши билан боғлиқ ҳодиса халқ усталарининг камайишига, ҳунармандчилик буюмларининг истеъмолдан чиқишига олиб келсада, амалий безак санъати анъаналари саноқли усталар ижодида ўзининг муаллифлик ва касбий маҳорати даражасини сақлаб қолди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг анъанавий ҳунармандчилик тақдирни тубдан ўзгарди ва халқ санъати ривожи тубдан ўзгарди.

Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий безак санъати ривожида Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан имзоланган «Халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликнинг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллай-кувватлаш тадбирлари тўғрисида»ги фармони жорий этилди. Бу фармонга мувофиқ, уй шароитида юксак савиядаги бадиий буюмлар ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимларнинг амалий ёрдамлари муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилади. Халқ усталарининг ижтимоий ҳуқуқий мақоми ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Бир қатор халқ усталари Бадиий Академия академиги деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Ганч ўймакорлиги усталари Маҳмуд Усмонов ва Абдурахим Умаров, кулоллар Шариф Азимов, Ҳудайберди Ҳақбердиев (Самарқанд), Шарофиддин Юсупов (Риштон), Ботир Болтабоев (Хива), Акбар Ҳакимов (Тошкент), Шаҳноза Мўъминова (Тошкент), миниатюрачи рассомлар Ниёзали Холматов ва Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Наққош Сайдмаҳмуд Маҳмудовлар шулар жумласидандир. «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» таъсис этилиб, унга биринчи бўлиб. Заргар Фасҳиддин Дадамухамедов сазовор бўлди.

Ҳайкалтарошлиқда яратилган асарларда янги ғоявий-мафкуравий мухит таъсири, миллий ҳамда тарихий мавзулар устиворлиги ўз аксини топди ва йирик бадиий ёдгорлик ҳайкаллар барпо этилди.

Миллий боғнинг энг сўлим гўшасидан ўрин олган Алишер Навоий ёдгорлигига (Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяров. 1991) эса, шарқона яратилганлиги билан ажralиб туради. Бронздан ясалган ҳайкалда фозиллик аломатлари ўз ифодасини топган. Рамзий маънода барпо этилган меъмор детал эса, шоирнинг маҳобатли қиёфасини янада жонлантиради. Ҳайкал ишланиш услугига кўра умумлашма тарзда амалга оширилган. Яъни, майда деталлар фақат кўкракдан тепа қисмида, либослар ҳарактерида ва юз қиёфасида қўлланилган. Шоирнинг ўнг қўлида хасса билан тасвирланиши динамик ҳаракатни юзага келтиради. Биргина ушбу детал орқали ҳайкалтарошлар турли маъноларни очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Тошкентнинг гавжум ҳиёбонига ўрнатилган Соҳибқирон Амир Темурнинг маҳобатли отлик ҳайкали бадиийлиги билан ажralиб туради (И.Жабборов, К.Жабборов, 1993 йил). Реалистик услубда ишланган мазкур монументда кучли пластик ҳарактерлар кўзга ташланади. Амир Темурнинг жўшқин ички ҳиссиёти отнинг бироз бадиийлаштирилган кўриниши билан бирлашиб, унинг композицион тузилишини мукаммаллаштиради. Ҳайкал шаклан бетакрор ва майда безакли унсурлар билан бойитилган. Темурнинг бу

отлиқ ҳайкали 2 метрли таккурсига ўрнатилган бўлиб, унинг «куч адолатдадир» ҳикмати битилган. И.Жабборов мазкур асарини «Юрга қайтиш», «Панднасиҳат» ғоялари асосида яратилганини таъкидлайди. Монументда гўёки душманларни енгиб жанг майдонидан пойтахтга кириб келган Соҳибқирон фуқароларга бундан буён давлат хавф-хатардан холи бўлгани, тинчлик ва фаровон ҳаёт бўлажагини эълон қилаётгандек тасвирлаган. Соҳибқироннинг руҳий ҳолати юзида, ундаги имода яхши ифодаланган.

Фарғона шаҳрида ўрнатилган ёдгорлик ҳайкал очиқ осмон остида зиналар билан кўтарилиган сунъий баландлик устида қад ростлаган. Ҳайкал орқаси яримдоира кўринишда олти устун ва унинг устидаги уч қават зинасимон шарафа-карниз билан бажарилган. Бу миллий услубдаги меъморий деталлар ёдгорликнинг салобатини оширади. Қувадаги ёдгорлик бироз вазмин, ўйчан бўлиб, ромондо услубида бажарилган.

Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ҳайкали “тоғнинг устида турган бургутдай туради”. Чингизхондек ёвуз босқинчига қарши курашда мислсиз матонат, жасорат намуналарини кўрсатган Хоразмшоҳлар сулоласидан Жалолиддин Мангубердининг она шундай мард қиёфасини И.Жабборов томонидан яратилди (1998). Р.Миртожиев томонидан эса, “Захириддин Муҳаммад Бобур” (1993й, Андижон шаҳрига ўрнатилган), “Абдулла Қодирий” (1994 й., Тошкент шаҳрига ўрнатилган), “Чўлпон” (1997 й., Андижон шаҳрига ўрнатилган), “Она” (1999 й., Жиззах шаҳрига ўрнатилган) каби қатор бадиий нуктаи назардан йирик ёдгорликларни яратган.

Термиз шаҳрида эпик қаҳрамон Алпомишнинг рамзий ҳайкали бунёд этилди. Ҳайкалтарошликтарни мазкур композицион мажмуи, икки ёндағи бўртма тасвирларда Алпомишнинг ёри Барчин ва ўғли Ёдгор сиймолари Бойсун элининг тарихий манзараси асосида ифодаланган. Алпомишнинг маҳобатли қиёфасини очиб бериш учун турли унсурлардан унумли фойдаланилган. Чап қўлидаги камони озодлик ва эркликтарни тимсоли бўлса, ўнг қўлига қўним топган күш мактуб элтувчи восита сифатида ифодаланган. Бу мажмуа А.Раҳматуллаев, Қ.Норхўрозов, У.Мардиев, П.Подосин-ников каби ҳайкалтарошлар томонидан бунёд этилди.

Дастгоҳни ҳайкалтарошлиқда Т.Тожихўжаев Навоий, Улуғбек, Фурқат, Машраб каби руҳий ва маънавий жиҳатдан ўта мураккаб шахслар қиёфасини, уларнинг ички ҳисларини, юз мимикалари ва қарашлари орқали кўрсатишга ҳаракат қиласи. Унинг томонидан «Кураш», «Рақс», «Чавандоз» каби кичик хажмдаги плас-тиқ ишлари портретлар санъати реалистик бўлмай, балки, романтик, импрессион ва экспрессион оқимга мансубдир. «Баҳт қўши» асари эса «илон изи» тошидан ишланган бўлиб, қушнинг қифасида ғайриоддий, шу билан, эркесвар халқнинг асрлар давомида ички туйғуларида сақланиб келаётган ҳиссиётлари ўз ифодасини топган.

Д.Рўзибоевнинг композицияларини кузатар эканмиз ҳайкалтарошлиқ билан рангтасвирнининг ўзаро уйғунлигига гувоҳ бўламиз. Унинг кейинги йилларда яратилган «Жаз ижросига ҳамоҳанг бадиҳалар» (1998) туркумига янги бадиий жараёни ўзида тўлақонли ифодалайди. Бундан ташқари «Наврўз

маликаси» баҳорий ҳис туйғулар билан байрамона кайфиятда ифодаланган. Ҳайкалтарош бу асари орқали тарихга мурожаат этиб, аждодларимизнинг типик лиbosларидан унумли фойдаланиш орқали образни замон руҳига мослаштиради.

Ж.Қуттимуродов эса ўз ижодида қорақалпоқ оҳангларини ҳайкалтарошлиқ асарларига кўчирган. Унинг ижодига мансуб «Аёл», «Ўтирган соҳибжамол», «Амударё», «Оқкуш», «Қизил тож тақсан қиз», «Шоҳли Искандар» асарларида ҳайкал табиатини идрок этиш мумкин. Ж.Қуттимуродов томонидан яратилган асарларда эртаклар, ғаройиботлар олами намоён бўлади. Ҳайкалтарошнинг «Авесто» туркумидаги асарлари ҳам алоҳида эътиборга молик.

Р.Миртоҷиевнинг дастгоҳли ҳайкалтарошлиқ соҳасидаги тажриба ва кўнималари етарли даражада эканлигини у яратган «Бобур-Ватан соғинчи», «Шайх Бобур ва Темур Малик» (1990 й.), «Ёмғир» (1995 й.), «Беҳзод» (2000) каби асарларида кўриш мумкин.

Умуман олганда, 1990 – йиллар ҳайкалтарошлигида, асосан, тарихий сиймолар гавдаланди ва уларнинг сони кўпайиши бора-бора услуб жиҳатларининг янгиланиши билан бир қатор асарларда кўзга ташланади. Шунинг билан биргаликда, замонавий мавзулар, қаҳрамонлар образларига нисбатан кам аҳамият берилди.

Рангтасвирда бадиий жараён шиддатли ва серҳаракат кечди. 1991-2001 йилларда бўлиб ўтган кўп сонли кўргазмалар мазкур давр рангтасвири услуб ва композицион ечимнинг турли туманлигини тасдиқлайди. Республика умуммиллий кўргазмаларда Тошкентлик рангтасвирчилар асосий грухни ташкил этиб келмоқда, сўнгги йилларда эса рангтасвирнинг географик худуди Самарқанд, Андижон, Бухоро, Наманган, Нукуслар кўзга куинган марказга айландилар. Самарқандда энг ёрқин ва истеъодли рассом А.Исаев ҳисобланади. Наманганда эса И.Валихўжаев, П. Жалилов, М.Ашурматовларни кўрсатиш мумкин. Бухорода М.Абдуллаев, Б.Саломов, З.Сайджоновлари алоҳида кўрсатиш мумкин.

Замонавий ҳаётда асосий мавзу бўлиб келаётган Амир Темур образи, мазкур давр фаолиятлари бу галерияларда асосий ўрин эгаллайди. Бу образга М.Набиев ва Н.Қўзибоевлар мурожаат қилдилар. Улар ўзига ишонган, жаҳонгир хукмдор образини яратдилар. М.Набиев томонидан яратилган Амир Темур (1999) образи ўзининг сеҳрли жозибаси ва кучли таъсири билан замонавий тарихий рангтасвирнинг ўзига хос мумтоз асарига айланиб, этalon сифатида қабул қилинди. Ушбу рассом томонидан яратилган Захириддин Маҳаммад Бобур портрети романтик тарзда ечилган. А.Маматова полотносида ҳам Бобур образи – ажойиб шоир сифатида ўзига хос талқин этилади. Таниқли портретчи рассом С.Раҳметов Темурийлар даври тарихий шахслар образларини маҳорат билан яратади (71-расм).

Темурийлар даври буюк миниатюрачи рассом К.Беҳзходнинг ҳаётлигига ишланган ва ҳозиргача сақланиб қолган портрети А.Икромжонов «Камолиддин Беҳзод»га (1997 й.) бағишиланган композицияси, шунингдек А.Абдуллаевнинг А.Навоийга (1997) бағишиланган полотносининг асоси

бўлди. Темурий маликаларга аталган туркум портретлар О.Мўминовнинг қаламига мансубdir. Бу композицияларида рассом «Шарқ аёллари» (Бибихоним, 1997)га хос романтик ва эҳтиросли жиҳатларини талқин этади. Ч.Аҳмаров шоира Нодира (1992)нинг жозибали қиёфасини яратади.

Тарихий шахслар образини яратишда рассом олдида мушкул вазифа туради. Чунки камдан-кам ҳолатлардан мустасно тарздагина тарихда уларнинг ташки қиёфалари ҳақида ҳеч қандай далиллар сақланиб қолмаган. Бунинг натижасида ўзида замонаси руҳини тимсоллаштирувчи умумлашма тарздаги рамзий портретлар вужудга келмоқда. «Жалолиддин Мангуберди»га (1997) бағишиланган Т.Курязов ва Э.Машариповларнинг ишлари, М.Йўлдошевнинг «Алпомиши» (1998-2000) достони қаҳрамонига бағишиланган туркум асарлари, Э.Машариповнинг «Алпомиши» (1998), Қ.Башаровнинг «Спитамен» полотнолари шулар жумласидандир. А.Икромжонов, Т.Қўзиев, М.Нуриддинов, С.Рахметовлар жадидлар портрелари туркумларини яратдилар.

Э.Машарипов ва А.Алиқуловларнинг «Амир Темурнинг Тўхтатамишон устидан ғалабаси» (996), З.Фаҳриддиновнинг «Зафар» (1997), М.Нуриддиновнинг «Сайд Барака Амир Темурни ҳокимият рамзи - ноғора ва ғалаба байроғи билан тақдирламоқда» сингари сюжетли асарларда Амир Темур енгилмас саркарда, ўз халқининг шавкатли ўғлони сифатида гавдалантирилган. Бу кўп фигурали композициялар ўзида очик ҳаракат майдонини намоён этадики, Амир Темур доимий тарзда марказий, бош қиёфа тарзida талқин этилади. Буюк саркарданинг яратувчанлик фаолияти С.Абдуллаев полотноларида акс этган бўлиб, мазкур асарларда у буюк меъморий обидалар фонида тасвирланади. («Амир Темур Бибихоним масжиди курилишида», «Осмонинг беғубор бўлсин Туркистон»).

Ушбу композицияларни шакллантиришда тарихий воситалар ва либослар ҳам аҳамият касб этади. Бунда мазкур даврга тегишли бўлган ёзма манбалар, меъморий ва санъат обидалари талқин этилиши муҳим ўрин эгаллайди. Фикримизнинг далили сифатида А.Алиқуловнинг этнографияга урғу берилгани - яъни маиший ҳаёт буюмлари, давр бинолари интерьери, каштачилиги, гилам, қурол-аслаҳалари қунт билан ишланган «Асов от», «Дор», «Машшоқлар» (1997) каби композицияларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистонда кучли реалистик мактаб таркиб топиши ажойиб портретнавис-рассомлар сулоласини вужудга келтирди. Улар орасида А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Р.Чориев, Т.Оганесов, В.Бурмакин каби портрет усталари жаҳонда кенг тан олинганлиги эътироф этилди.

Ўзбек рангтасвирида портрет жанрининг асосчиси, етакчи портретнавис, академик А.Абдуллаевнинг қаламига мансуб ҳар бир портрет кишиларнинг чуқур маънавий дунёсини акслантирувчи, рассом билан портрет қаҳрамони ва портрет билан томошабин ўртасида ҳақиқий ва очик муносабатни тақозо этади. 1999 йилда А.Абдуллаевнинг 1984 йилда ишланган машҳур автопортретини турли давр ва халқларга мансуб буюк рассомлар автопортретлари сақланаётган дунёнинг йирик тўплами,

Уффицидаги (Италия) картина галереясига бериши Ўзбекистон санъати учун оламшумул воқеа бўлди.

Академиклар Р.Аҳмедовнинг «Жиззаҳлик аёл» (1992) «Нигина» (1993) портретларида оддий инсонлар, қишлоқ кишилари бўлиб, айнан уларда мусаввир донишмандликни маънавий покликни, юксак ахлоқий қоидаларни гавдалантируса, Р.Чориевнинг эса «Бойсунлик қария» (1996), «Сайроблик гўзал» (1997) каби ўзбек халқининг энг яхши маънавий-ахлоқий фазилатларини тараннум этувчи мураккаб композицион ечимдаги портретлари яратилди.

Ажойиб рангтасвирчи А.Икромжоновнинг илк ишларида реалистик асос кучли таъсир кўрсатади. Унинг портретлари юксак маҳорат ва диққат билан ишланганлиги, бўёқларнинг фактурали қўйилиши, натурани, ҳатто, фотосуратгача таҳлил этиб чизилганлиги, шунингдек, образнинг руҳий тўлақонлиги («Малика портрети» (1993), «Мадина» (1993)) билан ажралиб туради.

Рассом Р.Худойбердиевни портретлари ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. («Хажар хола») (1999). Аввалги усталар услубини қўллаган ҳолда мусаввир ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз, тўқ фонда портретлар яратадики, улар қаҳрамон қиёфасини янада мукаммалроқ чиқишида етакчилик қиласди. Унинг ажойиб асарларидан бири «Бастакор Р.Абдуллаев портрети»дир.

Портрет жанрида Б.Жалолов реалистик чизмалар яратишида мислсиз даражага эришадики, бу борада «Саудия Арабистони қироли Аравий фахд ибн Абдул Азиз» (1992), «Академик С.Азимов портрети» (1998) ва бошқа полотноларни мусаввирнинг ўзбек рангтасвирчилари орасида дунё талаблари даражасида яратган асарлари сирасига қўйиш мумкин.

С.Рахметовнинг кейинги йилларда яратган энг яхши портретлари қаторида «Юнус Ражабий портрети» (1993), «ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Г.Кун портрети» (1999) алоҳида аҳамият касб этади.

Аёл рассомлар А.Маматованинг «Юлдуз Усмонова портрети», Ш.Абдуллаеванинг «Ўзбек мадоннаси», М.Шуваеванинг «Лола» портрети, З.Шарипованинг «Автопортрет»лари ҳам шу даврларда яратилган.

Портретчи рассомлар қаторида ўз матоларида замондошларимиз образларини муҳрлаган Й.Турсунназаров, Б.Саломов, И.Баҳромов, Ч.Бекмиров, М.Нуриддинов, О.Бакиров, Б.Назаров ва бошқаларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Водий ва тоғларнинг лирик манзаралари (Р.Аҳмедов, Н.Қўзиев, М.Сайдов, Ю.Стрельников) ва қишлоқ, шаҳарлардаги янги ҳаётнинг аломат ва хусусиятларини намоён этувчи (В.Зиёев, В.Енин, Ю.Талдикин, А.Жибоев, М.Тошмуродов) жанрли манзаралар яратилди.

Рассомларнинг янги авлодига мансуб реалистик йўналишида Р.Шодиев ўз ижодий ғояларини бирмунча эҳтиросларга буркаган тарзда намоён этади. Мусаввирнинг «Манзара» (1999), «Байрам» (1999) сингари қарама-қарши ижодига хос бўлган ёрқин рангларда бажарилган асарларга қараганда, 1999 йилда ишланган «Даштда тонг» картинаси кўк-кулранг қора совуқ гаммада

яратилганлигига қарамай, кутилмаганда ўзида мукаммал композицияни гавдалантиради. А.Мирзаевинг «Ўтмишдан эртаклар», «Сўқмоқда» (1995), «Қизил тоғ этагидаги учрашув» (1996) асарларида оддий мавзулар асосида рангин ифодавий воситаларни кучайтиришга интилиш сезилади.

О.Қозоқов миллий романтиклик бироз ёрқинроқ ранглар ва мураккаблаштирилган композицион ечимда шакллантирган асарлар яратди. Унинг аксарият асарлари халқ фольклори ва достонлари асосида вужудга келгандир. Бу борада «Канизаклар» триптихи (1996) алоҳида эътиборлидир.

Рангтасвирли безаклик, кескин пластик ечимлик, шунингдек чизиқлилик Чингиз Ахмаров ва унинг шогирдлари С.Рахмонов ва Ш.Абдуллаева ижодида миниатюра анъаналари сингдирилган.

Шунингдек, шундай хусусиятлар самарқандлик Т.Шоймардановнинг («Ҳаётнома» триптихи, 1991 й) ва Тошкентлик рассом Э.Зайниддиновнинг («Халқимга» 1991 й) картиналарида кузатиш мумкин. Миниатюрачи рассомлар Н.Холматов, Б.Йўлдашевлар ўзларини дастгоҳли рангтасвирда ҳам синовдан ўтказдилар.

Йирик рангтасвирчи рассом Николай Шининг теран ғояли асарлари бир вақтнинг ўзида фожеавий оҳанг беради. «Хотира йўли» номли туркум асарларидағи кайфиятга салбий таъсир этувчи оҳанглар «Сўқоқ» туркумларида қувноқ безакдор оҳанглар билан алмашинади. Сўқоқ манзаралари туркумида услубнинг шартлиги ва безакдорлиги манбаи - бу Кореяда ҳам, Ўзбекистонда ҳам халқ амалий санъатининг анъаналарига ўхшашиликдир. Булар фольклор мавзулари ва нақшлар, турли хил халқларга мансуб тўқилган матолар ва кашталарнинг чекмалари, миллий ўйинчоқларининг услубий ўхшашилиги, инсон ва табиат уйғунлашувининг белгисидир. Улардан Н.Шин ўз нигоҳидан ўтказган ҳолда аслан мавжуд бўлмаган, аммо чинакамига ғаройиб реал оламга айланадиган санъат асарларида фойдаланади.

Умуман олганда изланиш ишлари олиб борилаётган мазкур даврда Ўзбекистон рангтасвирнинг миллий-романтик йўналиши ривожланишининг янги қобиғига кирди ва замонавий рангтасвирнинг ёрқин бадиий жиҳатларидан бири бўлиб қолди.

В.Охунов, С.Алибеков, Б.Жалол, Ф.Бойматов, Ж.Умарбеков, Л.Иброҳимов, А.Исаев, З.Сайджонов, В.Ким,, Ж.Усмонов, Ф.Қодиров, Н.Имомов, А.Турдиев, Ф.Аҳмадалиев, Р.Акромов, А.Нур, Ш.Ҳакимов, М.Қорабоев, Т.Аҳмедов, Б.Муҳамедов, Б.Исмоилов, Н.Шоабдураҳимов, Т.Каримов ва бир қатор бошқа рассомлар ижодида фалсафий-таҳлилий ва ассоциатив-мажозий йўналишлар ўзининг тўла аксини топди. Шу билан бирга таҳлил мобайнида ушбу рассомларнинг ижодига алоҳида баҳо беришда ўзига хос ёндошилиб, мавжуд умумий йўналишга хос алоҳида хусусиятлар билан бирга, уларнинг ҳар бирининг шахсий услуби ҳамда рангтасвирни кўра билиш қобилиятга эга экани намоён бўлади. Тўла маънода уларни авангардчилар дейиш мумкин бўлмасада, айнан шу гуруҳ рассомлари Ўзбекистоннинг 90-йиллардаги рангтасвириининг янги услубиятини важдуга келишида асосий ўрин эгалладилар.

Охирги ўн йилликда В.Охунов ижодида 90-йиллар бошида яратган («Шарқона қиёфалар», «Инкрустация» «Будданинг тонгги сайри» 1991) мавсумий-безакдор мавзудаги туркум асарлари, унинг кейинги ғоявий мураккаб асарларига асос бўлди («Медитация» туркуми 2000). Бу асарлардаги чуқур фалсафий ғоя ўзининг мазмунини нодир ижод шаклида намоён қиласди. В.Охуновнинг янги пластик ечимлар изланиши натижасида вужудга келган ноёб лойиҳали инсталляциялари, 2000 йилда Олмаотадаги халқаро танловда Гран-прига сазовор бўлди.

Республиканинг етакчи рангстравирчиси Б.Жалоловнинг шу даврда яратилган асарлари 80-йилларда юзага келган асарларининг тадрижий давоми тарзида шаклланиб, мутлоқ янги шаклий ва ёрқин ғоявий пластик ечимларини ўзида намоён этди. Бинобарин, мусаввирнинг ижодига юксак маҳорат, рангтасвир пластик ечимларнинг бетакрор нафосати, коинот ва табиат, инсон ва борлик уйғунлашуви, мавжудлик ва руҳият мусаффолиги каби мавзулар ўз мұхымлигини сақлаб қолди.

Унинг чизмакашлик истеъоди яна такрор шаклий рангтасвирга мурожаат этишга ундайди. Рассомнинг ижодий заковати эвришларга ҳамоҳангидир. Б.Жалоловнинг янги тарихий воқеанинг ғоявий қадриятларини акс эттирувчи «Олтин аср» (1999) асари сиёсий воқеликка муносабат тарзида вужудга келган бўлган, унда Хумо қүшининг қаноти остида отлиқ Амир Темур ҳамиладор аёл ҳамроҳлигига тасвирланган композиция, расм ва ранглар мажмуаси назокати Сальвадор Далининг ҳаёлий асарларини ёдга солади. Миллий тимсолларнинг Ғарб эстетикаси билан уйғунлашувида мусаввирга хос Шарқ билан Ғарбни узвийлиқда мушоҳада этиш хусусияти аён бўлади.

Мусаввирнинг ҳаётий шакллар олами чегараларини бузиб, беинтиҳом фантазияларини гавдалантириш истаги маъжозий силсилавий талқинданги кўплаб асарларнинг яратилишига олиб келади. У маҳобатли рангтасвир соҳасида аввалгидек шаклий ифодага мо-йиллигини сақлаб қолсада, дастгоҳли рангтасвирда ўз ҳаёлотига чексиз эрк берди. Бироқ, у ранг, шакл, чизиқларни жилолантирар экан, ҳар сафар рангтасвирнинг янги имкониятларини ишга солиб, ўзини ҳеч тақрорламайди.

Хуллас, унинг «Борлиқ сирлари» (1991), «Мұхабbat боғи» (1992), «Коинот устунлари» «Бухоро» (1991), «Темур минораси» (1996) асарларида декоративлик бошчилик қиласи эди. Ушбу асарларда чуқур фалсафий ечим ёрқин декоратив ва апликацион композиция тамойиллари билан уйғунлашган.

Б.Жалолов айрим композицияларида юмшоқ чизгиларни афзал кўриб, («Меърож» (1996), «Шоир ва илҳом париси» (1996)) уларда ислом санъати эстетикасини тарғиб этса, бошқаларида эса ўткир ва аниқ шакл, ҳамда чизгиларни тасвирлаш билан мудроқ туйғуларни уйғотишга ҳаракат қиласди. («Ой нури» (1995), «Күшонлар хотирасига» (1998)). 1999 йилда Бадиий Академиянинг Марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтган Б.Жалоловнинг шахсий кўргазмаси, унинг ёрқин ва тўкин иқтидори намойиши бўлди.

1980 йиллар ўрталариға келиб «Инсон тафаккури» ва «Мен инсонман» сингари оддий, шунингдек, тасвирни олийжаноб, юксак кайфият ва хитоб билан ифода этувчи рассом Ж.Умарбеков, яна ўн йиллар ўтгач томошабинга қувноқ ва ҳатто нимаси биландир ғайритабиий асар («Таомил», «Кўча чархчиси» «Лўли»)ларни намойиш этиши унинг ижодига бўлган қизиқишини янада жонлантириди.

1980 йиллар ўрталари 1980 йиллар бошлари санъати кишилар онгида ҳаёлий, майший-ижтимоий ғоя тарқатувчи позитивизм эстетикасининг инқирозига учраганилиги ўз аксини топа бошлади. Лекин, Ж.Умарбеков рангтасвирни баҳолашга ошиқмади, балки ўз мулоҳаза ва ҳиссиётлари билан унга содик қолиб, ўзининг ички кечинмаларини ҳеч қандай ҳовлиқишиз изхор эта олди. Бу эса ўзининг фожиавий оҳанги билан П.Пикассоning машҳур «Герника»сига жуда яқин бўлган «Зилзила» номли композициясида ёрқин намоён этилган.

Ўзининг колорити билан оҳанграбо қўшиқ сингари жаранглаб турувчи «Ҳаворанг мусиқачилар» картинаси, гўё узоқ вақт кутилган тонгдан дарак бераётгандек тасаввур уйғотади. Бу асар маълум даражада унинг 1990 йиллар бошларида вужудга келган туркум картиналарининг мантиқан зид томонларини тушунтиришга ҳизмат қиласди.

Миллий ҳусусиятга эга бўлган палитранинг барча қудратли томонини кўрсатишга бўлган интилиш Ж.Умарбековни тор доирадаги миллий услубий «чегара»дан чиқиб кетишга ундейди (ушбу чегарада-ёрқин безаклар ранглар, майший атрибулар, шунингдек ҳаётга ижобий муносабат бир-бирига араласиб, фикран боғланади). Руҳий кайфиятнинг рангин жилоси ва ўзбекона миллий ҳусусиятлар шубҳасиз кенг ва бойдир. Ж.Умарбеков буни ҳис қиласди, унинг ишларида кайфиятнинг кенг гаммаси, оҳанг, жўшқин қиёфали нозик ранглар, ҳалқнинг ўзига хос миллий фазилатлари иштирок этади. 90-йиллар бошларида яратилган янги масрур оҳангдаги асарлар юқоридаги фикрларин тўла тасдиқлайди, яъни ўз-ўзини англаш ва уни ижодда эркин кўрсатиш мантиқан Ўзбекистон давлати мустақиллиги жараёни билан боғланади.

С.Алибеков асарларида гўё воқеаликдек тез ўзгарадиган, ўтмишдек мустаҳкам нарса йўқ демокчи бўлади. Аммо, учлик - тарихдан, маданият унинг ваъзхонлик йўли билан ўзгартиришга қаратилган интилиш мавжудким, бунда насихатгўйлик аломатлари мавжуд. С.Алибеков ишлари нафис рангларга бойлиги ва жозибадорлиги, образларнинг кўтаринки руҳдалиги, ажойиб колорити билан фарқланиб туради. Унинг композицияларида тарихий унсурлар, афсонавий ва маъжозий персонажлар ҳамда оҳанглар алоҳида бир ҳаёлот оламини ташкил этади, уни ўзига хос сехрли достон дейиш мумкин. Воқеалар таъсирида том маънода фикрлар муносабатида рассомлик, ўйлаб топилган саҳналар замерида ички маъно, изчил теранлик мавжуд бўлиб, ҳикоя баёни лўнда, маъжозий ва ҳикматли фикрларга уйғунлашиб кетади. Рассомнинг сўнгги йилларда яратган туркум асарларида инсон ҳис-туйғулари ва қалб изтироблари ажойиб ҳаёлий афсонавий талқинда ифода этилган. Ҳар бир

композицион асар - катта спектаклнинг бир парчаси - яхлит бадий воқеаликнинг негизи мазмунини ифода этувчи жозибага эга.

С.Алибековнинг ғайри-оддий, шоирона, чуқур мушоҳадаларга ундовчи ишлари ҳам борки, уларда рассомнинг нафис ҳаёлий олами ва бадий истеъоди йўғрилган бўлиб, бу унинг ўзини (яъни рассом шахсини тўла намоён этади. «Пиёнгул гуллаган лаҳза» (1995), «Ғаройиб шарбат ҳиди» (1996), «Сузайтган фламинго учун харорат» (1996) «Мувозанат боғи» (1997) ва бошқалар шулар жумласидандир (72-расм).

С.Алибеков ижодида бош йўналиш-шоирона фикрлаш, ижодий фикрининг ёрқин парвозидир. Уларда кўпроқ илиқ-совуқ ранглар ўйинига урғу берилиб, макон ва ривожланишдаги ечимлар: ҳаракатни, суръатни ёки аксинча тўхтаб қолган вақтнинг (йиқилаётган таёқча, аскар ҳолати, капалаклар парвози, қадимги тритон юқори қисми одам, ярми балиқ думи шаклидаги денгиз худоси, тошга айланган ниқоб ва бошқалар) ҳис қилиш хусусиятлари устунлик қиласди.

Графикачи рассом Леким Ибрагимовнинг ўзи учун янги ижодий йўналишда ўз услубига содиқ қолади: ишланмаган матода, шиддаткор чизгиларда кўхна Турфон деворий суратларидан илхомланиб, енгил ва нафис шаклларни яратади. Л.Ибрагимов рангтасвирида аёллар образи етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, Буюк уйғур маликаси («Малика», 1997), табиат қўйнидаги ором олаётган ёки саҳнада рақс тушаётган қизлар («Соҳилда» 1989, «Саҳродаги рақс» 1998). Қадимги Хўтон аёллари («Хўтон аёли» (1995), рангдор хонатлас кийган ракқосалар («Атлас қушлар», 2000) бунга мисол бўлади. Унинг «Амударё» (2000) асарининг композициясида жаннатмакон Осиё заминини тараннум этган дарё образи аёл қиёфасида ифодаланган. Барча мавжудот ва маҳлуқот унинг теварагида мужассамдир.

Сокин ранглар мажмуи, доимий ранглар нафосати, чизмаларга хос шартлилик, аён воқеалиқдан нусха кўчирмаса-да, мусаввирнинг индивидуал дунёқарашини ўзига хос бетакрор композицияларда тараннум этиш ва нафақат мусаввирлик, балки шоирона истеъодод соҳиби бўлган Л.Ибрагимов асарларининг белгиловчи хусусиятидир.

Мусаввир Ақмал Нур ижодида муҳаббат мавзуи ва унинг умуминсоний аҳамияти етакчилик қиласди. «Севги олмаси», «Муҳаббат боғи», «Муҳаббат дарёси» (1995), «Муҳаббат ороли» (1998) асарлари жозибли номланган. Мазкур асарларда мусаввир турли рамзий маъжозий тимсоллар, яъни ой, ҳўқиз шоҳи, балиқ, қайиқ кабиларни қўллайди. Бироқ, ушбу картиналарда асосий маъно ва умумий пластик йўсингни олма мавзуси эгаллайди. Баъзан эса олма бўлинган холда, унинг фонида эса севишганлар, баъзан эса олма ҳавода муаллақ ҳолатда тасвиранган. Мавзунинг ботиний мазмуни астасекин иккинчи планда берилиб, олма тасвири муваффақиятли жойлаштирилиб, услубни маҳорат билан алмаштириб туради. Бу даврда яратилган асарларнинг босқичлари сезиларли даражада бўлиб, мусаввирнинг 1998-йилда яратилган «Муҳаббат ороли» полотноси, 1995 йилдаги асарларидан томошабинга енгил кайфият баҳш этиши ва композицион ечимнинг нафислиги билан ажралиб туради (73-расм).

Рассомнинг бу туркумдаги картиналари безакдорлик услубининг нозиклиги билан 1998 йилда бажарилган «Илҳом париси», «Риштон натюрморт», «Даҳлдорлик», «Доира чалаётган қиз» асарларига жуда яқин туради. Шундай қилиб, мазкур асарлар рангтасвир вазифаларини расмийлаштиришга уриниш, янада муайян ва мавхумроқ пластик формулаларнинг изланиш билан А.Нур ижодидаги янги йўналишини аниқлайди.

Аслиддин Исаевнинг «Бибихоним» (1992) полотносининг бадиий замирида қандайдир сирли ва ҳаётий оҳанг бор. Мазкур асар ва шу сирага кирадиган «Доҳил бўлиш», «Йўлда», «Шам» каби асарлар сир-асоррга чулғанган бўлиб, ўзида кўп маънолик, режадорлик сирини мужассамлаштиргандир.

Истеъдодли рассом Ж.Усмоновнинг («Қушлар» «Ёлғизлик водийси», 1992, «Севишганлар», 1992; «Англаш», 1993; «Мушоҳада», 1994) деб номланган туркум асарлари ўзгача шеърий оҳанг таратади. Мусулмон маданиятида қуш - «қалб» тимсоли, сўфий руҳини қалбнинг доимий мангуликка кетиши олдидағи ўз асли билан қайта бирлашишга интилиши. Сўфий тилининг тилининг қўш тили «забони мурғон» деб анъанавий номланиши тасодифий эмас. Ўрта асрлар миниатюра манзараларини ифода этиш анъаналарини давом эттириб, Ж.Усмонов табиат ва унинг бир бутунлигини, чексизлик ва ўзгарувчанликни яхлит мукаммал ўйғунлик сингари талқин этади («Кузги зикр», 1994. Учлик, «Баҳорги шиддат», 1996; «Уйғониш», 1997).

Ж.Усмонов асарларини яширин ва моддий дунё орасилаги уйғунликка эга эканлиги билан Шарқнинг ўзига хос мумтоз санъатининг ёрқин намунаси сифатида қабул қилинди. Темур Аҳмедов рангтасвирида шаклий ижод нафислиги, рангларнинг нозик безакдорлиги, истеҳзо ва туйғу самимийлиги, енгил кулгу мавжуд.

Т.Каримов ижодида реалистик услубдаги ишлар билан бирга экспрессионистик асарлар ёнма-ён бўлиб, кишида ақл ва туйғуларнинг зўриқкан қарама-қаршилигини, чизгилар ва рангли доғлар бўртишини, композициянинг кўламли моделлашуви ва якка безак талқинини, шоирона ташбеҳларни ҳосил қиласди.

Қалам чизгининг бежиримлиги ва лўнда, зид рангларнинг барада жаранглаши унинг бир неча асарларига хос. Балки бу туркумдаги асарлар марказида латифлик рамзи сифатида отларнинг тасвир этилиши тасодиф эмасдир («Зарғалдоқ тусда» 1999). Мавҳумлаштирилган ранг ва муҳит етакчи майин чизиқлар уйғунлигига шоирона кайфият ҳосил қиласди. Гўё бир қарашда ҳеч қандай фикр сингдирилмагандай туюлган сюжетлар, отни кучоқлаб турган бола, қўлида олма ушлаган қизча - ҳаётнинг ҳақиқий қадриятлари ҳақида мулоҳаза юритишга ундейди.

Н.Шоабдурахимов картиналарида аёл, муҳаббат, оила асосий мавзу ҳисобланади. У ҳам бошқа ёш рассомлар қатори рангтасвирида йўл қидира бошлиди ва у шахсий ижодий услубининг асоси сифатида халқ амалий санъатида оммавий бўлган «қуроқ» техникасини танлади, бу услуб шабҳасиз

хеч йўқотишларга йўл бермайди. Халқ санъатининг мумтоз мероси бўлган бу ижод турли рангтасвирда шакл изланишларига мос тарзда аталиб замонавий рассомларни илҳомлантирган, ундан турли хил даражада муваффақият билан фойдаланилади. Бир қараганда осон туюладиган бу услугуб алоҳида ранг ўйғунлигини ва композиция тузиш маҳоратини талаб этади.

Н.Шоабдураҳимов рангтасвир муҳитини, унда жойлаштирилган фигуralарни рангли мозаикага ўхшатади, бунда ранглар ўзаро зид ҳолда ёхуд ягона тусга бўйсундирилади («Одам Ато олган олма», 1992; 1998). Ҳар бир композиция худди декоратив панно сифатида қабул қилинади, ундаги сюжет кўпроқ иккинчи даражага тушиб қолади.

Б.Исмоиловнинг «Анор суви» (1998) номли асарида қўнғироқ устаси ўзига ўхшаган ниқоб ясовчи ўз қаҳрамонлари орасида сингиб кетмоқда. Унинг «Одам-кушлар» деган картинаси эса ҳаётнинг мангу байрами ҳақида сўйлаб, тушларимизда оралаб юрадиган дайди масҳаравозлар ва созандалар, одамлар, ҳайвонлар, мевалар, олти қанотли қушлар афсонавий бир дунёни акс эттиради. Тушларнинг ранго-ранг хазинаси бизга янгидан-янги ғаройиб-ажойиб нақшларни тақдим этаверади. У дунёни даврлар, тақдирлар ва ҳистойғулар алмасиб, интиҳосиз ҳаракат пайдо қилувчи улкан сахна тимсолида кўринади.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, 1990 йилларга келиб, кўпгина рассомларнинг дунёқарашлари ўзгарди, рангтасвирда янги бадиий шакл ва ғоялар пайдо бўлди. Кўк отларни (Т.Каримов), сариқ товусларни (Ғ.Қодиров) ёки ўркачларида ўсган буталарда қизил олмаларни кўтарган туяларни (Ф.Аҳмадалиев) қора, ярим оқ ой остида тинч туришини кутилмаган, зид рангларда қачон кўриш мумкин эди. Бу гуруҳнинг бошқа рассомларида эса реаликка баҳо, тавсия бериш деярли истисно дейиш мумкин. Биз уларнинг асарларида холис, беор, лоқайд дунёнигина кўрамиз. Гўзал манзара етарли бўлса-да, қушлар ҳеч нима ҳақида қўйлашмайди (Ж.Усмонов). Севишганлар баҳслашмайди, рашқ қилишмайди, факат ўзларининг ширин ўй-ҳаёлларига ғарқ ҳолатда (Ш.Ҳакимов, Л.Ибрагимов) гавдаланишади. Сюжетларнинг ранг-баранглиги асарлардаги декоратив йўналишларга зид келмайди, уларни мураккаблаштиrmайди (Ж.Умарбеков). Ва ҳаттоки, фаол тимсоллар (қизил ва оқ атиргуллар фожеавий қора ёки кўк либослар фонида, зид ранглар муносабатида). Бу гуруҳ рассомлари асарларида ички хотиржамлик ва роҳат фароғатни бузмайди (Ғ.Қодиров). Ана шундай гуруҳ вакилларидан бири - А.Нурнинг 1997-1998 йилларда ишланган «Эврилиш», «Хумсан мунчоқлари», Хумсаннинг кумуш тонги», «Куз бўйлаб чопаётган» асарларида аҳлоқий-фалсафий хулосаларга интилмайди. Унинг туркум картиналарида ойдинлик, шарқона нағислик, кўркамлик уфуриб туради. («Оқ шеър», «Малика», «Оҳанг»), шахсий фалсафа, панд-насихат кўринмайди.

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг шахсий услубнинг, бошқача пластик ифода тили, алоҳида ташбеҳли усуслар ва тимсоллар доирасида изланишлар дунёга келди. Бунинг устига аввалги санъат фалсафасидан фарқли ўлароқ, турли ёшдаги рассомлар ижодида бир-бирига ўхшамаган

услублар яратишга интилиш иштиёқи сезилади. Янги рангтасвирдаги фалсафий-ижодий муносабатда дидактик оҳанглар истисно қилинмайди, аммо, улар анъанавий панд-насиҳатдан кўра қўпроқ фаол мушоҳада қилишни ёдга солади.

Рангтасвирдаги реалистик йўналиш замонавий бадиий жараёнда ўз моҳиятини сақлаб турибди. Мустақиллик шарофати билан рангли тасвирдаги бадиий услубий манзара янги хусусиятларга эга бўлди ва бойиди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг миллий санъати, жаҳон, Европа ва собиқ совет ҳудудидаги республикалар санъати орасида маҳаллий ҳам, ўта новаторки, авангард ҳам бўлмаган ҳолда намоён бўлади. 90-йиллар рангтасвирчилари бадиий йўналишда тўнтариш ясайдиган ҳаракатларга киришмадилар, уларнинг киритган янгиликлари «сокин инқилоб» тусини касб этди. Ўзбекистонда 90-йилларда услубий жиҳатдан ўзига хос рассомлар гуруҳи шаклланди, уларнинг ижодига қизиқиши ҳам сусайгани йўқ. Рассомлар ижодида эврилишлар содир бўлмоқда. Янги пластик йўналишларда жо қилган ҳаёлий эртагу-достонлар, халқ оғзаки ижоди ва маталлардаги тимсоллар, сюжетлар, турли хил расм-руслар ва маросимлар билан боғлиқ белгилар ҳамда рамзлар улар рангтасвирининг янги босқичини белгилаб берди.

1990 йилларга келиб маҳобатли рангтасвир санъати ривожини асосий мезонларда ижодий эркинликни, мавзу, ҳолат ва услубий усувларнинг эркин танланиши, энг муҳими эса бадиий меросимизнинг бой анъаналарига мурожаат қилинишини намойиш этувчи янги сахифа очилди, бадиий жараён бирмунча қизиқарли ва серҳаракатлик билан кечди.

Бу даврда маҳобатли рангтасвир соҳасида алоҳида аҳамият касб этувчи бир қатор туркум деворий суратлар Б.Жалолов томонидан яратилди.

Рассом Тошкентдаги «Туркистан» концерт саройининг ички интерьерида Шарқ лирикаси мавзусида ишланган «Умар Ҳайём туши» асарида у композициянинг ажойиб пластик ва ранглар ечимиға эришган. Ўзбекистон Миллий банки биноси ички қисмдаги «Нимага туғилганимни ҳеч ким айтмади» (1993). Интерконтинентал меҳмонхонаси интерьеридаги «Наврўз», «Афросиёб», «Тун маъбудаси» (1996) каби панноларида дабдаба ва кўпфигуралилик тақрорланмайди. Таркидунёчиликни ифода этувчи атрибулар, қандайдир «сўфиёна» мухит вужудга келади, рассом ўрта аср диний мистик таълимотининг боқий дунёвий руҳини ўз мушоҳадасида акс эттиришга интила бошлайди. Маҳобатли рангтасвир композицияларида аввалари кўп мурожаат этган қиёфалар, яъни тарихий арбоблар, масҳарабозлар ва сервикор ракқослар ўрнини эндиликда наво қилаётган файласуф-шоирлар ва дарвишлар эгаллай бошлайди.

1995 йил Ўзбекистон ҳалқлари тарихи Давлат музейи ички деворида у илк маротаба йирик ҳажмда Ўзбекистон тарихи ва ўтмиш маданияти ҳақида ретроспектив тарзда ҳикоя қилувчи «Абадият гумбази остида» номли композицион асарини яратди (74-расм). Бу панно янги Ўзбекистоннинг рамзий ғоясини ифодалашда, тарихий ва маданий меросини эълон қилишда ўзига хос аҳамиятга эгадир. Томошабинлар кўзи ўнгидаги буюк

ватандошларимиз сиймолари, Ўзбекистоннинг бадиий меросидаги шоҳ асарлар, бой миллий тарихимизни ўзига хос босқичларини аниқлаб келувчи даврлар гавдаланади.

Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарларида жуда кенг тарқалган мавзулар Б.Жалолов ишларида кутилмаган нозик матнда акс этади. Ўз фикрларини дунёни хис этиши миллий англаш орқали беришга интилиши унинг бош вазифасига айланиб қолди. Бу борада муаллиф шундай ёзади: «Бухоро, Самарқанд маданият меросидир, уларни мен миноралар орқали эмас, қиёфа ва миллий ҳусусиятлар орқали моҳиятан англашга ҳаракат қиласман».

Б.Жалоловнинг асарларида академик мактабнинг мустаҳкам анъаналари, шунингдек, бой ҳаёлий тафаккурга эга рассомнинг Farb ва Шарқ санъати эстетикасини усталик билан уйғунлаш-тиргани сезилади.

А.Алиқулов ва у билан ҳамкорликдаги муаллифларнинг ке-йинги йилларда ишларида уларни ўз пластик тилларини топишга уринганликлари натижасида бирмунча бошқачароқ услубда ишланганлигини эътироф этиш жоиз. Рассомлар ёш томошибинлар театри интерьери учун ишланган «Жаҳон ҳалқлари эртаклари» мавзусидаги деворий суратда ёрқин ясси-безакдорлик тарзида машҳур эртаклар қаҳрамонлари дунёсини гавдалантиради. Рассомлар интерьернинг маълум меъморий қисмларидан шунчалар муваффакиятли ва унумли фойдаланишганки, кириш эшиклари, шуниндек деворий ясси қисмлари композициянинг мазмуний ва пластик жиҳатлари билан уйғунлаштирилган. Деворий рангтасвирнинг композиция ва рангдаги ечими юксак маҳорат билан бажарилган.

А.Алиқулов бошчилигидаги гурӯҳ (А.Агаҳанян, Б.Олимхонов, Ш.Бахриддинов) Тошкентдаги Олимпия шуҳрати музейи интерьериининг деворий сурати ечими ўзига хос, яъни ҳаракатчан тарзда ечилган илк режали композициянинг монохром силуэтидаги антик атлетларга қарама-қарши ҳолатда шарқ курашчилари, камондозлари ва чавандозлари қиёфалари тасвирланган. Шунингдек, шу гурӯҳ рассомлари томонидан Мудофаа музейи интерьери учун (1990 йиллар охири) ҳам маҳобатли жангга оид рангтасвир энг яхши сифатларини акс эттирувчи асарлар яратилди.

А.Алиқулов гуруҳининг Ўзбекистон ҳалқлари тарихи музейи учун ишланган охирги ишларидан бири «Халқ кўзғолонлари ва жадидчилик ҳаракати» (2000) деворий суратида яқингача «ёпиқ» бўлган Ўзбекистондаги 1920-30 йиллардаги миллий озодлик ҳаракатлари мавзусига мурожаат қилинганлик билан ажralиб туради. У фуқаролик ва ватанпарварлик туйғуси жарангি билан суғорилган. Деворий сурат тили кенг қамровли ва сермањо бўлиб, қарама-қарши рангларни уйғунлаштириш орқали ўша даврлар тарихий муҳити берилади. Бу иш мавзу ва услубий жиҳатдан рангтасвир асарига яқинлиги билан аввалги деворий суратлардан ажralиб туради (75-расм).

Тошкентдаги «Туркистон» концерт саройи интерьерида Ўзбекистоннинг кўхна шаҳарлари тарихий обидалари мавзусида ишланган А.Ганнинг деворий суратларини Ю.Чернишовнинг Урганчда «Жайхун» меҳмонхонаси, шунингдек, О.Хабибулиннинг Ўзбекистон Республикаси ҳалқ

ижодиёти Давлат қўмитаси, миллий матбуот-маркази, ҳамда А.Икромов тумани банки биноси интеръерига ишланган деворий композицияларини эслаб ўтиш ҳам жоиздир.

Қадим Хоразм цивилизацияси тарихига бағишлиб ишланган маҳобатли асари ҳажман катталиги (200 кв.м.) билан кишини ҳайратга солади. Асар кейинги йилларда Ўзбекистонда ишланган йирик қўламдаги деворий суратлардан деб эътироф этилиб, Ю.Чернишов дастгоҳли рангтасвир устаси сифатида машҳур бўлишига қарамасдан мазкур композицион асарда у ўзини моҳир маҳобатли рангтасвирчи рассом сифатида намойиш этади.

О.Хабибулин ишлари, асосан, тарихий мавзуга бағишлиланган бўлиб, Амур Темур даври ва Буюк Ипак йўлига оид бўлган Ўзбекистон халқларининг бой маданий меъроси билан извий алоқадордир. Унинг энкаустика техникасида ишланган асарлари ўзига хос тарзда Ўзбекистоннинг нақш санъати йўсинини бойитади.

1990 йиллар охирларида кўпгина рангтасвирчи рассомлар ўзларини маҳобатли рангтасвирда синаб кўрдилар. Бу борада самарқандлик рассом А.Исаев ижоди эътиборга моликдир. У темпера техникасида қатор деворий суратлар яратди. 1998 йилда Самарқанд Давлат чет тиллар институти интеръерига унинг томонидан «Буюк Ипак йўли» номли йирик композиция (узунлиги 43 метр; марказий қисмининг буйи 2 метрдан 8 метргача) яратилган (73-расм). Деворий сурат деярли бинонинг бутун вестибюлини эгаллайди, унинг марказий қисми («Мехмонлар учрашуви») Самарқандга бағишлиланади, ён томонларида эса Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган Ҳиндистон, Ҳитой, Миср, Италия каби мамлекатларга бағишлиланган саҳнавийлик ўз ифодасини топган. Деворий сурат чекланган тарздаги очсариқ ва ҳаворанг туслардан фойдаланиб амалга оширилган. 2000 йил А.Исаев Туркистон (Қозоғистон) шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий меъморий мажмуасидаги уч зални рамзий маънода уч давлат Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғистонга бағишлиб ишлади. Деворий сурат темпера техникасидан ишланган.

Самарқандлик маҳобатли рангтасвирчилар Э.Муҳаммадиев ва Н.Султоновлар 2000-2001 йилларда А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети интеръерида ишланган «Маънавият бўstonи» номли йирик ҳажмли (192 кв.м.) деворий композиция ҳам шу услубда яратилган. Бешта алоҳида композициядан иборат бу деворий сурат қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган Ўзбекистон маданияти тарихига бағишлиланади.

1970-80 йиллар охирига келиб, «Усто» ҳалқ усталари бирлашмасининг ижодий лабараторияси фаолияти ташабbusи билан Ч.Аҳмаров раҳбарлигига ҳамда Н.Холматов ва Ш. Муҳаммаджоновлар иштирокида миниатюра анъаналарини қайта тиклаш янгидан авж олди. 1980 йиллар охирига келиб миниатюра санъати услубида биринчи маротаба маҳобатли деворий суратлар яратиш «Санойи-нафиса» гурухи томонидан муомилага киритилди. Гурухнинг деярли барча аъзолари - Т.Болтабоев, Ҳ.Назиров, Ф.Камолов, ва С.Корабоевлар ўз фаолиятини локли миниатюрада бошлаганлар, бироқ биргина ўз устози ва раҳбарлари машҳур маҳобатли рангтасвирчи рассом

Ч.Аҳмаров тажрибаларидан илҳомланиб, Ангрен шаҳридаги 100 кв.м. ҳажмида «Улуғбек мактаби» деворий суратини яратдилар.

1996 йил «Санойи-нафиса» гуруҳи томонидан Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи интеръерини безатилди. Интеръердаги 200 кв.м. ўлчови Амир Темурга бағишлиб ишланган «Буюқ соҳибқирон - буюқ бунёдкор» учлиги (1 левкас, темпера, олтин) Интеръернинг марказий қисмида 200 кв.м. жойлаштирилган ва ўзида: «Туғилиш», Улгайиш», «Мерос» мавзуларини бирлаштиради. Деворий сурат ранглар ва композицион-маконий ечимиға кўра муваффақиятли чиққан. Тилла ҳал билан безакланган ҳошияли ички гумбаз, марказий зал устунлари ва улкан билтур қандиллар билан учлик жуда нозик тарзда уйғунлашган. Деворий сурат ўзининг тантанавор жарангига билан унутилмас таассурот қолдиради. Асосий қаҳрамон, яъни Амир Темур қиёфасини акс эттиришда рассомларнинг соҳта кайфият, дабдабаликдан четлашган ҳолда, шунингдек, салобатли тасвиirlай олганликлари, айниқса, муҳимдир. Деворий суратда Амир Темурнинг асосий хусусияти, ҳукмдор шахсини ўзига хос жиҳатларини таъкидловчи яратувчилик ва бунёдкорлик фаолияти сахна ва персонажлар билан мувофиқлаштирилган (76-расм).

Гуруҳ рассомлари ўзларининг юқори малакаларини намойиш этдилар. Қиёфалар ўлчови умумий композицияга мувофиқ тарзда олингандиги боис улар ушбу маконий кенгликда йўқолиб кетмайдилар. Композициянинг юқори қисми шитоб билан парвоз қилаётган фаришталар (марказий қисмида), феникслар (учликнинг чап қисми) ёки опоқ «хитой» булутчалар (учликнинг ўнг қисми) билан табиий равишда бир маромда ва енгил тарзда уйғунлаштирилган. Бу эса бутун учликка зарурый бўшлиқ ва маконни яратиб беради. Бундай йирик иш учун «Санойи-нафиса» гуруҳи рассомлари Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

1991 йили А.Аҳмедшин Ургенч шаҳридаги «Жайхун» меҳмонхонаси интеръери учун бинога ўринли равишда қўшимча меъморий-бадиий кўриниши бағищловчи «Флора» номли витраж ишлайди. Охирги йилларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар биноси (1998 й.). Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонаси учун «Ипак йўли» (1997 й. А.Болтабоев эскизлари асосида), шунингдек миллий мавзуларни тарғиб этувчи қатор кичик ҳажмли ва хусусий буюртмалар асосидаги витражлар А.Аҳмедшин томонидан яратилди.

Ш.Жамилова эса Тошкентдаги химия ва физика молимерлаш институти (1986й., «Ҳаво Ер, Сув» учлиги, 50 кв.м.), Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги ипак тўқиши фабрикаси (1988 й., «Йил фасллари» туркуми, 100 кв.м), Тошкентдаги Беруний метро бекати, Самарқанддаги темир йўл вокзали (1994 й., «Тонг, Кун, Оқшом, Тун», 150 кв.м) интеръерини унинг витраж ва қандиллари безаб турибди. Витражлар бетон боғламларда қўйма шиша қўйиш техникасида бажарилган.

А.Бухорбоев эса, Флоренция мазаикаси техникасида лазурит, бронза, нефритдан фойдаланиб Тошкентдаги «Ле-Меридиан» меҳмонхонаси даҳлизида уч қисмли композиция яратади. Ҳиндистон бадиий

хунармандчилигини рамзийлаштирувчи икки аёл қиёфасини ишлашда лазурит, бронза, нефритдан фойдаланади.

Осиё банки ҳозирги қимматбаҳо тошлар ва маъданлар бўйича Қўмита залини таъмирлаш ишларида кенг фазовий композиция яратар экан, В.Ган ҳам худди шундай масалани хал этди. Ўз ўлчови билан аҳамиятли бўлган биллурдан қилинган бу икки композиция интеръерда асосий ёруғлик ва композицион ургу сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Бу йиллардаги Ўзбекистон маҳобатли рангтасвири ўз ривожига кўра янги босқични эгаллайди. Услубий лойиҳада миниатюра рангтасвирининг таъсири аҳамиятли ўрин эгаллаганлиги; ватанимизнинг тарихий ва маданий ўтмиши билан боғлиқ бўлган мавзуларга мурожаат этилиши замонавий маҳобатли рангтасвир санъатининг алоҳида хусусиятлари бўлиб қолди.

Дастгоҳли графика санъати ривожи илгариги кўламда бўлмаса-да, рассомлар сувбўёқ, чизматасвир, линогравюра, афорт техникасида ишладилар. 1990 йиллар охирига келиб графика санъатида ижодий юксак ишлар рўй берганлиги таъкидланади. Бунда, графика санъати ҳақидаги одатдаги тасаввурларни рад этган ҳолда бутунлай янги шакл ва бадиий услублар вужудга келди, уларда графика, анъаналаридан бутунлай четга чиқиб кетганлилиги ва рангтасвир ҳамда маҳобатли рангтасвирга яқинлашганликни кузатиш мумкин. Масалан, бу нарса М.Кагаров ижодида, унинг классик реалистик графикадан узоқлашиб, «монопринт» техникасида колаж ёки аппликацияни эслатувчи («Ибодатхонага йўл», 1997 й., «Қайта тирилган Орол», 1999 й.) композицияларида намоён бўлади. Бу мавҳум композицияларда чизиқлар эмас, балки рангтасвирга хос ёндошиш устунлик қиласи.

В.Апухтин 1980 йилларда ёқ қофоздаги график тасвиirlар моҳиятини тасвирининг муқобил композицион ечими, образлар рамзлиги, экспрессион шаклий воситалар орқали чукур ҳал этган. Булар билан бир қаторда экспрессив ва рамзий хусусиятга эга бўлган абстракт (мавҳумий) ва ярим абстракт асарларни график усулда ишлашни давом эттиради («Коинот - Инсон», 1998 й., «Маънавият дарвозаси», 2000 й. туркум композициялар).

П.Анненков эса образлардаги реал аниқликни сақлаб қолиш билан ўзининг аввалги ижод услубига содиқ қолади, аммо охирги йилларга келиб, у қатор компьютер графикаси асарлари яратди.

Ғ.Бойматов ноанъанавий сув бўёқ техникасида ишланиши, зарурий аҳамиятли янги техник ечимларни қидиришга ундаши, ёзиш имкониятларидағи ёрқин ифодали безакдорлик ва ҳаёлий образлик билан уйғунлаштирилган янгича услугу рассомнинг ижодини янада юксалтириди. Мусаввир мавзулари сезиларли тарзда ўзгарганлиги: кескинлик, бўртириш ва киноялилиқдан четлашганлиги ва ўз анъанавий маданият қадриятларига қайта мурожаати сезилади. Бундай асарлар сирасига «Ўрта Осиёning қадимги тангалари» (1997 й.), «Ургутда тўй» (1996 й.), «Минг бир кечা» (1997 й.) композицион асарларини киритиш мумкин.

Леким Ибрагимов асарларидаги ўзига хослик ва етуклик кўп асрли Узок Шарқ тасвирий санъати анъаналарини мужассам этишда кўзга

ташланади («Осиё океани» циклидаги график ва рангтасвир композицияси, «Баҳор», «Куз» циклидаги манзара жанри композициялари 1999 й).

А.Мамажоновнинг асарлари бизга халқ байрамлари ва сайллари, шунингдек маҳаллий яшаш тарзи ҳақида ҳикоя қиласди. У мунтазам равишда реалистик услубда тушъ ва перода ишлайди. У маҳаллий халқ вакилларини кучли хусусиятларини кўрсатиш, хажмлилик, мутаносиблик, натуралистларга хос ортиқча унсурлардан чекланиш ва хазилга мойиллик рассом графикасига хосдир.

Рассомлар М.Карпузас ва Ю.Габзалиловлар иккинчи техник материаллар (тушъ, перо, қалам, гуашь, гратография, сувбўёқ, аралаш техника)ни қўллайди. Габзалилов реалистик услугба қатъий берилган, у ўзбеклар турмушини яхши билади, хазилни ўткир ҳис қиласди, баъзиде фош этувчан. М.Карпузаснинг дастгоҳли композицияларида лирик баъзан эса файласуф сифатида намоён бўлади. Карпузаснинг чизмалари экспрессивлиги, тасвир воситаларининг лўндалиги, натуралистик шаклларнинг иштирок этмаганлиги билан ажralиб туради. Антик мавзуга бағишлиланган, ўз ватани афсоналари руҳида ишланган бир туркум асарларида унинг греклардан келиб чиққанлиги дарҳол англашилади. («Йигит ва қиз», Шарқ мотиви 1995 й., «Ойкумена», ернинг одамлар яшайдиган қисми, сувбўёқ, 1996 й.). Машҳур автолитография ва сувбўёқ устаси М.Содиков охирги ўн йилларда ўзига одат бўлиб қолган автолитография техникасидан воз кечиб, асосан, сувбўёқда ўзи учун севимли бўлган Бухоронинг эски шаҳар кўчаларини ишлайди.

Ёш рассом Б.Исмоилов ижодий асарларида турмушда йўқолиб бораётган эскилик унсурларига соғинч билан назар ташлаш сезилади. У тушъ, перо, қофоз, шарикли ручка, темпера каби оддий техник воситаларидан фойдаланиб, тузилиши жиҳатидан мураккаб ва жумбоқли бўлган композициялар яратади. Шаклларнинг нақшинкорлигига озғин юзли, қирра бурун қиёфаларга берилиши рассомга хосдир. («Орзулар дарахти» 1998 йил, «Одам қушлар», 1998 й.). Баъзан Б.Исмоилов графикасида сюрреализм конуниятлари таъсири сезилиб туради («Хоҳиш» учлик).

Ксилографюра устаси Д.Уразаев ўз графикаларида ксилографиянинг аввалги композицияларига хос бўлган кичик ўлчовликдан воз кечиб, сувбўёқ техникасида ишлашга ўтади. Унинг сувбўёқда ишланган «Ўзбек меъморий ёдгорликларининг сирли таровати» туркумидаги асари 2001 йил Тошкентда бўлиб ўтган шахсий кўргазмасида намойиш этилди.

Кекса авлодга мансуб графикачи рассом С.Редъкин буюк аждодларимиз – Мирзо Улуғбек, Беруний, Навоий, шунингдек Садриддин Айнийнинг портретларини яратди. Самарқандлик графикачи рассом «Авлодларимиз изидан» (1991), «Устанинг бир куни» (1991), «Будда қўнғироғи» (1991) каби туркум асарлари она ватан тарихи ва маданиятига бағишлиланган бўлиб, автолитография техникасида бажарилган. Плакат соҳасида қўқонлик Аҳмадалиев 1970 йили Прагада бўлиб ўтган Халқаро кўргазмада Кумуш нишон билан тақдирланган.

Охирги йигирма йил давомида рамзлар ва белгилар тизимини ишлаб чиқкан Э.Исҳоқовнинг шогирдлари Л.Тиоранинг «Каллиграфия-импульс» (дараҳт танаси қоғоз (матнли) свиткалар билан қоришиб кетган (инталляция) асарида ҳам араб ва хитой каллиграфик ёзуви уйғунлигига уриниш сезилади. Л.Зуфарининг асарларида Э.Исҳоқовнинг тизим ва белгилар концепцияси таъсирида яратилган бўлсада, лекин унинг асарларида ўзига хос мустақил ёндошганлик сезилади. Унинг асарларида тош ва унинг сиртига ишланган рамзий ёзувлар уйғунлаштирилади. («Турк руқнлари», 1993).

Т.Аюпов композицияларида («Мавзу –I» «Мавзу – II») рамзийликка интилиш кўзга ташланса, Ю.Алагир ижодида мавҳум белгили композициялар устунлик қиласиди.

90-йилларда кўргазма ва галереяларда графикачи рассомлар Мурод ва Муҳаммад Фозиловларнинг паргор ва чизгич ёрдамида яратган қатъий, рамзий ва космагоник ўзига хос руҳдаги асарлари пайдо бўлди.

Сувбўёқ техникасида Д.Мирсалимов, А.Лигай, ва А.Лилар катта ютуқларга эришдилар.

2000 йилга келиб эса, машҳур рангтасвирчилар графика техникасида яратган асарлари билан кўргазмаларда қатнаша бошлидилар. 2001 йил апрел ойида «Илҳом» театрида бўлиб ўтган Б.Жалолов, ва С.Алибековларнинг график асарлари кўргазмасида айнан шу ҳолатни кўриш мумкин.

Б.Жалолов чизматасвир устаси эканлигини яна бир бора намойиш этиш билан кўпчиликни ҳайратга соглан бўлса, С.Алибеков ўзининг бетакрор фантазиялари билан рангли қалам имкониятларини намойиш этди.

90-йилар дастгоҳли графика ривожида рамзий-мавҳумлик ва безакдорлик услуби алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисолалар кўплаб нашр этила бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нашриётларда, замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аждодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, ҳорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

Нашриётларда детектив, фантастик жанрлардаги китоблар сони кўпайди. Миллий фалсафий ва диний мерос китоблари нашри ортди. Китобларни безаш ишлари анча камайди. Лекин муқова ва сармуқова қилишга эҳтиёж ортиб кетди. Айнан ўшалар харидор эътиборини тортмоқда.

«Ўқитувчи» нашриётида бир гурӯҳ ёшлар томонидан компьютер графикасини фотомонтаж билан ижодий мувофиқлаш-тирилмоқда. Шу гурӯҳдаги ёш рассом Ш.Мирфаёзов ўқув қўлланмаларни безаш билан шуғулланмоқда. Шу нашриётда ишлаётган Э.Нурмоновнинг график ишлари композициясининг жиддийлиги ва симметриклиги ҳамда рангларнинг вазминлиги билан ажralиб туради. У бажарган муқова ва иллюстрацияларда реалистик услуб яққол сезилади.

Янги давр замонавий китоб графика санъатида А.Бобров, А.Мамажонов, М.Карпузас, Ю.Габзалилов, А.Кива, А.Панамарёв-лар,

шунингдек, О.Васихонов, Г.Миллерлар жиддий графика устаси бўлиб қолмоқдалар.

Тажрибали графикачи рассом Қ.Башаров Р.Киплингнинг «Маугли» китобига анъанавий реалистик услубда ўттиз тўртта рангли иллюстрациялар ишланган.

Қалам (перо), гуашь ва сувбўёқ техникаларини пухта эгаллаган А.Бобров халқ эртакларига ифодали, образли ва ўзига хос услубда иллюстрация яратмоқда.

Графика устаси А.Мамажонов «Алпомиш» эпосига реалистик ва мазмунан ифодали бўлган иллюстрацияларни тушь ва перода бажарган. Шу билан бир қаторда у офорт техникасида Навоий асарлари «антологияси»га иллюстрациялар ишлаган, уларда миниатюра анъаналарининг таъсири сезилади. Шунингдек, қорақолпок достони «Маспаша» ҳам А.Мамажонов томонидан бажарилган.

А.Карпузас китоб безатиш маҳоратини пухта эгаллаган ва ўзига хос ижодий услуб яратган. Кейинги пайтларда у диққатини муқовалар, фронтисписларни безатишга қаратмоқда. Ю.Габзилилов услуг ва усулларни моҳирлик билан ўзлаштирган ҳолда, иллюстрацияларга достонда таъриф этилган майший ҳаёт руҳини сингдиради. У реалистик ифодавий образ яратилишга мойилдир. Китоб графикаси устаси А.Киванинг мўйқаламда ишланган рагли иллюстрацияларида рассомнинг рангларни зийраклик билан ҳис этиши намоён бўлади. Тажрибали уста А.Маҳкамов томонидан «Шарқ халқлари эртаклари» китобига ишланган иллюстрациялар бадиий жиҳатдан юксак бажарилган. Улардаги реалистик чизма асосида Шарқ миниатюраси таъсири яққол сезилади.

Феруза ва Лайло Башаровалар Ш.Перронинг «Она ғоз эртаклари»га («Шарқ» нашриёт-мактаби акциядорлик компанияси) болалар дунёқарашига мослаб реалистик услубда иллюстрациялар яратганлар.

Маълумки, ўзбек кулолчилик санъати қадимий даврлардан шу кунгача кенг тарқалган ва ахоли эҳтиёжларини қаноатлантириб келган, муҳим касб-хунар соҳасидир. Ҳозирги вақтда бадиий бе-затиш услуби, пластик ва технологик хусусиятлари бўйича учта асосий кулолчилик мактаблари мавжуд. Фарғона бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари – Риштон, Ўрумсарой); Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактаби (асосий марказлари Самарқанд, Ургут, Ғиждувон, Уба, Шаҳрисабз); Хоразм бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари – Мадир ва Каттабоғ қишлоқлари). Ҳар бир мактаб ривожланиши ва ижодий тамойиллари, етакчи марказ ва усталари, бошқа мактаблардан фарқловчи хусусиятлари билан белгиланади. Улар ўз қонуниятлари доирасида фаолият кўрсатади ва асосий бадиий тамойиллари умумийлигини сақлаб келади.

1990 йилларда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўз ҳолига келиши натижасида, анъанавий қадриятларга диққат эътибор қаратилди. Чет давлатлар билан алоқалар кенгайтирилмоқда. Республикада бир қатор халқаро муассасалар очилди. Улар халқ санъатига бўлган эътиборни кучайтирилдилар. Чунончи, 1995 йилда бўлиб ўтган (БМТнинг 50 йиллиги

муносабати билан) 1-республика ярмаркасида Ўзбекистонда мавжуд кулолчилик марказларининг вакиллари усталари маҳсус тайёрланган «Уста гувоҳномаси» сертификатига сазовор бўлдилар. Булар ўз мактаб анъаналарини қадрлаб ва ривожлантириб келаётган усталар Р.Зухуров (Денов), М.Туропов (Ғурумсарой), И.Комилов (Риштон), Алигер ва Абдулла Нарзуллевлар (Фиждувон), Номоз ва Нўймон Облоқуловлар (Ургут), Р.Матчанов (Хоразм), А.Рахимов (Тошкент)лардир.

1997 йили Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилиши ва бир қатор етакчи кулоллар – Акбар Раҳимов (Тошкент), Шарофиддин Юсупов (Риштон), Худойберди Ҳақбердиев ва Шариф Азимов (Самарқанд) – Академиянинг ҳақиқий аъзоси бўлиб сайлангани Ўзбекистон кулолчиги анъаналарининг юксак мавқеи ва даражасидан далолат берди, шунингдек, бу амалий безак санъат турининг анъаналарини ривожлантиришга самарали туртки бўлди.

Хуллас, мустақиллик йилларининг дастлабки н йиллиги даврида Ўзбекистон тасвирий санъатнинг барча соҳаларида алоҳида бир ижодий изланишлар, тарихий, маданий ва аҳлоқий қадриятларнинг доирасини кенгрок этиш, янгиланиш тамоиллари – рассомларнинг янгича бадиий талқинлар устида самарали иш олиб бораётганликларини намоён этади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2 қисмлик. 1-қисм. - Т., 1987.
2. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2 қисмлик. 2-қисм. - Т., 2001.
3. Абдурахмонов Ф.М. Тасвирий санъат композицияси. - Т., 1996.
4. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирилаш методикаси. - Т., 1984.
5. Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты (рисунок, живопись, композиция). Учебное пособие для студентов пединститутов. - М., 1981.
6. Беда Г.В. Живопись. Учебное пособие. - М., 1986.
7. Гренберг Ю.И. Технология станковой живописи (монография). - М., 1982.
8. Вольков Н.Н. Композиция в живописи. М. 1977.
9. Делакруа Э. Мёсли об искусстве. О знаменитых художниках. М. 1960.
10. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. Вўп. 1. От древнейших времен по XVI век. - М., 1985.
11. Зиганшина Н., Абдуллаев Ш. Мир глазами женшин. - Т., 2001.
12. Иогансон Б.В. Молоднум художникам о живописи. М., 1980.
13. История зарубежного искусства. Учебник. Под ред. М.Т.Кузьминой, Н.Л.Мальцевой. 3-е доп.изд. - М., 1983.
14. Кази-Ахмад. Трактат о коллиграфах и художниках. Введение, переводы, и комментарии Б.Н.Захадера. - М., Л., 1947.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., 1997.
16. Кузин В.С. Психология. М., 1982
17. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. - Т., 1993.
18. Маҳмудов Т. Абдулҳак Абдуллаев (альбом).

19. Маҳмудов Т., Олимов Я., Ўзбекистон санъатида инсон омили. -Т., 1988.
20. Орипов Б. Тасвирий санъат иборалари изоҳли луғати. -Н., 2003.
21. Орипоа Б. Тасвирий санъат дарсларининг самарадорлигини ошириш. - Т., 1978.
22. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. - Т., 1997.
23. Рисунок. Живопись. Композиция. Хрестоматия. Учебное пособие для студентов худ.граф.фак. пединститутов (сост. Н.Н.Ростовцев и др.). - М., 1989.
24. Ростовцев Н.Н. Академический рисунок. - М., 1980.
- 25.
26. Тасвирий санъат таълими. Давлат таълим стандартига шарх. Ўзбекистон Умумий ўрта таълим стандарти ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти. 6-маҳсус сони. - Т., 1999, 86-100-бетлар.
27. Турдалиев А. Композиция (маърузалар тўплами). - Н., 2000.
28. Турдалиев А. Тасвирий санъатдан тест саволлари. - Н., 1999.
29. Умаров А. Абдулхак Абдуллаев. - М., 1971.
30. Усманов О. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. - Т., 1977.
31. Шарқ миниатюра мактаблари (тузувчиilar А.Норматов, А.Мадрахимовлар). Мақолалар иўплами. - Т., 1989.
32. Шоёқубов Ш. Мусаввир. Ўзбекистоннинг бугунги миниатюра рангтасвири. - Т., 1994.
33. Шорохов Е.В. Композиция. Учебник. - М., 1984.
34. Шорохов Е.В. Основў композициии. Учебное пособие. - М., 1979.
35. Эгамбердиев А. Жанровая живопись Узбекистана. - Т., 1979.
36. Эгамбердиев А. Рахим Аҳмедрв. - Т., 1994.
37. Ҳакимов А. Баҳодир Жалол. Альбом., 1999.
38. Ҳакимов А. Сергей Алибеков. Альбом., 1999.
39. Ҳакимов А. Ақмал Нур. Каталог. - Т., 1998.
40. Ҳасанов Р. Амалий безак санъати машғулотлари методикаси (Ўқув қўлланма). - Т.
41. Ҳасанов Р. Мактабда иасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. - Т., 1986.
42. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). - Т., 2001.

Мундарижа

КИРИШ	5
I-боб. КОМПОЗИЦИЯ ЎҚУВ ПРЕДМЕТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ .	6
II-боб. КОМПОЗИЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	9
III-боб. ИЖОДИЙ ЖАРАЁН МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ .16	
ИЖОДИЙ ЖАРАЁН ДИНАМИКАСИ	22
IV-боб. КОМПОЗИЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ.....	25
V-боб. КОМПОЗИЦИЯНИНГ ҚОНУН-ҶОИДАЛАРИ, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ	27
КОМПОЗИЦИЯ УСУЛЛАРИ.....	32
КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ	33
VI-боб. КОМПОЗИЦИЯ ТУРЛАРИ.....	35
VII-боб. ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР КОМПОЗИЦИЯСИ	37
НАТЮРМОРТ КОМПОЗИЦИЯСИ	37
ИНТЕРЬЕР ВА ЭКСТЕРЬЕР	41
ИНТЕРЬЕР КОМПОЗИЦИЯСИ	43
МАНЗАРА - ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АЛОҲИДА ЖАНРИ	45
МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ.....	48
ПОРТРЕТ - ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АЛОҲИДА ЖАНРИ	51
ПОРТРЕТ КОМПОЗИЦИЯСИ.....	55
БИР ФИГУРАЛИ КОМПОЗИЦИЯ	58
МАВЗУЛИ ВОҚЕАБАНД КАРТИНА КОМПОЗИЦИЯСИ.....	60
УШ-боб. ГРАФИКА - ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ	63
АЛОҲИДА ТУРИ. ГРАФИКА САНЪАТИДА КОМПОЗИЦИЯ.....	63
ПЛАКАТ САНЪАТИ	66
КИТОБАТ САНЪАТИ.....	69
IX-боб. МАҲОБАТЛИ САНЪАТ КОМПОЗИЦИЯСИ.....	74
X-боб. ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА КОМПОЗИЦИОН ЙЎНАЛИШЛАР	79
XI-боб. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ	87
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР	108